

40.3

ЛЧ-96

А. Мұхаммадиев, Х. Мустафақұлов, С. Зокирова

ТУПРОҚЛАР БИОЛОГИЯСИДАН АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

Олий ўқыв юртлари тупроқшунослық ихтиисослиги
талаабалари учун ўқыв құлланма

40.3
ЛЧ-96


9

А. Мұхаммадиев, Х. Мустафақулов, С. Зокирова

ТУПРОҚЛАР БИОЛОГИЯСИДАН АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

*Олий ўқыв юртлари тупроқшунослық ихтисослиги
таалабалари учун ўқыв құлланма*

Тошкент — 2002



Мазкур құлланма тупроқтар биологияси амалий-лаборатория машғулотларини ўтказишга бағишенгандың бүлиб, унда тупроқ биотасининг асосий вакилларини замонавий үрганиш услублари билан таништирилади, тупроқтардаги тирик мажмуаларнинг биологик хусусиятларини тадқиқ этиш усуллари көлтирилади.

Күлланма олий ўқув юртларининг талаблар учун мүлжалданған.

Тақризчи: **О.М. Мавлонов** — биология фанлари доктори, профессор

© «ҰАЖБНТ» Маркази, 2002 ыйы.

© М.Ч. «Таълим манбаи» жамияти, 2002 ыйы.

КИРИШ

Мазкур қўлланма тупроқлар биологиясидан амалий машғулотлар ўтказишга мўлжалланган маҳаллий маълумотларга асосланган, давлат тилидаги биринчи мустақил рисола бўлиб, унда лаборатория дарслари давомида ўқишига оид мавжуд асосий маълумот мужассамлашган.

Шу пайтгача «Тупроқлар биологияси» фанининг амалий машғулотлари ўтказилганда собиқ «марказ» томонидан тайёрланиб, чоп этилган тарқоқ маълумотлардан фойдаланилар эди.

«Тупроқлар биологиясидан амалий машғулотлар»да ҳар бир ишни бажариш ва ўқув дастуридаги мавзуни ўзлаштириш давомида талабанинг шу машғулотни мустақил равишда бажара олиш имконияти, айни шу мавзу бўйича маҳаллий шароитда топилиши мумкин бўлган материаллардан ҳамда иложи борича соддалаштирилган тадқиқот услубларидан фойдаланиш ҳисобга олинган. Айрим амалий ишларни иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ёки маҳаллий шароитга мослаб бажариш учун дастурдаги материал бир неча турларда тавсия қилинган. Амалий машғулотлар давомида ҳар бир талаба ўзининг лаборатория ишлари бўйича тутган дафтари ва албомига дарснинг мавзусини, ўрганилаётган-маълумотлар (ўсимлик, микроорганизм, ҳайвон ва ҳоказо)нинг номланиши ва мазмунини амалий ишнинг рақамини, ўрганилаётган мавзуга оид шартли тасвирини чизиб олади ва унинг тузилиш қисмларини номлайди.

Талабанинг бажарган ишларини назорат қилишда дафтар ва албомга чизилаги тасвиirlар, шакллар, чизмалар математик ҳисоблар амалий иш дафтари ҳамда албом бўйича текширилиб, мавзу юзасида оғзаки саволлар берилиши билан назорат қилиб борилади.

Амалий машғулотлар ўтказиш давомида ҳар бир мавзуни ўзлаштиришда мазкур фанинг тадқиқот услубларидан фойдаланишга тўғри келади. Масалан, микробиологик объект-

ларни ўрганишда шу дарс учун зарур объектлар ва «экмалар» дарсдан бир неча кун олдин лаборант ёки ўқитувчи раҳбарлигига талаба томонидан лабораторияда озуқа муҳитини тайёрлаш, зарурий жиҳозларни стерилизация қилиш, табиатдан олинган намуналарни суюқ ёки зич озуқа муҳитига «экиш», «ўстириш», фиксация ва бўяш ишлари бажарилиб дарсга тайёрлаб қўйилиши зарур. Дарс пайтида обьектнинг морфо-анатомик тузилишини ўрганиш, биометрик ўлчовларни ўтказиш, олинган натижаларни умумлаштириш, обьектни микроскоп остида кузатиш ва тасвир чизиш, биомассани ҳисоблаш, сифат ва миқдорий жиҳатдан кимёвий реакцияларни ўтказиш каби амалий ишлар бажарилади.

Тупроқ биотасига кирувчи тирик организмларнинг кўпчилиги майда микроскопик тузилишга эга бўлганлиги учун тажрибалар асосан лабораторияда олиб борилади. Шунинг учун, талабалар лаборатория шароитида ишлаш тартиб-қоидаларини, техника хавфсизлигига риоя қилиш ва турли асбоб-ускуналар билан ишлаш кўникмаларини ўзларида қарор топтирган бўлишлари керак. Қўлланманинг маҳсус қисми ушбу масалаларга бағищлаган.

Республикамиз тупроқларининг миңтақавий турлари бўйича биоталари ҳамда улар таркибига кирувчи хилма-хил таксономик гуруҳлар — микроорганизмлар, тупроқ микрофлораси ва фаунаси тизим таркиби жиҳатдан ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва умумлаштирилмаган. Шу сабабдан, қўлланмада уларнинг таксономик туркумланиши ва тавсифи келтирилганда сўнгти илмий ва ўкув манбалардан фойдаланилди.

МАХСУС ҚИСМ

1-МАШГУЛОТ

1-ИШ. ЎҚУВ ЛАБОРАТОРИЯСИДА ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Дарс мақсади: талабаларни амалий машгулотлар ва тажрибалар ўтказиш давомида лабораторияда ишлаш тартиби билан таништириш, уларга ишлаш жараённан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни, электр, газ, оптик асбоблар билан ишлаш қоидаларини ўргатиши.

Ҳозирги вақтда барча ўқув лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналарсиз тасаввур этиш қийин. Ўқув ва тажриба хоналари турли-туман асбоб-анжомлар билан жиҳозланган. Лабораториялардаги ҳар бир асбоб-ускуна билан техника хавфсизлигига түлиқ риоя қылған ҳолда муносабатда бўлиш зарур, аксинча кўнгилсиз ҳодисалар рўй бериши мумкин.

Электр ва оптик асбобларни иш бошлишдан олдин уларнинг яроқлилигини кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир.

Лабораториядаги барча электр асбоблари бир хил кучланишда ишлаши, уларнинг ёқиши-ўчириш жойлари мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керак, электр плиталари тагида ва устида иссиққа чидамли, ёнмайдиган металл тўр, асбестлар бўлиши шарт.

Пахта, қофоз ва шунга ўхашаш тез ёнувчи кимёвий моддалар алоҳида хонада сақланиши зарур.

Оптик асбоблар — қўл ва стол лупалари, ёруғлик микроскоплари чангдан муҳофазаланган филофлар билан ўралган ҳолда ёки маҳсус қутичаларда сақланиши керак. Тажриба ва кузатиш ишларини бошлишдан олдин бу асбоблар тозаланган майин пахта ёки дока билан артилиб, кейин

фойдаланиш мумкин. Бу асбобларнинг оптик қисмларини ёғли, дағал ёкй түғри келган ҳар қандай латталар ёрдамида артиш қатъий таъқиқланади, чунки уларнинг ёруғлик ўтказиш-синдириш-имконият-холатлари бузилади.

Машғулотлар бошланмай туриб, талабалар лабораториядаги мавжуд асбоб-ускуналарнинг ҳолатлари билан танишадилар. Автоматик тартибга солинмайдиган электр ва газли асбоб-ускуналар дарс тугаши олдидан ўчирилиб, масъул шахсларга бу асбобларнинг ҳолати түғрисида маълумот берилади.

Лабораториядаги кимёвий моддалар маҳсус жиҳозланган жойларда ва алоҳида идишларда сақланиши керак. Концентрацияланган кислоталар, ишқорлар билан ишлаганда резина қўлқоп ва маҳсус қўзайнакдан фойдаланилади. Ҳар қандай хавфли кимёвий моддаларни бир идишдан иккинчи идишга қўйиш ёки улардан фойдаланиш ишлари албатта, мўрили шкафда бажарилиши керак, чунки айрим моддаларнинг ўткир ҳиди ёки сачраши ва тўқилиши орқали кучли заҳарланиш ва куйиш ҳолатлари рўй бериши мумкин. Синувчан нафис шиша ва чинни идишларни қўллашда маҳсус қисқичлар, ушлаш мосламаларидан фойдаланиш керак, акс ҳолда турли кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин.

Турли моддаларни тортиб ўлчаш жараённида тарозининг яроқлилигини текширишдан ташқари, паллага солинаётган кимёвий моддалар фақат маҳсус куракчалар ёрдамида солиниши, тошлар маҳсус қисқичлар билан олиб ишлатилиши даркор, аралаштириш, ковлаш ишлари шиша ёки инерт таёқчалар ёрдамида бажарилади. Тупроқни эзиш, майдалаш, аралаштириш ишлари чинни ўғир (косача) ёки ҳавончада ўзининг маҳсус ўғирдастаси билан амалга оширилади.

Лабораторияларнинг эшик ва деразалари осон очиладиган, ҳаво алмаштириш мосламалари бўлган ва ёнғинга қарши воситалар билан жиҳозланган, шунингдек, тасодифий жароҳатланиш ва куйиб қолишида биринчи ёрдам кўрсатиш учун аптечкалар, қолаверса, хонада албатта, оқин сув воситаси (водопровод) бўлиши зарур.

Идишларни ювиш

Тупроқлар биологиясидан амалий машғулотларни ба-жаришда микробиологик экма (култура)лар устидаги кузатиш ва тажрибаларнинг аниқлиги дарс давомида фойдала-ниладиган асбоб-ускуналарнинг тозалигига боғлиқ. Чунки очиқ сақданаётган ҳар қандай идишга ҳаводаги микроорга-низмлар юқсан-ёпишган бўлади. Агар идишлар янги (илга-ри фойдаланилмаган) бўлса, улар қайноқ сув буғида ёки-дисцилланган сувда ювилиб, қутилиади. Агар улар тоза бўлмаса, дастлаб водопровод сувида, сўнгра дисцилланган сувда ювилади ва термостатда қутилиади.

Агар идишларда ёғ ёки минерал моддаларнинг қолдиф-лари бўлса, бу идишлар 30-40 фоизли ишқор, совун ёки содали эритмада яхшилаб тозаланади ва юқорида қайд қилинганидек, 2-3 марта иссиқ сув билан ювилиб 1-2 марта дисцилланган сув билан чайқалади ҳамда термостатда қутилиади. Идишларни ювишда маҳсус чўткадан фойдалани-лади. Микроорганизмлар устидан иш олиб борилганда ас-боб-ускуналарни фақат ювиш билан кифояланмасдан ал-батта, уларни стерилизиция қилиш шарт.


2-МАШФУЛОТ

ОПТИК АСБОБЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ

1-ИШ. СТОЛ ЛУПАСИННИГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Стол лупаси — (1-чизма-расм) қўл лупасининг анча-гина такомиллашган хили бўлиб, унинг ёрдамида тупроқ биотасига мансуб бўлган макрофауна ва мегафауна вакиларини, тубан ўсимликлардан моҳлар ва лишайникларнинг, айrim кўп хужайраги сув ўтларнинг тузилишини ўрганиш, умуртқасиз ҳайвонларнинг ҳаракатланишлари, озиқланиши, ташқи қопламдаги айrim тузилмаларнинг хусусиятлари, ташқи таъсирларга жавоб реакцияларини кузатишда

фойдаланиш мумкин. Стол лупаси оптик асбоблар қаторига кириб, ўрганилаётган объектни бир неча ўн марта-лаб катталаштириб кўрсата оладиган лаборатория жиҳозидир. Унинг кўп русумлари бўлиб, тузилиши жиҳатидан ёруғлик микроскопи сингари механик ва оптик қисмларидан иборат. Стол лупаси анча содда тузилишда бўлиб, бунда объект тузилишини ёки ҳаракатини экран қисмидаги (3) Петри косаси ёки буюм ойнаси устида солинган объект тўғридан-тўғри окуляр (7) орқали кузатилиши мумкин. Объект билан объектив (8) оралиғидаги масофани тўғрилаш учун созлаш винти (4)ни бураб қўтариш ёки тушириш орқали мослаштирилади.



1-чизма-расм.

Стол лупаси.

Механик қисм: 1 — таглик; 2 — штатив; 3 — буюм столчаси ёки экран; 4 — созлаш винти; 5 — кўриш трубаси; 6 — маҳкамловчи винт.

Оптик қисм: 7 — окуляр; 8 — объектив; 9 — линзалар тўплами; 10 — ёритгич; 11 — кўзгу.

2-ИШ. МИКРОСКОП ТУЗИЛИШИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ


Ҳозирги пайтда ёруғлик микроскопларнинг МБС-I, МБР-І (2-чизма-расм), «Биолам» каби русумлари кенг кўлланилмоқда, улар механик ва оптик қисмларидан иборат.

Микроскопнинг механик қисми ушлаб туриш, қўтариш, суриш сингари вазифаларни бажариб, бу қисмга таглик (1), даста (2), макровинт (3), микровинт (4), буюм столчаси

(5), қистиригичлар (6), диафрагма (7), сурувчи винтлар (8), күриш найи (9) киради.

Микроскопнинг оптик қисми эса кўзгу (10), ёруғлик филтрлари (11), линзалар, катта ва кичик объективлар (12, 13), окуляр (14) дан иборат. Ёруғлик микроскопларига ОИ-7, ОИ-9, ОИ-18, ОИ-19 туридаги қўшимча расм олувчи ва кинотасмага туширувчи ҳамда бошқа қўшимча мосламаларни қўйиб ишлатиш мумкин. Ёруғлик микроскопларидан ташқари, электрон микроскоплар, стол ва кўл лупалари ёрдамида ҳам объектларни бир неча марта катталашиб, уларнинг тузилиши ҳаракат услублари озиқланиши ва бошқа ҳаётий фолиятларини ўрганиш мумкин. Ёруғлик микроскопларида объектларни тирик ёки фиксация қилинган (ўлдирилган) ҳолатда, вақтинча ҳамда доимий препаратлар тайёрлаш йўли билан ҳам ўрганиш мумкин.

Доимий препаратлар билан объектический ўрганиш учун дастлаб микроскоп ишчи ҳолатга келтирилади, бунда микроскоп окуляридан қараб туриб, кўзгунинг вазиятини ўзгартириш йўли билан манбадан ёруғлик тирқишига томон йўналтирилади ва тиниқ экран кўрингунча буралади. Шу ҳолатда микроскоп кичик объективнинг буюм столчасидан баландлиги 1,5-2 см юқорида бўлиши керак. Тиниқ экран ҳосил қилингандан кейин ўрганилаётган тотал препарат (масалан, инфузориянинг бўялган шакли) кичик объективда кўрингандан сўнг, тузилишини тўлароқ ўрганиш учун револверни айлантириш орқали катта объективга ўрнатилади, кейинчалалик макро ва микровинтлар билан кўриш сифати созланади. Катта объективнинг буюм столчасидан баландлиги 0,4-0,5 см.га яқин бўлганда тасвир кўринади. Бунда ҳайвоннинг барча тузилмасини ўрганишга, ҳужайра қисмларини аниқлашга имконият туғилади.



2-чизма-расм.
MBR-1 микроскопи.

Вақтингчалик препарат ёрдамида тирик объектни ўрганишда дастлаб микроскоп ишчи ҳолатга келтирилади. Кеин дока ёрдамида қоплагич ва буюм ойналари тозаланади, сўнгра суюқ озуқа муҳитидаги (културадаги) ҳайвон ёки тупроқ эритмасидаги сув ўти томизгич ёрдамида олиниб, буюм ойнасининг тахминан ўрта қисмига бир томчи томизилади ва устига қия бурчак остида ушлаб аста-секин қоплагич ойна ёпилади. Тайёр бўлган вақтингчалик препаратдан суюқликдаги ҳайвон ҳаракатини ёки сув ўти ҳужайрасининг тузилишини кузатиш мумкин.

Ёруғлик микроскопи ёрдамида объектни кузатиш учун кўп ҳолатларда «эзилган томчи», «осилган томчи», «суртма» тайёрлаш услубларидан фойдаланилади. «Эзилган томчи» услубида препарат тайёрлаш қўйидагича амалга оширилади. Яхши тозаланган буюм ойнасига томизгич билан бир томчи водоправод суви ёки 0,5 фоизли NaCl физиологик эритма томизилади, бир вақтнинг ўзида ёнма-ён микробиологик илмоқча ёки тўғрилагич нина билан текширалаётган объект «микроорганизм ҳужайралари» қўйилади. Шундан сўнг қоплагич ойна ёпилади. Препарат тайёрлашда буюм ойнасида ошиқча суюқлик бўлса қоплагич ойнани ён томонидан филтр қофози ёки пахта пилтаси ёрдамида ошиқча сув шимдириб олиниши керак. Тайёр бўлган вақтингчалик препарат дастлаб кичик объектив ($8\times$), кейинчалик катта объектив ($20\times, 40\times$) остида ўрганилиши мумкин.

«Осолган томчи» услубида препарат тайёрлаш қўйидагича амалга оширилади: бу услубда ўртасида маҳсус чуқурча бўлган буюм ойнасидан фойдаланилади. Яхшилаб тозаланган қоплагич ойнага томизгич, микробиологик илмоқча ёки тўғрилагич нина ёрдамида кичкина микробли томчи томиздирилади ва чуқурчали буюм ойнаси устига оҳисталик билан ёпилади. Бунда қоплагичдаги микробли томчи буюм ойнасидаги микрокамера (чуқурча) устида муаллақ осилиб, чуқурча тубига тегмай туради. Шундай услубда препарат тайёрланганда олдиндан буюм ойнасининг чуқурчаси атрофига қоплагич ойнани бир текисда мустаҳкам ушлаб туриш учун вазелин, глицерин, суюқ парафин суртиб қўйил-

са, бу вақтингчалик препаратдаги микроорганизмларнинг 7-10 кун давомида кузатиш мүмкін.

«Суртма» тайёрлаш услугбидә зич озуқа муҳитида үстирилған микроорганизм тұдасидан илмоқча ёки тұғрилагич нина ёрдамида озгина олинади ва буюм ойнаси үстига қўйилади. Бошқа буюм ойнаси ёки қоплагич билан бу масса астасекин бир текис қилиб бириңчи буюм ойнаси үстига суртиб ёйилади-сийраклаشتырилади. Шундан сұнг бир томчи сув ёки маҳсус суюқлик томиздирилиб, қоплагич ойна ёпилади. Бу усулда тупроқ замбуруғлари, турли спораларнинг тузилиши яхши кузатилиши мүмкін.

Тотал (доимий) препараттар тайёрлаш услуги тупроқ микроорганизмларнинг эндем ёки янги турларини сақлаб қолиши зарурияты бұлғанда, ёки тупроқ микроорганизмларнинг минтақавий тупроқ типлари буйича микробиологик намуналар коллекциясини сақлаш мақсадида тайёрланади. Бу услугда үрганиладиган обьект Канада балзамига ёки ўрик елимига жойлаشتырилади. Тозаланған ўрик елими ҳавончада (келичада) туюб, әлакдан үтказилади, дисцилланған сувда 1:10 нисбатда олиніб, шиша таёқча билан доимий аралаشتыриб, иссиққа чидамли колбада қайнатиб эритилади. Эритиши елим ва сувни бир жинсли эритмаси ҳосил бұлғунча давом эттирилади. Тайёрланған елим зарур бұлса қайноқ-фильтрлаш услуги билан фильтранади. Вақти-вақти билан эритмадан намуна олиб ёпиштириб күрилади, қайнатиши елимни меъёр жиҳатдан (нормал) қуюшқоқлик ва күриш даражасига етганда ниҳоясига етган ҳисобланади ва маҳсус оғзи зич бекиладиган шиша идишга қўйилади.

Тотал препарат учун мұлжалланған тупроқ замбуруғининг спорангийси, гифи, бактерия ёки содда ҳайвон намунаси аниқлаб олингандан кейин, унинг суртмаси буюм ойнасига юпқа қилиб жойлаشتырилади ва устидан Канада балзами ёки тайёрланған ўрик елимидан 1 томчи томизиласти, кейин устидан қоплагич ойна ёпилади. Тайёрланған доимий препарат этикеткаланади, қуригандан сұнг сақлаш учун маҳсус қутичаларга солиб қўйилади.

Мезо ёки макрофауна вакилларидан тотал препарат тайёрлаш учун умумий қабул қилингандың күп босқичли Фор эритмасида қайнатиши усулидан фойдаланилади.

Микроскопнинг катталаштириш даражасини аниқлаш.
Оптик асбоб орқали ўргнилаётган объект неча марталаб катталаштирилиб кўрилаётганини билиш учун қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$N_{\text{мик}} = N_{\text{ок}} \times N_{\text{об}}$$

Бунда, $N_{\text{мик}}$ — микроскопнинг катталаштириш даражаси;

$N_{\text{ок}}$ — окулярнинг катталаштириш даражаси;

$N_{\text{об}}$ — объективнинг катталаштириш даражаси.

$N_{\text{ок}}$ ва $N_{\text{об}}$ қийматлари эса микроскопнинг окулярига ва объективига ёзиб қўйилган бўлади.

Масалан: $N_{\text{ок}} = 8^x$ ва $N_{\text{об}} = 20^x$ га teng бўлса, юқоридаги формулага асосан, $N_{\text{мик}} = 8 \times 40 = 160$, демак, айни окуляр ва объектив билан микроскоп, объектни 160 марта катталаштириб курсатаётган бўлади. Катта объективдаги қиймати N катта об = 40 бўлса,

$$N_{\text{мик}} = 8 \times 40 = 320 \text{ марта};$$

эмиссион обектив (90^x) билан эса $N_{\text{мик}} = 8 \times 90 = 720$ марта катталаштирилади. Агар окуляр 15^x га алмаштирилса,

$$N_{\text{мик}} = 15 \times 20 = 300 \text{ марта},$$

$$N_{\text{мик}} = 15 \times 90 = 1350 \text{ марта катталикка эришиши мумкин.}$$

Ёруғлик микроскоплари орқали фақат объективнинг тузилишини ўрганиб қолмасдан, унинг ўлчамларини ҳам олиш мумкин, бунда микроскопга маҳсус микрометрли окуляр қўйиш йўли билан ёки АИ русумли микроскоплардан буюм столчасига ўрнатилган ўлчов асбоблари орқали ўлчов ишларини амалга ошириш мумкин бўлади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:


1. Ҳар иккала ишда ҳам ўқитувчи оптик асбобларнинг тузилишини ва уларда ишлаш қоидаларини кўргазмали асосда тушунтиради. Сўнгра талабалар ўқитувчи раҳбарли-

гида ҳар бир иш босқичини 2-3 марта такрорлаб, бажариб кўрилади.

2. Оптик асбоб ускуналарининг тузилиши расм дафтарига чизилади, ишлаш қоидалари амалий ишлар дафтарига ёзив олинади.

3-ИШ. СТЕРИЛЛОВЧИ АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ (ТАМОЙИЛЛАРИ)

Микроорганизмлар билан ишлаш жараёнида ҳамма зарурый асбоб-ускуналар ва озуқа муҳитлари ёт микроблар кўшилиб қолмаслиги учун стерилланган бўлиши керак. Стериллаш учун лаборатория вертикал ёки горизонтал автоклав, Кох қайнатгичи, қуригич шкафлар, Пастер печкаси (3-чизма-расм), УФо, К-200000 ва бошқа русумлардаги стериллаш асбоб-ускуналари бўлиши даркор.



3-чизма-расм. Стерилловчи асбоб-ускуналар.

Ҳозирги вақтда стериллашнинг кенг тарқалган 5 усулли мавжуд:

1. Термик стериллаш — бунга қайноқ буғли автоклавлаш; тиндализация; пастеризация; қуруқ-қайноқ ҳаво ва аланга ёрдамида микроорганизмларни ўлдириш усуллари киради.
2. Филтрлаш билан стериллаш;
3. Кимёвий моддалар билан стериллаш;
4. Ултрабинафша нурлар билан стериллаш;
5. Гамма-нурлар билан нурлатиб стериллаш.

Қайноқ парли термик стериллаш тупроқ микроорганизмларининг иссиқликка сезгириллиги — чидамсизлигига асосланган.

Автоклавлаш деб, зич беркитиладиган маҳсус камерада одатдаги ҳаво босимидан юқори бўлган ҳаво босимида қайноқ пар билан обьектни микроорганизмлардан тозалаш тушиллади. Бу камерада оддий озуқа муҳити 20 дақиқа давомида 1210° ҳароратда сақланади. Таркибда айрим қанд моддаларини сақловчи, шарбатлар, сут сингари маҳсулотлар 1120° ҳароратда 30 дақиқа давомида стерилланади. Тупроқ намланган ҳолда уч марта такрорий стерилланади. 100° дан юқори ҳароратда айнийдиган озуқа муҳитлари буг ўтказиш йўли билан тозаланади. Коҳ қайнатгичда тиндализация қилиш кунига 30-40 дақиқада 3 кун давом эттирилади.

Пастеризация ёки тўлиқсиз — чала стериллаш усулида обьект 70° ҳароратда 15 дақиқа, 80° ҳароартда 10 дақиқа давомида ёт микроорганизмлардан тозаланади. Бу усул тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотлари: сут, шарбатлар, сироплар, тупроқ микроорганизмлари учун озуқа муҳитлари, шунингдек, тупроқни микроорганизмларнинг вегетатив ҳужайраларидан тозалашда ишлатилади.

Қайноқ ҳаво орқали стериллаш — шиша идишларни, иссиққа чидамли асбоб-ускуналарни стериллашда қўлланилади. Бу жараён 160° ҳароратда 2-3 соат давомида қуритгич шкафида олиб борилади. Аланга ёрдамида металл ва иссиққа чидамли шиша асбоблари, микробиологик ҳалқалар, тўғрилагич ниналар, буюм ва қоплагич ойналари, колбаларнинг бўғизлари ва пробиркалар стерилланади.

Филтрлаш ёрдамида стериллаш усули филтрларнинг микроорганизмларни адсорбциялаш (ютиш) хусусиятидан фой-

даланилади. Ҳозирги пайтда 3 турдаги филтрлаш шу мақсадда құлланилади:

1. Мембранали филтрлар — махсус целлюлоза эфиридан тайёрланган дисклар.

2. Зейң филтрлар — асбест ва целлюлоза аралаштириб тайёрланган дисклар.

3. Майда тешекли шиша филтрлар — шишани махсус әритиш йўли билан тайёрланадиган дисклар.

Кимёвий моддалар (дезинфекцияловчи моддалар) билан стериллаш патоген микроорганизмларни үлдириш мақсадида құлланилади. Бунда тез учувчан кимёвий моддалардан лизол, фенол бирикмалари, гипохлоридлар, формалдегид, хлороформ сингари моддалардан фойдаланилади. Бу усулнинг яна бир күриниши антибиотиклар ёрдамида стериллаш ҳам амалда көнг құлланилади, чунки ҳар бир антибиотик модда маълум гуруҳ микроорганизмларни үлдиради, бошқа бир гурухни эса үлдирмай сақлаб қолиши мумкин. Бу усулда антибиотиклар әритилган ҳолда озуқа мұхитига ёки «экма» (материал)лар ичига құшиб қўйилади ва тупроққа зарур бўлган микроорганизмлар доимий (систематик) гуруҳининг ўзининг ажратиб олиш учун құлланилади.

Ултрабинафша нурлар ёрдамида бокслар, лаборатория столлари, хоналарни стериллаш мумкин. Бу нурлар ичida 2600 Å⁰ тўлқин узунлигига эга бўлган нурлар самарали бўлиб, улар ёппасига микроорганизмларни үлдиради. Нур сифатида паст босимли шароитда симоб буғи орқали чўғланувчи электр ёйлари ёрдамида ишлайдиган кварц лампалардан фойдаланилади.

Гамма-нурлар орқали стериллаш ҳаволи қуруқ тупроқ намуналарини тозалашда ишлатилади. Бу усул самарали усуллардан бири сифатида кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Нурлантiriш ичига 10-20 г тупроқ намуналари солинган 10x10 см ўлчамдаги полиэтилен ҳалтачаларда амалга оширилади. Бу ҳалтачалар 0.5 М.рад/соат қувватли К—200000 русумли универсал кобалт қурилмасида нурлантiriлади. Тупроқ намунаси 2 М.рад нурланиш олгунча қурилмада сақланади. Бу жараён атроф-мухитга, тупроқнинг гумус таркибиغا ва унинг физик-кимёвий хоссасига ҳеч қандай салбий таъсирини ўтказмайди.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Талабалар лабораторияда ишлашнинг тартиб қоидалари билан танишадилар. Техника хавфсизлиги қоидаларини ўзлаштирадилар.

2. Ўқитувчи талабаларга лаборатория жиҳозларнинг тузилиши ва ишлаш йўлларини кўрсатади, талабалар уларнинг тузилишини расм дафтарига чизиб оладилар.

3. Талабалар стериллашда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва уларни ишлатиш йўллари билан танишадилар, ишлаш тартибини босқичма-босқич дафтарларига ёзиб белгилаб оладилар.

3-МАШФУЛОТ

1-ИШ. ТУПРОҚ МИКРООРГАНИЗМЛАРИ УЧУН ОЗУҚА МУҲИТИНИ ТАЙЁРЛАШ

Микроорганизмлар устида олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқот ишлари уларнинг «эмалар»ини ва озуқа муҳитини ҳосил қилмасдан амалга оширилмайди.

Тупроқ муҳитида яшовчи микроорганизмлар озуқа манбаига ва уларнинг таркибига нисбатан турлича эҳтиёжда бўлганликлари учун тупроқ биотасидаги ҳамма таснифий (систематик) гуруҳларга яроқли, универсал (ҳаммабоп) озуқа муҳитини тайёрлаш мумкин эмас. Микроорганизмлардаги ўзига хос модда алмашинув жараёни асосан С ва N манбаларига нисбатан белгиланади. Микроорганизмлар учун тайёрланадиган озуқа муҳитлари таркибига кўра табиий ва сунъий бўлади.

1. Табиий озуқа муҳитларига сут, қайнатилган тухум оқсили, қон зардоби, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда уларнинг қайнатмалари, гўшт, балиқ шўрвалари, турушлар киради. Кўпчилик тупроқ бактерияларини ўстириш-кўпайтириш учун гўштли-пентонли озуқа муҳити ишлатилади. Уни гўшт қайнатмасига ош тузи ва пентон қўшиш йўли билан тайёрланади. Замбуруғлар, турушлар ва айрим бактериялар учун узум аталаси ҳамда тупроқ муҳити қўлланилади. Тупроқдан озуқа

муҳити сифатида фойдаланишнинг тупроқقا турли моддаларни қўшиб пластиинкалар тайёрлаш ҳамда озуқа муҳитига тупроқ намуналаридан қўшиш каби бир қанча йўллари мавжуд.

2. Сунъий озуқа муҳити муайян таркибдаги ва миқдордаги кимёвий моддалар йиғиндишига эга. Энг муҳими бу моддалар аниқ аналитик тарозида тортилган бўлади. Бунда афтотроф организмлар учун озуқа таркибига ноорганик тузлар, гетеротроф организмлар учун сунъий озуқа муҳитига қанд моддалари, органик кислоталар, крахмал ва ҳоказолар қўшилади.

Тупроқ микроорганизмларини ўрганишда электив озуқа муҳити микробиологияда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу усуслни биринчи бўлиб С. Н. Виноградский микробиологик тадқиқотларда қўллаган эди. Мазкур усул муайян таснифи (систематик) гурӯҳ организмларни кўпайтириб ўрганиш имкониятини беради (масалан, атмосферадаги N ни тўпловчи ёки целлюлозани парчаловчи ва ҳоказо). Электив озуқа муҳитининг камчиликларини йўқотиш учун унга витаминалар, туруш зардоблари, гўштли шўрвалар қўшилади.

Физиологик жиҳатдан озуқа муҳитлари суюқ ва қаттиқ муҳитларга бўлинади. Қаттиқ озуқа муҳитини тайёрлаш учун желатин ва агар-агардан ҳамда бошқа моддалардан фойдаланилади.

Тупроқ сув ўтлари учун озуқа муҳити

1. Бристол-Голлербах озуқа муҳитини (миқдор-г/л ҳисобида).

Тупроқ сув ўтлари учун сувли ва агарли минераллашган озуқа муҳити кенг қўлланилади. Бу озуқа муҳитини дисцилланган сувда минерал моддаларни эритиш йўли билан тайёрланади: NaNO_3 —0.25; KH_2PO_4 —0.25; MgSO_4 —0.15; CaCl_2 —0.05; NaCl —0.05; FeCl_3 —оз миқдорда; pH—4.3.

2. Бенекнинг дисцилланган сувли эритмаси (миқдор-г/л ҳисобида).

NH_4NO_3 —0.2; CaCl_2 —0.1; KHPO_4 —0/1; MgSO_4 —0.1; Fe_2Cl_6 —оз миқдорда.

Ҳар иккала эритма тубли колбага қўйилиб оғзи пахта тиқини билан ёпилади ва 120°C ҳароратида 20 дақиқа стерилланади. Бу озуқа муҳитларига табиатдан олиб келинган тупроқ намунаси (1-2 г) қўшилиб, 2-3 марта тақрорий ўсти-

риш тажрибалари қўйилади. «Экма» ёруф тушадиган, иссиқ шароитда сақланади.

Тупроқ сув ўтларининг табиатдаги намуналарида тўғридан-тўғри кузатиш

Ўзбекистоннинг иқлими ва тупроқ шароити тупроқ сув ўтларининг ривожланиши учун қулай бўлганлигидан баҳорги-кузги ёмғирдан сўнг санг жойларда, сув шимилмайдиган қаттиқ жойларда, дараҳтлар остида, биноларнинг тўғридан-тўғри қўёш тушмайдиган сояларида, экинзорлар орасида, ариқлар четидаги тупроқларда унинг физик-кимёвий хусусиятларига боғлиқ ҳолда 2-3 кун ичидәёқ, у ёки бу таснифий (систематик) гуруҳга мансуб сув ўтларининг тупроқни «гуллатиб» кўпайганини кўриш ва улардан вақтинчалик ёки тотал микропрепаратлар тайёрлаб ўрганиш мумкин.

Тупроқ замбуруғлари учун озуқа муҳитини тайёрлаш

Ўзбекистоннинг тупроқ ва об-ҳаво шароити мевали боғларда, омборларда, экинзорлардан тўқилган донларда, сабзавот меваларида, тупроқда намлик ва иссиқлик етарли бўлганлигидан замбуруғларнинг кўпайиши учун қулай. Шунинг учун бу маҳсулотларда кўпайган замбуруғлар микроскоп остида осонгина ўрганилиши мумкин. Микроскопик тупроқ замбуруғларини ўстириш учун кўпинча озуқа муҳитини тайёрлаб, унда ўрганилади.

Тупроқ замбуруғларини ўстириши учун Чапек озуқа муҳити (миқдор г/л. ҳисобида).

Сахароза—20.0; NaNO_3 —2.0; KHPO_4 — 1.0; MgSO_4 — 7; H_2O — 0.5; KCl — 0.5; FeSO_4 — 0.01; агар — 20; муҳитни кислотали даражада ушланса бактериялар кўпаймайди. Бактерияларнинг ривожланишини тўхтатиб туриш учун озуқа муҳитига бўёқлардан бенгал пуштиси, кристаллик сафсар ёки бўёқларга антибиотик моддалар қўшиб ишлатилади. Масалан, бенгал пуштисига стрептомицин (5г/л), номицин (50-100 мг/л), полимиксин (50 мг/л), эндомицин (5-10 мг/л) ингибиторлар сифатида озуқа муҳитига қўшиб қўйилади.

Тупроқ замбуруғларининг ҳамма таснифий гуруҳлари учун яроқли универсал озуқа муҳити бўлмайди, чунки ҳар бир гуруҳ турлича таркибдаги моддаларга талабчандир. Масалан, ликсомицетлар тез эрувчан қандсимон моддаларда яхши кўпаяди. Улар Чапек, Мартин озуқа муҳитларида осон

күпайтирилади. Тупроқдан целлюлозани, лигнинни, гумус моддаларини ўзлаштирувчи (парчаловчи) миромицетларни күпайтириш учун минераллашган сунъий озуқа мұхитидан фодаланилади. Табиатдан олинган тупроқ майдаланиб, 100 мл сувга 1-10 г тупроқ намунаси солинади ва миксер билан яхшилаб аралаштирилади. Тупроқ ўстириувчи сифатида қўшилади. Мұхит органик минерал кислоталар қўшиш йўли билан pH — 4.5 атрофида сақланади.

Замбуруғларнинг ўсиши чеклаш учун озуқа мұхитига дифенил (0.01—0.5%), ҳайвон ўти (0.25—0.5%), калий теллурит (0.05—0.15%), натрий пропинат (0.15—0.25%) ёки бўёқлардан бенгал пуштиси (0.003%), кристалл сафсанни (0.001%), қўшиш мумкин.

Мезофил тупроқ турушларини ўстириши 20-25-28°C, психрофиллар учун —5°C ҳароратда, озуқа мұхитининг сақланиши эса 28°C да 4-5 кун, 5°C да 14 кун. Табиатдан олинган тупроқ намунаси озуқа мұхитига экилганда турушлар 2-3 марта кўп бўлади. Сахароза қўшилган ушбу озуқа мұхитига тупроқ намунаси экилганда липомукес авлоди турушлари яхши кўпаяди.

Тупроқ бактериялари учун озуқа мұхити

Тупроқ бактерияларининг ҳамма таснифий гурӯҳларини ўстириши учун универсал озуқа мұхити мавжуд эмас. Шунинг учун уларни гўштли-петонли қайнатма (ГПҚ), гўштли петонли-агарли (ГПҚ) озуқа мұхитларида кўпайтириб ўргатилади. Булардан (ГПҚ) ўн марта суюлтирилган ҳолда ГПАга эса суелло (ёрма) қилиб, эшиб, Гетигинсон ва ГПАларга тухум сариги қўшиб фойдаланилади. Юқоридагилардан ташқари, тупроқ эритмасида ҳам бактерияларни кўпайтириш мумкин.

Тупроқ эритмасида бактерияларни кўпайтириш

Тупроқ эритмасини тайёрлаш учун 1 л водоправод сувига 1 кг унумдор тупроқ солиниб, автоклавланади ва тиндирилади. Сўнгра тупроқ эритмаси икки қаватли филтрдан ўтказилади, мұхит 7.2 бўлгунча нейтралланади. Филтрланган эритмадан 100 мл олинниб, унга 900 мл дисцилланган сув ва 15 г агар қўшилади. Тайёрланган тупроқ эритмаси қайнатиб, стерилланади ва пробиркаларга қўйилиб, 12° ҳароратда 30 дақиқа давомида автоклавланади.

Тупроқдаги спора ҳосил құлувчи мусбат бактерияларни ажратиб олиш учун тупроқ әритмаси 80°С ҳароратда 10-15 дақықа пастеризация қилиб олинади. Бунда тупроқдаги вегетатив ҳужайралар үлади ва споралари сақланиб қолади. Шундан кейин бу әритмадаги споралар ГПАГа әкилиб синалади.

Т. Г. Доброволская актиномицетлар, илдизсимон бактериялар ва грамм мусбат бактерияларни тадқиқ қилиш учун озуқа мұхитига метил қизили (0.015%) бүёғидан құшиб юборишиңи таклиф қилади. *Илдизсимон грамм мусбат бактерияларни тупроқдан, үсимлик түшамасидан ва қолдигидан ажратиб олиб, әкиси үчүн құйидаги тартибда озуқа мұхитига әкілади (микдор 2/л ұсисобида):* пептон — 10, туруш экстрати — 5, казеин әритмаси — 5, гүшт экстракти — 2, солод экстракти — 5, глицерин — 0,2, MgSO⁴ — 1, твин — 80, сирт актив модда — 0,05, дисцилланган сув — 1 литр.

Табиатдан чиритувчи, ачитувчи бактерияларни сифати бузилаётган мевалар, гүшт маҳсулотлари, сабзавотлар, үсимлик чириндилари, сут маҳсулотларидан, қайнатмалардан на-муналар ажратиб олиб, үқув мақсадида фойдаланиш мүмкін.

Актиномицетларни күпайтириш ва үрганиш учун тупроқ әритмасини — крахмалли-аммиакли, крахмалли-казенили, казенили-глицеринли, хитинли қаттық озуқа мұхитларига әкиси усулидан фойдаланилади. Тупроқдаги бошқа микроорганизмларнинг үсишини тұхтатищ учун ингибиторлардан антибиотиклар (пенициллин — 1 мг/л, стрептомицин — 25, полимиксин — 5, нистанин — 50 ва ұоказо), фенол каби кимёвий моддалар озуқа мұхитига құшилади.

Углеродлы бирикмаларнинг үзгаришида иштирок этувчи микроорганизмлар учун озуқа мұхити

Крахмалнинг үзгаришида иштирок этувчи микроорганизмларни күпайтиришда агарлашған озуқа мұхитига крахмал (әрувчан) ёки крахмал клейстери құшиб тайёрланган мұхитта тупроқ әритмаси «әкилиб», унда күпайған микроорганизмлардан крахмални гидролизлаш хусусиятидан фойдаланилади. Бунда «әкма»ли мұхитта йод томиздирилса мұхит күк ранга киради.

Пектинни үзгаришга учратувчи микроорганизмлар учун күйидаги таркибдаги маҳсус озуқа мұхити тайёрланади: картошка қайнатмаси — 1 л, пектин — 7 г, туруш әритмаси —

1 мл. тиогликолев кислотаси — 1 мл, 0,5% ли бромметил
түнгизи — 1 мл, озуқа мұхити 0,5 атм. босим остида 30 дақыла
стерилланади. Стерилланғандан кейин мұхит pH — 7,2-7,5
да NaOH билан келтирилади. Күпайиш даври 37°C ҳароратда
1-4 күн (сутка).

Целлюлозани аэроб шароитда ўзлаштирувчи микроор-
ганизмларни күпайтириш учун Петри косачаси остига нам-
штыған фільтр қофози солинади, унинг устига 1.5% ли KNO₃
арнамасидан 2 мл күйіб бойитилған 50-60 г нам тупроқ
солинади. Тупроқ устидан фільтр қофоз зич қилиб ёпилади.
Микроорганизмларнинг тез күпайиши нам қамерада яхши
бориди. Күтіш муддати тупроқ турига боғлиқ.

*Гетчинсоннинг түплөвчи озуқа мұхити (миқдор
— 1/л ҳисобида):*

KH₂PO₄ — 0,1; NaCl₂ — 0,1; CaCl₂ — 0,1; FeCl₃
— 0,1; MgSO₄ — 7; H₂O — 0,5; NaNO₃ — 2,5; дисцилланған сув.
Бунда озуқа мұхити колбага ёки пробиркага қуилади ва унга
ташланиб бүкленған фільтр қофози солинади (С манбаси сифа-
тида). Мұхит стерилланғандан сұнг идишга тупроқ доначалари
тапылаб қүйилади.

**Целлюлозани анаэроб шароитда ўзлаштирувчи микроор-
ганизмлар учун озуқа мұхити**

Бунинг үчун А.А. Имшенецкий таклиф қылған қуидаги
таркибдеги озуқа мұхити құлланилади.

*1. Түплөвчи озуқа мұхити (миқдор — 1/л ҳисо-
бида):* NaNH₄HPO₄·4H₂O — 1,5; KH₂PO₄ — 0,5; MgSO₄ — 0,4;
NaCl — 0,1; MgSO₄ ғарнинг фільтр қофози — 15,0;
pH — 7,4.

2. Соф түплөвчи «экмалар» учун гүшти-пентонли шурва:
CaCO₃ — 2 г; фільтр-қофози — 15,0 г; водопровод суви — 0,5
литр. Бунда озуқа мұхити пробиркага түлароқ қуилебі, унга
лентасимон кесилған фільтр қофози солинади ва озуқа туп-
роқ намунасидан ташланиб, 30-35°C ҳароратда термостатта
қүйилади, термофиллар 60°C да күпаяди. Айни микроорга-
низмларни озуқа мұхитида ёки мұхитдеги фільтр қофозни
фиксациялаб бүяб, микроскоп остида кузатиши мумкин.

**Азотли бирикмаларни ўзлаштирувчи микроорганизмлар
учун озуқа мұхити**

1. Тупроқ намунасидан 60-100 г тортиб олинниб, дастлаб водопровод сувида ивитиб эзилади ва *паста ҳолатига келгап тупроқ* эритмасини қуийдаги таркибдан иборат озуқа мұхитига әкілади (*миқдор — г/л ҳисобида*): K_2HPO_4 — 0.2; $MgSO_4 \cdot 7H_2O$ — 2; $NaCl$ — 0.2; KH_2PO_4 — 0.1; $CaCO_3$ — 5.0; монит ёки сахароза — 20.0; агар-агар — 20,0; дисцилланган сув.

Бунинг учун тайёр бўялган озуқа мұхитига микробиологик илмоқ билан Петри косачаларига 50 тадан тупроқ эритмаси (ивитилган тупроқ) солиб нам камерали термостатда ундирилади. Кутиш муддати 5-6 кун (сутка).

2. Ўтсимон ўсимлик илдизи 5-8 мм узунлиқда кесилиб, қуийдаги таркибдаги озуқа мұхитига қўшиб, *азоспириллум авлодига мансуб бактерияларни кўпайтиши мүмкін* (*миқдор — г/л ҳисобида*). Олма кислотасининг натрийли ёки калцийли тузи — 5; KH_2PO_4 — 0.4; K_2HPO_4 — 0.1; $MgSO_4 \cdot 7H_2O$ — 0.2; $NaCl$ — 0.1; $CaCl_2$ — 0.02; $FeCl_2$ — 0.01; $NaMoO_3 \cdot 2H_2O$ — 0.002; туруш экстракти — 5 мл; агар — 1,75; бромтимол қўки — 5 мл (0,5 %ли спиртли эритмаси), pH — 6.8 Кутиш муддати 320С да 5-7 кун.

Азот спирилл тўдалари 2-4 мм катталиқда оқ рангда бўлади. *Азот тўпловчи бактериялар* учун *Виноградскийнинг тўпловчи озуқа мұхити* (*миқдор — г/л ҳисобида*). Глюкоза — 20; KH_2PO_4 — 0.1; $MgSO_4$; $NaCl$; $FeCl_4$ — оз-оздан; $MgSO_4 \cdot 7H_2O$ — 0.5; $CaCO_3$ — 20.0. Озуқа мұхитини пробиркаларга қуийб, унга текширилаётган тупроқ намунаси әкілади ва 80⁰C ҳароратда 10 дақиқа пастеризация қилинади. Кутиш муддати 2-3 кун. Бунда озуқа мұхити лойқаланиб ҳаво пуфакчалари чиқа бошлайди.

Тион бактерияларини ажратиш ва «эмальар»ни ҳосил қилиш учун қуийдаги таркибдан иборат 2 хил озуқа мұхитини тайёрлаш мүмкін:

1) $(NH_4)SO_4$ — 0.2; $MgSO_4 \cdot 7H_2O$ — 0.1; $FeSO_4$ — 0.01; $CaCl_2$ — 0.25; KH_2PO_4 — 3; янгиланган S — 10 г (S ни «окин» олдидан қўшилади).

2) $Na_2S_2O_3 \cdot 5H_2O$ — 5.0; $(NH_4)_2SO_4$ — 0.4; K_2HPO_4 — 1.5; $CaCl_2$ — 0.25; $MgSO_4 \cdot 7H_2O$ — 0.5; $FeSO_4$ — 0.01; мұхит pH — 7.

Үндириши термостатда 1-2 ҳафта муддатда олиб борилали. Тион бактерияларининг кўпайғанлиги озуқа мұхитининг лойқалантаныдан билинади.

2-ИШ. ТУПРОҚ ҲАЙВОНЛАРИ УЧУН ОЗУҚА МУХИТИНИ ТАЙЁРЛАШ

Турли таснифий (систематик) гурухларга мансуб тупроқ ҳайвонлари учун уларнинг яшаш ва озиқданиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўплаб озуқа муҳитлари таклиф қилинган ва уларнинг айримлари ҳозир кенг қўлланмоқда. Масалан, тупроқ содда ҳайвонлари учун қўйидаги усуllар тавсия этилган:

Фаол (актив) содда ҳайвонлар ҳаракатини суюқ озуқа муҳитида уларнинг кўпайтириш йўллари билан ўрганиш мумкин.

1-УСУЛ. Турли сомон ёки йўнғичка пичани 1-2 см узунликда кесилиб, ариқ сувида ивитиб қўйилади. Банкадаги ивитмани усти очиқ ва $20-25^{\circ}\text{C}$ ҳаво ҳароратида сақлаш керак. Орадан 5-7 кун ўтгач бу «экма» муҳитида фаол ҳаракатланаётган инфузориялар ва айрим хивчинлиларни кўпайганини вақтингчалик тайёрланган препаратда микроскоп остида кузатиш мумкин.

2-УСУЛ. Турли ўтсимон ўсимликлар остидан олинган тупроқ намунасидан 10 г тортиб олиниб, яхшилаб эзилади. Эзилган тупроқнинг пастасимон эритмаси 1:1 нисбатан пичан қайнатмаси билан аралаштирилади. Сўнгра бу «экма» яхши ёритиладиган жойда ундирилади. Кутиш муддати хона ҳароратида 7-10 кун.

Содда ҳайвонлардан илдиз оёқлилар, хивчинлар ва инфузориелар кўпайган бу озуқа муҳитидан томизгич ёрдамида бир томчи буюм ойнасига томизилади ва ундаги ҳайвонларнинг ҳаракати микроскоп остида кузатилади. Зарур деб топилса улардан тотал препаратлар тайёрлаш мумкин.

Ёмғир чувалчанглари учун озуқа муҳити

Люмбрицидлар экологик 3 гурухни ҳосил қиласи, уларни лаборатория шароитда сақлаш ва кўпайтириш учун ҳар бир гуруҳда ўзига хос тупроқ-озуқа шароитини яратиш зарур.

1. Ўсимлик тушалмаси қатламида яшовчилир учун кўпроқ чала ўзгаришга учраган ўсимлик қолдиқлари солинган организмлар намлиги доимо назорат қилиб турилувчи идиш-ларда сақланиши зарур. Бу гуруҳ **Дендррабена, Люм-**

брикус, Аллоборфора авлодларига мансуб чувалчанглар күпроқ учрайди. Ҳозирда Америкадан келтирилган Калифорния ём- фирм чувалчанглари — ём фирм қизил чувалчанги сомонли-гүнгли чириндилар орасида унумдор тупроқ ҳосил қилишда көнг құлланимоқда.

2. Тушалма-гумус қатламида яшовчи ём фирм чувалчанглари күпроқ Люмбрикус авлодига мансуб чувалчанглар бўлиб, уларни ўрмон, истироҳат боғи, дараҳтзорлар остида чириндили қатламлардан топиш мумкин ва гумусга бой унумдор тупроқда йил бўйи лабораторияда сақлаш ва кўпайтириш мумкин.

3. Тупроқ қатламларида ин кавлаб яшовчилар ҳақиқий тупроқ чувалчанглари бўлиб, улар тупроқнинг чириндили юмшоқ қатламларида кўпроқ яшайди. Уларни лабораторияда сақлаш учун тупроқ намлиги, чириндиси ва тупроқ зичлиги етарли бўлиш керак. Тупроқнинг ошиқча намлиги уларга салбий таъсир қиласди.

Тупроқ ҳашаротлари учун озуқа муҳити

Тупроқ қатламида яшовчи ҳашаротлар турлича озиқланниш хусусиятига эга бўлганлиги учун уларга умумий битта озуқа тайёрлаш имкони йўқ.

Кузги тунлам қурти (томир қурти, кўк қурт) Ўрта Осиё шароитида қўпчилик экинларнинг муҳим зааркунандаси бўлганлиги учун уни сақлаш ва кўпайтириш йўли билан танишиш мақсадга мувофиқ.

Томир қурти бедапояларда, фўза тамаки, полиз агрономларидаги тупроқнинг 2-8 см чукурлиги қуруқ ва нам қатлам ўртасида яшаб, ўсимликларнинг илдиз бўғизи билан овқатланади. Экинзорлада кўчат қалинлигини кескин камайтириб, ҳосилдорликни пасайтиради. Табиатдан териб келинган қуртлар 2-3 л ҳажмли банкалар остидаги тупроқда сақланади. Уларга кунда янги итузум, шўра ўсимликлари бериб боқилади. Бу идишларнинг оғзи дока билан беркитилиб, ундаги нисбий намлик назорат қилиб борилади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Йаънлар жадвалига мувофиқ ҳолда ҳар бир озуқа муҳити на «окимишлар» йаън бўладиган кундан камида 1-2 кун олдин

тайёр бўлиши зарур. Ўқитувчи ва лаборантлар мұхитни ва «экма»даги микроорганизмларни ўрганиш учун тайёрлигини текшириб кўрган бўлиши керак.

2. Ҳар бир озуқа мұхитини тайёrlаш тартиби ва «экмалар»ни кўпайтириш, сақлаш усуллари лаборатория дарснинг бошланишида ўқитувчи томонидан талабаларга тушунтирилиши ва изоҳланиши керак.

3. Тупроқ микроорганизмлари учун озуқа мұхитининг тартиби, тайёrlаш ва сақланиш тартиби талабалар томонидан ёзиб олинади.

4. Барча мустақил ишда талаба ўқитувчи ва лаборантлар ёрдами билан ҳар бир озуқа мұхитини тайёrlаш ва кўпайтириш, сақлаш тартибларини ўзлаштиради ҳамда мустақил бажаради.

5. Олинган натижалар гуруҳ талабалари ўртасида мухоммада қилиниб якунланади.

4-МАШФУЛОТ

ТУПРОҚ НАМУНАЛАРИДАГИ МИКРООРГАНИЗМЛARНИ ТОПИШ ВА ХИСОБГА ОЛИШ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, микробиологик бўёқлар (карболли эритрозин), фиксаторлар, Петри косачалари, микроорганизмларнинг културалари, УЗДН-1 қурилмаси, тупроқ намуналари, дисцилланган сув, озуқа мұхитлари, ГПА (гүштли-пептонли агар), мензурка, колбалар, фарфор келича ва дастали пробиркалар, штатив, томизгич.

Дарс мақсади: тупроқ намуналаридан микроорганизмларни топиш ва уларни миқдорий ҳисобга олиш усуллари билан танишиш.

Намуналардан тупроқ микроорганизмларини топиш, ўрганиш ва ҳисобга олишнинг кўп усуллари мавжуд. Улар ичida кенг қўлланиладиганлари: тўғридан-тўғри микроскоп остида тадқиқ қилиш, қаттиқ озуқа мұхитига суюлтирил-

тан тупроқ әритмасини (суспензиясини) әкиш ва суюқ озуқа муҳитида ўрганиш усуулариридир.

Тұғридан-тұғри микроскоп остида текшириш усулини оммаллашган йўли – Виноградский усули ва уни турли тадқиқотчилар томонидан ўзгартирилган вариантлариридир. Бу усуулнинг мазмуни шундаки, буюм ойнасига томиздирилган тупроқ әритмаси фиксацияланади, сўнгра карбол әритрозини билан бўялади. Бўёқ қуригандан сўнг оптик микроскоп билан намунадаги микроорганизмлар тұғридан-тұғри синалади.

Табиий муҳитдаги микроорганизмларни люминесцент микроскоп остида ўрганиш усули кулагай бўлишига қарамасдан, бундай микроскоплар кўпчилик ўкув юртларида бўлмаганлиги учун бу усул ҳақида тўхтамадик.

Микробиологик анализ қилиш учун тупроқ намуналарини танлаш ва ажратиб олиш

Микробиологик тадқиқотлар учун тупроқ намунаси табиатдан стерилланган пергамент ҳалтачаларга солиб олиб келинади. Ўрганилаётган майдондан ишончли маълумот олиш учун унинг 3-10 жойидан алоҳида-алоҳида тупроқ намуналари олинади. Олинган намунани ўша пайтнинг ўзида текширишнинг иложи бўлмаса, қёш нури тушмайдиган салқин жойда тупроқ бир неча соат давомида қуритиб олинади. Намунани текширишга тайёрлаш бир неча босқичда боради:

1. Тупроқ агрегатларини майдалаш;

2. Тупроқ органик қолдигидаги ва тупроқ заррачаларидаги (доначаларидаги) ёпишган микроорганизмларни ажратиб олиш;

3. Микроорганизм тўдаларини бир-биридан ажратиб олиш.

Бу босқичларнинг ҳаммаси бир-бирига яқин услубда баражилади. Намуналарга механик ва кимёвий таъсир қилинади. Механик таъсир самарадорли экологик софdir.

Тупроқ намунасидаги бактериялар ва актиномицетларни ҳисобга олишда УЗДН-1 қурилмасида 0.44 А ток 15 кГц тўлқин кучи билан 4 дақиқа тупроққа таъсир қилинади. Шундан сўнг турли тупроққа турлича кимёвий таъсир ўтказилади. Масалан, қизил тупроқларга 0.1 %ли нартиф пирофосфат әритмаси билан, қора ва каштан тупроқларга 0.03 — 0.05 натрий алкил сульфати билан таъсир қилинса, таркибларидаги органик моддалар парчаланиб кетади.

УЗДН қурилмаси бўлмаса ёки тупроқда замбуруғ мицелийлар тадқиқ қилинадиган бўлса, механик усулдан фойдаланилади. Бунда тупроқ намланиб пастасимон майин ҳолга келгунча фосфор келичада резинка даста билан эзилади, эзиш тахминан 5 дақиқа давом этади. Бундан ташқари, тупроқ тўқималарини электр микромайдагич ёрдамида 5-10 дақиқа давомида дақиқасига 2-3 минг марта айланувчи куч билан эзиш мумкин.

Экиш усули. Экишдан олдин спирт билан артиб тозалangan соат ойнасига майдаланган тупроқ солиниб, ёт жинслардан тозаланади. Шундан сўнг колбага юқоридаги усул билан ишлов берилган тупроқ тортиб солинади. Унга стерилланган 100 мл водопровод суви қўшилади (аралаш 1:100) ва чайқатиб тупроқ сувда эритилади. Тупроқ эритмасидан пробиркаларга 10 мл.дан олинади. Шу пробиркалардаги тупроқ эритмаси қаттиқ озуқа муҳитга 1:10, 1:100, 1:1000 нисбатларда стериллаган водопровод сувида суюлтирилиб экиласди. Экишдан тупроқ тури ўрганиладиган микроорганизм гуруҳи ва унинг намлиги ҳисобга олинади. Қаттиқ озуқа муҳитига бактерия ва актиномицетлар 50-200 колонияга (тўп-тўп бўлиб яшовчи ёки бир ерга тўпланган жониворлар тўдаси,) тўғри келадиган миқдорда, замбуруғлар 30-50 колонияга тўғри келадиган миқдорда қилиб Петри косачасига экиласди. Экма қалин бўлса ҳисобга олиш қийин бўлади. Намунулар 3-5 тадан такрорий вариантда турли озуқа муҳитида ўтказилади. Шунингдек, ҳар бир таснифий гурух учун турлича ўзига хос озуқа муҳити танланади.

Озуқа муҳитини Петри косачасига қўйиш 50°C иссиқда мақсадга мувофиқ. Озуқа муҳити совигандан сўнг, уни қуригич шкафдаги ҳарорат 70-80°C атрофида бўлғанда, таркибидаги ошиқча сув чиқиб кетади. Шундан сўнг озуқа муҳитига муайян нисбатда суюлтирилган (1:10, 1:100 1:1000) тупроқ эритмасидан бир томчи томиздирилиб, шиша шпател билан бутун Петри косачасининг озуқа муҳити юзасига бир текисда суртиб экиласди. Ҳисобга олиш озуқа муҳити текширилаётган микроорганизм гуруҳига боғлиқ ГПАда спорали ва спорасиз бактериялар 2-3 кунда (суткада), Чапек озуқа муҳитида актиномицетлар 5-7 кунда (суткада), тупроқ турушлари ва замбуруғлар сусло-агарида 5-7 кунда кузатиш, ҳисобга олиш мумкин. Унган тўдаларни

санаш учун озуқа мұхити тиник бўлса, Петри косачаси-нинг остки томонидан ёруққа қараб туриб саналади, агар-тупроқли озуқа мұхити бўлса, Петри косачасининг устки томонидан саналади. Ҳисоблар назоратидаги параллел коса-ларни ҳисоблаб, умумий бир косачага нисбатан ўртача ариф-метик қиймат аниқланади. Шундан сўнг 1 г намунадаги туп-роққа нисбатан микроорганизмлар миқдори $a=6 \cdot b \cdot c$ форму-ла билан ҳисоблаб чиқлади.

Бунда, $a=1$ г намуна тупроқдаги микроорганизм миқдори;
 $b =$ Петри косачасидаги ўртача микроорганизмлар тўда-сининг сони;

$c =$ экманинг суюлтириш даражаси;

1 мм тупроқ эритмасидаги томчилар сони.

Ҳатолик эҳтимолига таснифий коэффицент бўйича ҳисобланади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Юқорида тавсифланган усуллар билан дарсдан 5-7 кун олдин «экилган» микроорганизмларнинг намуналари кузатилади. Бунда тўдаларнинг шакли, катта-кичиклиги, ранги, миқдори ҳисобга олинади. Тавсиф лаборатория дафтарида қайд қилинади.

2. Ҳар бир намунадаги микроорганизмларнинг тўдадаги миқдори ўртача арифметик қийматини ҳисоблаш орқали топилади. Натижа ва ечимлар дафтарга ёзилади, шакллари (расмлари) чизилади.

3. Таснифий жиҳатдан аниқланган гуруҳлардан вақтинчалик ва тотал препаратлар тайёрланиб, келгусида фойдаланиш учун сақланади.

4. Соғ қултура намуналаридан тайёрланган микропре-паратлар маҳалий шароитдаги ҳар бир тупроқ тури учун биоиндикатор сифатида коллекцияланади.

5-МАШФУЛОТ

ТУПРОҚНИНГ БИОЛОГИК АКТИВЛИГИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Тупроқнинг биологик активлигини аниқлашнинг турли микробиологик усуллари бўлиб, уларнинг ичидаги кенг қўлланиладиганлари қўйидагиларидир:

А) Микроорганизмларнинг турли гурухларини (бактериялар, актиномицетлар, замбуруғлар) тұғридан-тұғри микробиологик санаш ва турли озуқа мұхитларидаги микроорганизмларни миқдорий аниклаш.

Б) Биокимёвий (тупроқнинг ферменттатив фаоллигини (активлигини), АТФ, ДНКларини аниклаш).

В) Физиологик (микроорганизмлар биомассасини, тупроқнинг нафас олиш физиологик усулда аниклаш.

Г) Кимёвий (нитрат ва аммиак миқдорини аниклаш).

Бу усулар 2 гурухга ажратилади:

1. Тупроқни табиий биологик фаоллигини (активлигини) аниклаш. Бу гурухта — тупроқнинг нафас олиш, азотфиксация, денитрификация жараёнларини дала шароитида аниклаш усуллари киради.

2. Тупроқнинг потенциал биологик фаоллигини (активлигини) аниклаш. Бунга тупроқнинг нафас олиши, дентрификация, азотфиксация, нитрификация жараёнларини лаборатория шароитида аниклаш, тупроқнинг ферменттатив активлигини аниклаш усуллари кириб, бу жараёнлар лабораториядаги құлай шароиттада амалға оширилади. Бу гурухта микроорганизмлар миқдорини тұғридан-тұғри санаш йўли билан аниклаш, турли озуқа мұхитларига экиш, ДНКни аниклаш, микроорганизмлар биомасса миқдорини физиологик усулда аниклаш ва бошқа бир қатор усуллар киради. Бу усуллар тупроқнинг фақат потенциал биологик фаоллигини (активлигини) аникласа ҳам, муайян табиий шароит учун микроорганизмларнинг биологик фаоллиги (активлиги) тұғрисида холосалар бермайды.

Тупроқнинг нафас олиш жараёнини аниклаш

Атмосферага тупроқдан ажралиб чиқаётган карбонат ангирид газининг чиқыш тезлигини аниклаш учун камер-статик усулидан фойдаланилади. Бунда баландлығи 10-20 см ва диаметри 3-15 см бүлгән зангламайдыған пұлат цилиндрдан тайёрланған изолятордан фойдаланилади. Бунда изолятор тупроқнинг 3-5 см чуқурлигига киритилиб, 15-30 дақыла күтилади. Шу муддатда тупроқ қатламидаги атмосфера ҳавоси изоляторни тұлдиради. Изоляторда резина тиқин билан беркитилған тешик бўлиб шу тешик орқали махсус шприц билан анализ (тахлил) учун ҳаво олинади. Бунда

ҳажми 10-20 см³ бўлган «Рекорд» русумидаги шприцдан фойдаланилади. Анализ учун олинган ҳаво ош тузининг сувли эритмаси тўлдирилган пенициллин ёки инсулин идишлиарида лабораторияга олиб борилади. Лабораторияда карбонад ангидрид миқдори газли хроматография усули билан аниқланади. Бунда О — парапак қўшимча ускунали катарометр (ҳажми 0.3-250 см), 25 мл-мин ҳажмли гелий газ олгичдан фойдаланилади. Колонкадаги ҳарорат 40°С бўлиши зарур. Газ намуналарини олиш изоляторни ўрнатгандан кейинроқ (C_0) ва маълум тенг оралиқдаги муддатдан сўнг 2 марта олинади ($C_1 - C_2$). Изолятордаги тупроқдан газнинг ажраб чиқиши тезлиги изолятор баландлигига боғлиқ. Тупроқнинг газ ўтказувчанлиги (D^1) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$D^1 = \frac{H}{r} \ln \frac{C_1 - C_0}{C_2 - C_1}$$

Газ эмиссияси эса қуйидаги формула билан аниқланади:

$$F = \frac{D^1 (C_1 - C_0)}{1 - \exp(D^1 r H)}$$

Масалан, қуйидаги қийматлар олинган бўлсин:

$C_0 = 0.1$; $C_1 = 0.29$; $C_2 = 0.41$; мкч $\text{CO}_2 = \text{C}/\text{cm}^3$. Юқоридаги формулага қўйиб ҳисобланса, қуйидаги натижа чиқади: $D^1 = 0.12 \text{ см} / \text{мин}$; $F = 0.203 \text{ мкг}$; $\text{CO}_2 = \text{C}/\text{cm}^3$.

Тупроқнинг потенциал азотфиксациялаш активлигини аниқлаш

Бунда тешигининг 1 мм бўлган элақдан ўтказиб тозаланган тупроқдан 5 г тортиб олинади. Тортиб олинган тупроқни пенициллин идишига солиб, унга абсолют қуруқ тупроқнинг 2 % ҳиссасига глюкоза солинади ва 60 % намликтагача тупроқ намланади. Тупроқни шиша таёқча ёрдамида бир жинсли масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади ва флаконнинг оғзи пахта тиқин билан беркитилиб, ҳарорат 28°С бўлган термостатга қўйилади. Текширилаётган ҳар бир тупроқ намунасидан тупроқнинг потенциал азотфиксация фаоллигини (активлигини) аниқлаш учун 3 тадан тупроқ тортмаси олинади. Термостатда сақданаётган намуналарнинг пахта

тиқини бир кундан (суткадан) кейин резина тиқини билан алмаштириб қўйилади. Худди шу пайтда ҳар бир флаконга 0,5 мл.дан ацетилен қўйиб, резина тиқини беркитилади. Ацетилен қўйилгандан сўнг 1 соат ўтгандан кейин 0,5 мл.дан газ намуналари олинниб, газли хроматографияда текширилади. Назорат учун ацетилен қўйилмаган идишнинг газ намунаси текшириш учун олинади. Газли хроматография усулида метан, пропан, ацетилен, этиленларнинг аралашмаси миқдор жиҳатдан ажратиб аниқланиши мумкин. Намунадаги газлар аралашмаси 0,5 мл ҳажмда бўлиши керак. Намуналар тиббиёт шприци ёрдамида аппаратга ўтказилади. Тупроқдаги азот тўпланиш жараёнининг фаоллигини аниқлашда ҳосил бўлган этилен миқдори ва мавжуд азот миқдори ўртасидаги нисбатни 3 : 1 эканлигига асосланган ҳолда ҳисобланади ва натижা 3 га бўлинади. Намунавий ўлчовлар ҳар бир суткадан кейин резина тиқини пахта тиқини билан алмаштирилиб, ҳар 2 намунадаги фарқ 5 % га етгунча такрорлаб, давом этирилади. Тупроқнинг потенциал азотофиксация фаоллиги 1 кг тупроққа нисбатан мг (кг) ҳисобида бир соат учун аниқланади, яъни мг (кг) соат.

Тупроқдаги денитрификация жараёнининг потенциал фаоллиги (активлиги)ни аниқлаш

Бу усулда дастлаб қуруқ тупроқдан 5 г тортиб олинниб, 15 мл ҳажмли пенициллин идишга солинади ва умумий намсақлаш қобилияти 60 %гача намланади. Термостатда 2-3 кун (сутка) давомида 28° ҳароратда сақланади. Шундан сўнг идишга (2,5 мг/г) умумий тупроқ массасига нисбатан глюкоза, калий нитрати — 0,2 мг/г ва 5 мл дисцилланган сув қўшилади. Сўнгра флакон резина қопқоқ билан беркитилиб, қаттиқ чайқатилади ва тубини юқорига қилиб 28° ли ҳароратда 24 соат қолдирилади. Ҳосил бўлган газлар хром — 42 хроматограф асбобида аниқланади. Бу асбобда колонка узунлиги — 2,2 м, диаметр 3 мм бўлиб, парапак 0 тўлдиргичи ва 138 м А электр кучланишли катарометр билан жиҳозланган, бўғлатгичнинг (парлатгичнинг) ҳарорати 30°, газ сақлагич ҳажми (гелий) — 50 мл/мин.

Денитрификация активлиги 1 кг тупроққа нисбатан 1 соат муддатда мг ҳисобида ўлчанади.

Тупроқдаги ферментлар активлигини аниқлаш усули

Бу усулнинг кўп қўлланиладиган йўли — дегидрогенез фаоллигини (активлигини) аниқлаш усулидир. Дегидрогенез фаоллигини аниқлашда водород акцептори сифатида ТТХнинг рангиз тузларидан фойдаланилади, бунда фармазонларнинг қизил рангли бирикмалари тикланади (ТФФ). Тортиб олинган 1 г тупроқ ҳажми вакуумли колбага солинади ва унга 10 мг калций карбонати қўшилиб диққат билан силкитиб аралаштирилади. Янги олинган тупроқ намунасидан фойдаланилса дегидрогенезнинг аниқланиши осон бўлади. Куриб қолган тупроқ намуналарида дегидрогенез фаоллиги 50-80 %га камаяди. Бу аралашмага 1% ли мл ТТХ эритмаси қўшилади. Аниқлаш ишлари анаэроб шароитда борганлиги учун колбадаги ҳаво 2-3 дақиқа 10-12 мм симоб устуни даражасида сурib чиқариб турилади. Шундан кейин колба аста-секин олиниб, 38° ҳароратга эга бўлган термостатда 24 соат сақланади. Иш аниқлигини билиш учун назорат сифатида стерилланган тупроқ ва тупроқсиз субстратлардан фойдаланилади. Инкубацион давр тугагандан кейин колбага 25 мл этил спирти қўшиб, 5 дақиқа давомида чайқатиб турилади. Колбадаги масса филтрлаб олиниади ва олинган ТТФ фотоэлектрокалориметрдан ўтказилиди. Бунда 5 мм.лик кюветалардан ва 500-600 нм тўлқин узунлигига эга бўлган кўк светофилтрлардан фойдаланилади. Аниқлашда фармозан миқдори стандарт фармозан миқдорига нисбатан ҳосил қилинган фармозан эритмасининг эгри чизиги бўйича ҳисобланади. Фармозаннинг ўзгарувчан стандарт эритмаси 1 мл этил спиртида 0,1 мг фармозан эритиш йўли билан тайёрланади. Шундан кейин ўлчов колбаларига таркибида 0,1 мг.дан 1,0 мг.гача фармозан сақловчи 25 мм стандарт эритмаларидан қўйилади ва этанол билан колбаларнинг ўлчов чизигигача суюлтирилади. Шундан кейин эритмалар фотокалориметрланади. Тупроқнинг дегидрогенез фаоллиги миллиграммларда ҳисобланиб, бир кундаги (суткадаги) ТТФ миқдори 10 г.гача бўлади. Хатолик эҳтимоллиги 8 % гача бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, тупроқдаги микроорганизмлар биомассасини аниқлаш ҳам тупроқнинг биологик фаоллигини (активлигини) аниқлашда муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қиласи.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Ишни бажаришда ўқитувчи мавжуд усуллардан ўзига энг қулайини танлаб олиб бажаради.
2. Юқорида кўрсатилган усуллардан фойдаланиб, турли хилдаги тупроқларнинг биологик фаоллиги (активлиги) аниқланади ва улар ўзаро таққосланади. Олинган натижалардан фойдаланиб, тупроқ турларининг биологик фаоллик қатори тузилади ва ундан келгуси дарсларда фойдаланилади.
3. Ишни бажариш давомида ҳар бир талабанинг айни усулни ўзлаштириш даражаси текшириб борилади. Ҳар бир кичик гурухнинг усулларни бажаришда олинган натижалари гуруҳ олдида мұҳокама қилиниб, тұғри олинган натижалар ва бажарилган ишлар амалий машғулотлар дафтариға қайд қилинади.

АСОСИЙ ҚИСМ


6-МАШФУЛОТ

ТУПРОҚ СУВ ЎТЛАРИ

Хаёти тупроқ мұхити билан боғланған сув ўтларининг алоҳида экологик гуруҳига тупроқ сув ўтлари дейилади. Тупроқ сув ўтлари экологик жиҳатдан уч гуруҳга ажратилади: тупроқнинг турли қатламларыда яшовчи ҳақиқий тупроқ сув ўтлари, доимо захкаш нам тупроқда «сув-тупроқ» фазасыда учровчи сув ўтлари ва тупроқнинг юза қатламида фақат қулай шароит бўлганда пўстлоқлар, юпқа пардалар кўринишида яшайдиган ер усти сув ўтлари.

Тупроқ сув ўтларининг тузилиш турлари:

- а) амёбасимон;
- б) монадасимон;
- в) кокксимон;
- г) палмелойд;
- д) ипсимон.



1-чизма.

Сув ўтлари тупроқ таркибидаги кислород миқдорига, ундағи азот түпланишига, тез минераллашув хусусияти билан тупроқ тузилишига (структурасига) ўз таъсирини ўтказади. Улар бир ёки күп хужайрали бўлиб, вегетатив таналари таллом деб аталади. Таллом тузилишига кўра, амёбасимон, бир қатламли, коксимон, ипсимон ва бошқа кўринишларда бўлади (1-чизма). Сув ўтларида илдиз бўлмайди, улар озуқани бутун тана сирти билан осмотроф усулда ютади. Уларнинг фақат сифонол формаларида гина илдизсимон кўринишдаги субстратга ёпишиш учун хизмат қилувчи ризоидлари бўлади.

Сув ўтлари жинссиз вегетатив йўл билан ва споралар орқали қўпаяди. Айрим систематик гуруҳлар жинсий йўл билан ҳам авлод қолдиради. Тупроқнинг ёруғлик тушадиган юза қатламида яшовчи сув ўтлари атроф усулида, турли тупроқ қатламларида яшовчилар эса гетеротроф усулда озиқланади. Тупроқ сув ўтларининг кўпчилиги ядроли – эукариот организмлар бўлиб, молекуляр азотни ўзлаштира олмайди, лекин уларнинг ичидаги кўк яшил сув ўтлари (цианобактериялар) прокариот организмлар ҳисобланиб, молекуляр азотни ўзлаштира олади.


Ер шаридаги тупроқ сув ўтларининг 2000 га яқин турлари аниқланган. Улардан 500 таси яшил ва кўк-яшил сув ўтларига, 300 таси диатом сув ўтларига, 150 таси сариқ-яшил сув ўтларига, 1 тури қизил сув ўтига тўғри келади, кўнгир сув ўтларининг тупроқда яшовчи вакиллари яхши ўрганилмаган.

1-ИШ. КЎК-ЯШИЛ СУВ ЎТЛАРИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тўғрилагич ниналар, томизгич, филтр қофози, воронкалар, кўк-яшил сув ўтларининг култураси, тошлар, қоялар, дараҳт пўстлоғидан ва «гулланган» тупроқлардан қириб олинган пўстлоғисимон, пардасимон кўк-яшил сув ўтларининг тарқатма намунаси, таблицалар.

Дарс мақсади: тупроқ прокариот организмларининг ичидаги фотосинтезни амалга ошириб, эркин кислород чиқарувчи, атмосферадан эркин молекуляр азотни ўзлаштириб, боғланган азотга айлантирувчи, тузилиши жиҳатидан ҳам бактерияларга, сув ўтларига хос хусусиятларга эга бўлган тупроқ микроорганизмларнинг маҳаллий шароитда кенг тарқалган турлари билан танишиш.

- Кўк-яшил сув ўтлари:
1. *Microcystis pulvorea*;
 2. *Gleocapsa minuta*;
 3. *Anabaena variabilis*;
 4. *Lyngbya martensiana*;
 5. *Tolyphothrix tenuis*;
 6. *Plectonema edaphicum*;
 7. *Nastoc microscopicum*.




Кўк-яшил сув ўтлари бир хужайрали, колониал, кўп хужайрали (ипсимон) прокариот организмлардир. Улар кўкиш-зангори, қорамтир-кўк, сарфиш-қизгиш, бинафша рангли, пўстлоқсимон, пардасимон, толасимон кўринишларда учрайди (2-чизма). Уларнинг хужайрасида ўзига хос бўлган хлорофилл – а, хлорофилл – с, каротиноидлардан кўкиш фикоциан ҳамда қизгиш – фикоэритрин учрайди. Шунингдек, уларнинг хужайраларида шаклланган ядро, хроматофора ва вакуолалар бўлмайди. Кўк-яшил сув ўтлари хужайрасида захира озуқа сифатида маҳсус гликоген, волютин ва цинофинлар тўпланади. Вегетатив хужайралар орасида қалин пустли хужайралар-гетероцистлар учрайди. Уларнинг бир хужайрали вакиллари оддий бўлиниш йўли билан, ипсимон кўп хужайрали вакиллари гетероцистлар ёнидан тирик хужайраларнинг узилиши билан кўпаяди. Бўлингаётган кўпаювчи тола қисми — гормогоний деб аталади.

1-вакил. Глеокапса — (*Gleocapsa*). Хужайраси шарсимон, бир ёки кўп қаватли шилимшиқ пуст билан ўралган (3-чизма). Унинг она хужайраси бўлинишидан ҳосил бўлган қиз хужайралари пуст билан қопланади ва она хужайра ёнида қолиб тўда ҳосил қиласди. Тўда умумий пуст билан ўралади. Глеокапсанинг кўпчилик турларида шилимшиқ пуст қизил, сариқ, кўк бинафша рангда бўлади. Уларнинг шилимшиқ,

парда билан ўралган тұдалари, нам тупроқда, тошлар, қоялар, деворлар, дараҳт пүстлоқларыда ҳар хил рангдаги дөлгарни ҳосил қиласы. Атмосферанинг кислород мувоза-натыда катта рол үйнайды. Тупроқны органик қолдик билан бойитади.

2-вакил. Анабена (Anabaena).

Вегетатив ұхжайралари оддий маржонсімон ип күришиңда ёки буралган күришиңда бўлади (4-чизма а). Анабена ипчасида ўзининг йириклиги билан ажралиб турадиган гетероцисталар учрайди. Кўпайиш пайтида гетероциста ёнидаги ип узилади ва яшай бошлайди. Вегетатив ұхжайранинг айримлари катталашиб спорага айланади. Спора протопласти циансфин доначалари билан тўлган бўлади. Тупроқ микроорганизмлари учун озуқа ва тупроқни органик модда билан бойитади.



Глеокапса тұдалари.

3-вакил. Насток (Nastok).

Колония ҳолда яшайдиган, хилма-хил катталиқдаги шилемшиқпұст билан ўралган сув туғы (4-чизма б). Трихомалар турлича буралган ипсімон маржон күришиңда жойлашган. Настокнинг айрим формалари булоқ, сой ва ариқларда кенг тарқалган, тупроқнинг юза қисмидә хилма-хил қорамтири пластинкалар (пүстлоқ) күришиңдаги формалари кенг тарқалган. Тупроқ микроорганизмлари учун озуқа ва тупроқни органик бирикмалар билан бойитади.



4-чизма.

Анабена ва унинг газ ұхжайралари (а), Насток тупроқ сув туғы (б).

Ишининг бажарылиш тартиби:

1. Сув үтлар күлтурасидан — глеокапса, анабена, насток турларининг алоҳида-алоҳида вақтинчалик препаратлари тайёрланиб, аввал микроскопнинг кичик объективида, кейинчалик катта объективида ҳар бир турнинг ұхжайравий тузилиши кузатилади.

Тўдаларнинг шакли, ундаги ҳужайралар пўстининг хусусияти ўрганилади.

2. Анабена ва настокнинг вегетатив ҳужайраси спора ҳамда гетероцистадан тайёрланган препарат таққослаб ўрганилади.

3. Табиатдан йифиб келинган намуналар ювиш ва филтрлаш йўли билан тозалангандан сўнг, кўк-яшил мансуб турларини микроскоп остида ажратиб олиб, улардан препаратлар тайёрланади, тузилиши ўрганилади ва тасвир чизилади.


4. Ҳар бир турнинг табиатда учраш жойи, шакли, ранги тўда эгаллаган майдоннинг юзаси тўғрисидаги маълумотлар амалий ишлар дафтарига ёзиб қўйилади.

5. Намуналар таркибида учраган кўк-яшил сув ўтлари аниқланади ва тасвири чизиб олинади.

2-ИШ САРИҚ-ЯШИЛ СУВ ЎТЛАРИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тўғрилагич ниналар, томизгич, филтр қофози, воронка формалиннинг 4 % ли эритмаси. Зах экин майдонларидан йи-филган қорамтирияшил тупроқ намунаси, захкаш, балчиқли жойдан олинган сарфиш яшил рангли тупроқ намуналари, културалар, таблицалар.

Дарс мақсади: тупроқ биотасига мансуб хақиқий тупроқ сув ўтларидан сариқ-яшил сув ўтлари вакилларининг тузилиши билан танишиш. Сув ўтлари учун хос бўлган хлоропласт шакллари, жинсий споралардан зооспоралар, апласпороалар, оогонийлар, антеридий тузилишларини ўрганиш.



5-чизма.

Ботридиум ва унинг тузилиши.


Сариқ-яшил сув ўтлари табиатда яшил сув ўтлари сингары күп тарқалган бўлса ҳам турлар сони улардан анча кам. Сариқ яшил сув ўтлари қўпайиб кетган пайтларда «тупроқларнинг гуллаши» деб аталади. Бу бўлимга хроматофорли тўқ сариқ, яшил рангдаги сув ўтлари киради. Уларнинг ҳужайрасида хлорофилл а ва в бўлмасдан, унинг ўрнида хлорофилл с бўлади. Шу туфайли улар сариқ-яшил, қўнғир рангли тўда ҳосил қиласди. Бундан ташқари, хлоропластида асосий пигмент каротин, хлорофилл ва қсантофиллар бирга учрагани учун сарфиш товланади. Бу сув ўтлари ҳужайраларида крахмал эмас, балки мой томчилари, баъзан лейкоzin ва волютин захириа сифатида тупланади. Уларни табиатда морфологик жиҳатдан хилма-хил формалари амёбоид, монадасимон, палмелоид, кокксимон, ипсимон, тармоқланган ипсимон, пластинкасимон, сифонсимон қуринишлардаги шакллари учрайди. Уларнинг жинссиз ва жинсий йўл билан (изо вә оогамия усулида) қўпаядиган вакиллари бор. Айрим турларнинг талломида — ризоидлари бўлади.

1-вакил. Ботридиум (*Botridium*). Талломи яшил рангли шарсимон тармоқланган, рангсиз, субстратга бирикувчи ризоидлари бор (5-чизма). Шарсимон қисми субстрат юзасида бўлиб, унда кўплаб хроматофора ва вакуолалар бор. Ботридиум нам субстратларда, кўлмак теварагида, зах ерларда, экинзорларда кенг тарқалган бўлиб, қорамтири-яшил губорларни ташкил қиласди. Фотосинтезда иштирок қиласди. Тупроқни органик қолдиқ билан бойитади.

2-вакил. Ваушерия (*Vaucheria*). Талломи шоҳланган, сарфиш-яшил рангли, узунлиги бир неча сантиметрга етадиган йирик ҳужайралардан иборат (6-чизма). У субстратга рангсиз тармоқланган ризоиди билан бирикади. Цитоплазмасида донасимон, урчуқсимон, пириноидсиз кўп сонли хроматофорлари бўлади. Ядролари рангсиз, кўп сонли.

Ваушерия учун нокулай шароит вужудга келиб — ёруғлик, озиқ моддалар ва намлик етишмаса у зооспоралар ҳосил қилиб жинссиз қўпаяди.

Зооспора йирик, овал шаклда ва кўп хивчинли бўлади. Ҳар жуфт хивчин тагида цитоплазмада биттадан ядро ва унинг остида хроматофорлар жойлашади. У сувда бироз сузгандан кейин хивчинларини ташлаб унади ва ипсимоталломни ҳосил қиласди. Айрим турлари зооспора ўрнига ҳара-



7-чизма. Ваушерия.

катсиз апланаспоралар ҳосил қиласи. У жинсий құпайғанда оогамия усулида күпаяди.

Антерийдий талломда ён үсімта сифатыда ҳосил бўлади. Протопласт ноксимон, овалсимон спермаоидларга айланади. Оогонийда тухум хужайра етилади. Шундан сўнг сперматозоидлар оогамий тўсифини емириб кириб, тухум хужайраси билан қўшилади. Ҳосил бўлган ооспора қалин пўст билан ўралади ва мой томчиларини, гематохромни тўплайди. Ооспорадан сув ўтининг янги талломи ҳосил бўлади. Ваушерия тўдалари зах балчиқли жойларда тез күпаяди. Фотосинтез иштироқи билан атмосферани кислород ва тупроқни органик қолдиқقا бойитади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан йигиб келинган намуналар таркибидан Ботридиум сув ўтини ажратиб олинг. Ундан микроскоп учун вақтингачалик препарат тайёрланг ва ризоидлар, хроматофорларни кузатинг, сўнгра тузилишини ўрганиб тасвирини чизиб олинг.

2. Экинзорларнинг захкаш, ботқоқлик қисмидан йигиб келинган намуна таркибидан Ваушерияни ажратиб олинг. Унинг ипчаларидан тирик ҳолида препарат тайёрланг ва унинг ҳаётий формаларидан зооспоралар, антридий сперматозоидлар, оогоний ва ооспоранинг тузилиши билан танишинг.

3. Намуна таркибида учраган сариқ-яшил сув ўтлари турларини аниқланг ва тасвирини чизиб олинг.

3-ИШ. ЯШИЛ СУВ ЎТЛАРИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тўғрилагич ниналар, културалар, табиатдан олинган яшил тупроқлар, яшил губор билан қопланган дараҳт пўстлоғи, тошлар, таблицалар.


Дарс мақсади: тузилиши жиҳатидан юксак ўсимлик хужайраларига ўхшаш бўлган мураккаб тузилишли, хилма-хил кўпайиш хусусиятига эга бўлган табиатда энг кўп тарқалган тупроқ биотасининг яшил сув ўтлари билан танишиш.

Яшил сув ўтлари тупроқ биотасига мансуб сув ўтлари ичida табиатда кенг тарқалганлиги, турлар сонининг кўплиги, хилма-хил кўпайиш хусусиятларига эгалиги билан тавсифланади. Уларнинг хужайралари таркибида хлорофилл а ва в мавжудлиги туфайли соф яшил рангга эгадир. Улар тупроқда пўстлоқсимон, пардасимон, толасимон доғлар қоплаламаларини ҳосил қиласди. Бу сув ўтлари қулай шароитда тупроққа яшил ранг беради. Яшил сув ўтлари бир хужайрали, ценебиал, шарсимон, ҳаракатсиз, хивчинли ҳаракатчан, колонияли ва кўп хужайрали бўлиши мумкин. Морфологик жиҳатдан моддасимон (ҳаракатчан), кокксимон (шарсимон ҳаракатсиз), палмелойд (шилимшиқ пўстли), ипсимон, пластинкасимон ва сифонсимон (хужайрасиз) тузилишга эга (7-чизма). Катталиги бир неча микрондан бир неча ўн сантиметргача етади. Вегетатив кўпайиши талломининг узилиши билан боради. Жинсий кўпайиш ҳаракатчан зооспоралар она хужайрага ўхшаш автоспоралар, ҳаракатланмайдиган апланаспоралар ҳосил қилиши билан боради. Жинсий кўпайиш копуляция (изогамия, гетерогамия, оогамия) конюгация йўли билан амалга ошади.

Уларнинг хужайра қобиги юксак ўсимликлар сингари цељлюзоздан ташкил топади. Бундан ташқари, уларнинг хужайраларида худди юксак ўсимлик хужайралари сингари захира сифатида крахмал тўплнади. Айрим вакиллари худди содда ҳайвонлар сингари ҳаракатчан-хивчинли, ёруғлик сезувчи пигментларга «хужайравий кўзча»ларга эгалиги ва

Яшил сув ўтлари:

- 1 — Chlamydomonas atactogama;
- 2 — Chlorella vulgaris;
- 3 — Ankistrodesmus falcatus;
- 4 — Gongrosira terricola;
- 5 — Ulothrix tenerrima;
- 6 — Hormidium nitens;
- 7 — Microspora tumidula.



7-чизма.

кўпайишининг хилма-хиллиги билан мураккаб организмлар ҳисобланади.

1-вакил. Хламидомонада (*Chlamydomonada*). Бир ҳужайрали, ҳаракатчан, шакли юмалоқ шарсимон ёки тухумсимон (7-чизма, 1). Танасининг олдинги қисмида тенг узунликдаги иккита хивчини бор. Ҳужайра пўсти пектиндан ташкил топган. Протоплазмада катта косачасимон хроматофори жойлашган, унинг қалинлашган асосида крахмал пўстли пирикоид жойлашган. Хроматофорнинг усти қизил рангли стигма — «қўзча»си бор. Хивчинлар асосида 2 қисқариб турувчи вакуолалар мавжуд. Жинссиз ва жинсий усулда кўпаяди. Жинсий кўпайганда хламидомонада ҳаракатдан тўхтайди ва хивчинлари йўқолади. Протопласти бўйига қараб 2, 4, 8 га бўлинади ва ҳар бир бўлакча ўз хивчинини ҳосил қилиб она ҳужайранинг пўстидан ажralиб чиқади ва мустақил яшай бошлади. Изогамия — жинсий кўпаяди.


Хламидомонадалар органик қолдиқлар кўп бўлган сув ўтларни тозалашда катта аҳамиятга эга. Тупроқда ва сув ҳавзаларида кўпайиши — «тупроқ гуллаши» ва «сув гуллаши» деб номланади. Катта амалий аҳамиятга эга.

2-вакил. Хлорококк (*Chlorococcum*). Унинг целялюзоза билан ўралган шарсимон ҳужайраси бир ядроли, хроматофори чуқур косача кўринишида. Ёш ҳужайраларда биттадан, воя-

га етган ҳужайраларда бир нечтадан пиреноиди бўлади. Етук ҳужайранинг катталиги 3-15 мк келади. Вояга етган ҳужайраларда 8 тадан 32 тагача зооспора ҳосил бўлади, она ҳужайра пўсти ёрилиб улар ташқарига чиқади. Жинсий қўпайиш изогамия йўли билан боради. Хлорококк зах ерларда, дараҳт пўстлоқларда ва айрим лишайниклар таркибида қўплаб учрайди. У минерал моддаларга бой бўлган тупроқларда тез қўпаяди, фотосинтез жараёнининг актив иштрокчиси, тупроқни органик қолдиқлар билан бойитишида катта аҳамиятга эга. Улар тупроқ микроорганизмлари учун яхши озуқа бўлиб хизмат қиласи.

3-вакил. Хлорелла (*Chlorella*). У диаметри 2-10 мк етадиган шарсимон ёки овалсимон шакли қалин целялюзоза пўстли сув

ўтидир (8-чизма, б). Хроматофори чуқур косачасимон кўринишида, пиреноид бўлиши ёки учрамаслиги мумкин. Хлорелла ўзининг яшаш шароитига боғлиқ ҳолда фотосинтез жараёнида захира модда сифатида крахмал, мойлар, волютин тўплаши мумкин. У жинссиз қўпайганда она ҳужайрада 8 тадан 82 тагача автоспоралар ҳосил бўлади. Хлорелла ва она ҳужайранинг пўсти ёрилиб, улар ташқарига чиқади. Хлорелла чуҷук сув ҳавзаларида, нам тупроқларда кенг тарқалган. Бундан ташқари, у қўп лишайниклар таркибига кириб биоген тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида иштирок этади.




8-чизма.

Хлорококк ва хлорелла:
а- хлорококкнинг қўпайиши;
б- хлорелланинг қўпайиши.

4-вакил. Анкистродесмус (*Ankistrodesmus*). Бир ҳужайрали, ярим ой ёки ўроқсимон шаклдаги сув ўтидир. Ҳужайрасида биттадан пластиинкасимон хроматофори, пиреноиди ва ядроси бор.

Анкистродесмус ҳужайралари одатда турли түплемлар, боғламлар кўринишидаги тўдалар ҳосил қиласи (9-чизма, б). Жинссиз кўпайиш вақтида ҳар бир она ҳужайрада 2-4 тадан автоспора етишади ва она ҳужайранинг пўсти емирилгач ташқарига чиқади. Бу сув ўти хлорелла билан биргаликда сунъий қурилмаларда кўпайтирилиб, ҳужаликнинг турли соҳаларида қўлланилади. Табиятда унинг тўдаларини зах жойларда, экинзорларда ва дараҳт пўстлоқларида кўплаб учратиш мумкин. Фотосинтез жараёнида фаол иштирок қилиш билан бирга тупроқ микроорганизмлари учун озуқа ва тупроқни органик моддалар билан бойитишида катта амалий аҳамиятга эга.



9-чизма.


Сценнедесмус (а), анкистродесмус (б), педкаструм (в)

5-вакил. Плеврококк – (*Plerococcum*). Бу сув ўтининг шарсимон ҳужайраси биттадан ёки 3-4 таси биргаликда тўп-тўп ҳолда учрайди (10-чизма, а). Унинг ҳужайра пўсти анча қалин ва хроматофори пиреноидсиз.

Плеврококк оддий бўлиниш йўли билан кўпаяди. Унинг тўдаларини зах тупроқларда, деворлар ва дараҳтлар пўстлоқлари юзасида, турли тошлар устида яшил губорлар кўринишида учратиш мумкин.

6-вакил. Трентеполия – (*Trentepolia*). Талломи турли йўғонликда тарқалган ипсимон кўринишида бўлади (10-чизма

б, в). Талломини ташкил этувчи ҳужайралар ясси овалсиз мон ёки шарсимон, пўсти қалин бир қават, айрим ҳолларда кўп қаватли бўлади. Цитоплазмасидаги бир қанча хроматофорлар донадор, пиреноидсиз бўлиб, баъзан дисксимон ёки маржон шаклларда кўринади. Цитоплазмада тўпланган



а) Плеврококк, б) Трентеполия, в) Унинг палмеloid ҳолати.

Захира озиқ моддалардан мойлар кўплигидан хроматофорлар ҳар доим ҳам кўринавермайди. Ҳужайраси бир ядроли, лекин уни кўриб бўлмайди. Субстратга ёпишган талломлари узун ипсимон, ички ҳужайраларнинг шакли овал ёки шарсимон бўлиб, зооспорангийлар ҳосил қиласди. Улар узилиб, шамол ёрдамида тарқалади. Вегетатив усулдан ташқари улар жинсий споралар ёрдамида ҳам кўпаяди.

Трентеполия нам тупроқларда, деворлар, дараҳт пўстлоқлари ва турли субстратларга ёпишган ҳолда қизғиш, сарғиши пардалар, губорлар кўринишида учрайди.

Ишнинг бажарилиши тартиби:

1. Табиатдан йигиб келинган «гуллаган тупроқ», яшил доғли дараҳт пўстлари, тошлар намуналарини қириб, юваб, филтрлаш билан яшил сув ўтларини ажратиб олинг. Улардан ҳар бир тур бўйича микроскоплар учун вақтинчалик препаратлар тайёрланг.

2. Тайёрланган препаратлардан аниқланган турларнинг тузилишини ўрганинг, тасвирини дафтарчангизга чизиб олинг.

3. Яшил сув ўтларининг културасидан ҳар бир турнинг ҳаётий формаларини ўрганиш учун доимий препаратлар тайёрланг.

4. Хлорелланинг кўпайишини Прат ёки Мейрс озуқа муҳитидаги културасидан фойдаланиб кузатинг. Хуросаларингизни амалий ишлар дафтарига ёзиб олинг.

5. Трентеполия намунасини қоронгида сақлаб (дарсдан 1 кун олдин), ҳужайрадаги захира мойларини йўқотинг ва унинг хроматофор ва ядросини маҳсус бўяб тузилишини кузатинг.

4-ИШ. ДИАТОМСИМОН СУВ ЎТЛАРИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тўғрилагич ниналар, томизгич, диатомит, тоғ жинслари, оч жигаррангли шилимшиқ қопламли нам тупроқлар, шилимшиқли сув ости предметлари — тошлар, диатом сув ўтларининг културалари, таблицалар.

Дарс мақсади: тупроқ биотасига мансуб хос тузилишга эга бўлган сув ўтлари маҳаллий турларининг тузилиши, ҳаракатланиш хусусиятлари билан танишиш.

Бу бўлимга бир ҳужайрали ва тўда бўлиб ўсуви сув ўтлари киради (11-чизма). Диатом сув ўтларининг ҳужайра пўсти икки палладан иборат бўлиб, палланинг биринчи усткиси эпитека, иккинчиси осткиси гипотека деб номланади ва улар Петри косачалари сингари бир-бирига ёпишиб туради. Диатом сув ўтлари кремнийли сув ўтлари ҳам деб аталади, бунга сабаб ҳужайра қобигида кўп миқдордаги кремнезем (кум тош) моддаларининг сақланишидир. Бу сув ўтларининг бир жойда кўплаб тўпланишидан диатомит тоғ жинси ҳосил бўлади. Бу тоғ жинси палеонтологияда ер қатламлари ёшини аниқлашда назарий аҳамиятга эга. Диатом сув ўти ҳужайрасининг икки томондан кўриниши систематик аҳамиятга эга. Ҳужайра цитоплазмасида битта ядро ва иккита пластиинкасимон хроматофор бор. Хроматофор ҳужай-

ранинг икки ёнида жойлашган. Хроматофорларда диатомин пигменти мавжуд. Бу пигмент фақат шу сув ўтларида бўлади. Уларнинг цитоплазмасида захира озиқ моддалари сифатида мойлар тўпланади. Вегетатив кўпайишида ҳужайра узунасига


иккига бўлиниб кўпаяди. Ҳосил бўлган қиз ҳужайра она ҳужайранинг бир пўстини олади, иккинчисини ўзи яратади. Янги палла эски палланинг ичига киради. Бўлиниб кўпайишида қиз ҳужайра кичикроқ бўлади. Жинссиз кўпайиш шу тариқа бир неча марта такрорланади, ҳар сафар қиз ҳужайралар кичрайиб боради. Бу кичрайиб бориш ауксоспоралар — ўсиш споралари ҳосил бўлганда тўхтайди. Жинсий кўпайишида иккита диатом сув ўти ҳужайраси бир-бирига яқинлашиб, қопқоқ (палла)ларининг бир томони очилади ва

протоплазмалар бир-бирига қўшилиб ауксоспора ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган 4 та ядродан биттаси қолиб, иккала ҳужайранинг ядролари ауксоспорада қўшилади.

Диатом сув ўтларини турли сув ҳавзаларида субстратларга ёпишган шиллиқлар кўринишида ва зах ерларда тупроқнинг юза қатламларида учратиш мумкин.

1-вакил. Пиннулярия (*Pinnularia*). Бу йирик диатом сув ўти шаклан элипссимон кўринишида бўлиб, ён томонидан қаралса тўрт бурчакка ўхшайди (11-чизма, б). Палланинг икки чеккаси текис қайрилган, қовурғалари патсимон бўлиб, тугунлари аниқ кўринади. Ипсимон, тўғри йўналган чок паллаларни узунасига иккига бўлиб туради. Уларни турли сув ости субстратига ёпишган намуналардан топиш мумкин. Унинг тўдалари турли катталиқда захкаш тупроқларда ҳам учрайди.

2-вакил. Навикула (*Navicula*). Бу бир ҳужайрали диатом сув ўти кўриниши жиҳатидан қайиқчага ўхшайди. Турли сув



11-чизма.

Диатом сув ўтлари:

а-кокконеис; б-пиннулярия;
в-цимбелла; г-нитчишия.

ҳавзаларида кенг тарқалган, айрим турлари пиннулярияларга ўхшайди. Унинг палласидаги қовурғалар пункттир ёки нуқталар шаклида бўлади. Улар параллел ёки радиал, баъзиларининг марказий қисмида радиал, икки чеккасида эса қутублар томон йўналган бўлади.

3-вакил. Цимбелла (*Cymbella*). Ўзининг ярим ойсимон, қорин қисми текис ёки ботиқ ва елка қисмларининг қавариқ тузилганлиги билан бошқалардан фарқланади (II-чизма, в). Чок қорин қисмига яқинроқ жойлашади.

Битта хроматофори қовурға томонда бўлади. У сув ҳавзаларида субстратларга шилимшиқсимон парда билан ўралган ҳолда ёпишиб яшайди. Уларнинг бир текисда ҳаракатланиши ўзига хосдир.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан йиғиб келинган диатом сув ўтларининг вақтинчалик препаратларини тайёрлаб аниқлагичлар ёрдамида систематик жиҳатдан аниқланг. Намунада топилган турларнинг тузилишини ўрганинг ва тасвирини чизиб олинг.

2. Намунадаги диатом сув ўтларининг бинокуляр микроскоп остида ҳаракатларини кузатининг. Ҳужайралардаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаб, машғулотлар дафтарига ёзиб қўйинг.

3. Намунада топилган турларнинг тўдалардаги ҳужайралар сонига аҳамият беринг. Диатом сув ўтлари тўдасидан фарқини аниқлаб, дафтарингизга ёзиб қўйинг.

1-мустақил иш. Тупроқ сув ўтларини миқдорий ҳисобга олиш

Дарс жиҳозлари: микроскоп, буюм ва қоплагич ойналар, чизғич, кулсиз фильтр қофози, техник тарози ва тошлар, пинцетлар, колбалар.

Ишнинг мақсади: маълум бир майдондаги айрим сув ўтларининг миқдорини ва фитомассасини аниқлаш. Сув ўтлари миқдорини ва биомассасини ҳисобга олишнинг икки услуби мавжуд: тўғридан-тўғри тортиш ва тупроқ доналари орасида сув ўтларининг ҳужайраларини миқдорий санаш усули.

1. Тұғридан-тұғри тортиш усули билан сув ўтининг маълум миқдор пўстлоқсимон ва пардасимон тұдалари ажратилиб тарозида тортилади. Бунинг учун биотопда аниқ жойдаги, масалан, 1 см² ёки 1 дм² жойдаги тупроқ сув ўтларининг пўстлоқсимон, пардасимон ёки толасимон фитомассаси тұплаб олиниб тарозида тортилади. Бу намунаға аралашган тупроқ заррачалари ва чиқинди жинсларни ажратиб, соғ органик массаны аниқлаш учун тортиб олинган намуна массаси аниқ тигелдә күйдирілади. Ҳар иккала тортилған натижаларнинг айрmasи айни майдондаги сув ўтининг тұплаган органик модда миқдори сифатида ҳисобға олинади.

Бу усул билан тақирип жойлардаги пўстлоқсимон сув ўтларини насток коммуне ва насток сферадие сингари сув ўтларининг фитомассасини аниқланишида кенг миқёсда қўлланилиб келмоқда.

2. Тупроқ заррачалари орасидаги сув ўтлари миқдорини санаш ёки Виноградов-Шитина усулида аниқлаш. Бу усулни Виноградов ишлаб чиққан бўлиб, Шитина маълум даражада ўзgartириш билан сув ўтини текширишга татбиқ этган.

Бу усулда текширилаётган тупроқдан 1 г олиниб, 4 мл дисцилланған сув билан центрафуга пробиркасига солиниб 3 дақиқа чайқатилади, сўнг 30 соня тиндирилади. Бу жараён чўкмаган 3 мл. дан сув қўйиб, 2 марта такрорланади. Шундан сўнг ҳамма тупроқ эритмаси бир пробиркага қўйилади. Тайёрланған эритма центрофугада 500 сек / об. тезликда 1 дақиқа центрофугланади. Шундан кейин чўкма қолса пробиркага дисцилланған сув қўшиб суюлтирилади. Суюлтирилган тупроқ эритмаси яхшилаб аралаштирилғандан сўнг «ҳосил пластинкаси»га ундан 1 томчи қўйилиб, микроскопнинг катта объективи остида ундан сув ўти ҳужайралари саналади. Бунда текширилган 1 томчидаги сув ўти ҳужайралари сони (Π_1), 1 мл суспензиядаги томчилар сони (Π_2) ва умумий тупроқ эритмасининг ҳажми (V) қийматлари ўзаро кўпайтирилади. Келиб чиққан кўпайтма 1 г тупроқдаги сув ўти ҳужайраларининг сони — миқдорини кўрсатади. Бизнинг мисолимизда $\Pi_1=5$ та, $\Pi_2=24$ та, $V=20$ мл.га тұғри келади.

$$N=\Pi_1 \cdot \Pi_2 \cdot V$$

$N=5 \cdot 24 \cdot 20=2400$ та сув ўти ҳужайрасига тўғри келади. Демак, намунадаги тупроқда 2400 та тупроқ сув ўти ҳужайралари яшаётган экан.

Юқоридагилардан ташқари, сув ўтлари биомассасини ва миқдорини ҳисоблашнинг такомиллашган услублари кўп. Лекин уларни қўллаш учун алоҳида УЗДН-1 ултратовуш апаратлари, МЛ-4 туридаги микроскоплар ва узоқ муддат (2-3 ой) давомида ўстирилган културалар зарур. Ҳамма ўқув юртларида бўнинг имконияти бўлмаганлиги учун энг осон, тез услубни қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Ҳар бир талаба табиатдаги бирор биотопдан биринчи ва иккинчи иш учун юқоридаги тартибда дарсдан бир кун олдин намуналар олиб келади.

2. Олинган намунадаги сув ўтининг тўплаган органик моддаси ва айни намуналардаги сув ўти ҳужайраларининг миқдори юқоридаги услублар билан ҳисоблаб топилади. Сўнгра ҳар бир талаба айни намуна олинган майдонни 1 m^2 га ва 1 га майдон учун ҳисоб-китоб ишларини бажариб, ишни холосалайди.

Олинган намунадаги сув ўтининг тузилиши ўрганилиб тасвири чизиб олинади. Математик ечимлар амалий машфулот дафтарига кўчирилади.

7-МАШГУЛОТ

ТУПРОҚ БИОТАСИННИГ ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

Тупроқ сув ўтлари, юксак яшил ўсимликлар, яъни бирламчи продуцент организмлар томонидан тўпланган органик моддалар, табиатдаги моддаларнинг биологик айланувининг навбатдаги бўғини — ўсимлик маҳсулотларининг истеъмолчиларига ўтади. Жумладан, униниг биринчи қисми — ўсимликларнинг илдизи билан озиқланувчилар, фито-

фаг ҳайвонларга, бошқа қисмлари ўсимликларнинг ўлган қисми билан озиқланувчилар, сапротроф ҳайвонларга ўтади. Бу жамоа органик молдаларни истеъмоли ва парчалаши жиҳатидан замбуруғ ҳамда бактериялардан устун туради.

Тупроқ ҳайвонлари тўғрисидаги фикрлар даврларда бўлган. Масалан, Ч. Дарвин ёмғир чувалчангининг тупроққа бўладиган механик таъсирига аҳамият бериб, ҳали инсон ерга плуг киритмасдан олдин ёмғир чувалчангидан тупроқни юмшатган, деб кўрсатган. Тупроқ ҳайвонлари тупроқнинг кимёвий таркибига, гумус ҳосил бўлиш жараёнига, тупроқ тузилишининг хусусиятларига, биологик фаоллигига ва умуман олганда тупроқ ҳосилдорлигига таъсирларини ўтказиб туради.

Ҳайвонларнинг тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига ва тупроққа муносабати хилма-хилдир. Тупроқда учровчи ҳайвонлар З гурухга ажратилиши мумкин:

1. Геобионтлар — тупроқда доим яшовчилар: буларга ёмғир чувалчангиги, кўп оёқлилар, дум оёқлилар киради. **2. Геофиллар** — ўз тараққиётининг маълум ривожланиш босқичларини тупроқда ўтказувчилар (хурушларнинг личинкалари ва Ѣелкунлар). **3. Геоксинлар** — душмандан яшириниш ёки бошқа мақсадда қисқа муддатда тупроқ муҳитидан фойдаланувчилар (триплар, заарли черепашка сингари ҳашаротлар).

Тупроқ муҳитида яшаш муносабати билан ҳайвонларда турли морфологик мосланиш (адаптация)лар ҳосил бўлган. Масалан, ҳаёт циклининг ўзгариши, кўпайиш муддатлари, миграциялар, турли таъсиrotтга нисбатан таксис ҳаракатлари. Айниқса, морфологик мувофиқлашишдан тана органларининг ўзгариши, кўриш органларининг редукцияланиши, гавданинг қисқариши яққол сезилади. Анатомик мосланишларда тананинг кутикула билан қопланганлиги, нафас олиш ва айирув органларидағи мувофиқлашувлар, физиологик жиҳатдан ҳароратга мосланиш, сув ва модда алмашинувидаги мосланишлар — бу организмларни тупроқ муҳитига мосланиш белгилариdir.

Турли катталиқдаги ҳайвонлар тупроқдан яшаш муҳити сифатида турлича фойдаланади. Тупроқ мураккаб яшаш шароити бўлиб, ҳайвонларнинг бир гурухи унинг ҳаво

бўшлиғида, тупроқ капиллярларида, тупроқ бўшлиқлари-даги тупроқ эритаси билан тўлган органик ва ноорганик моддаларда, суюқликларда, ўзлари қазиган ин ва йўлакларда яшайди.

Тупроқ биотасидаги ҳайвонлар ўлчамларига кўра, 3 гуруҳга:

1. Микрофауна;
2. Мезофауна;
3. Макрофаунага ажратилади.

Микрофауна гуруҳига катталиги бўйича бир неча миқрондан 1,28 мм.гача катталикда бўлган ҳайвонлар киради. Айни гуруҳ 2 кенжа гуруҳга:

- а) нанофауна;
- б) микрофаунага бўлинади.

Нанофаунага асосан бир ҳужайрали ҳайвонлар кириб, улар тупроқнинг сувли фазаларида, тупроқ ёриқларида, тупроқнинг ҳаво-парли бўшлиқларида яшовчи гидробионт организмларидир. Бу ҳайвонларнинг сув муҳитида яшовчи ҳамда тупроқ популациялари мавжуд, тупроқдаги индивидлари майдароқ бўлади.

Микрофаунага кўп ҳужайрали микроскопик ҳайвонлардан — коловраткалар, тупроқ нематодалари, микроскопик каналар, дум оёқлилар киради. Улар нам муҳитли тупроқ бўшлиқларида, сув бўғи билан тўлган ўйиқларда яшайди. Уларнинг озиқланиш усули турли-туман. Уларнинг тупроқ қатламида тақсимланиши гумусга, ўлик ўсимлик қолдиқларига, йирик айрим гуруҳлар, ўсимлик ризосферасига боғлиқдир.

Мезофаунага таркибан хилма-хил ва тупроқ биотасининг энг кўп сонли организмлари киради. Унга катталиги 1,28 мм. дан 10,2 мм.гача бўлган организмлар кириб, уларнинг кўпчилиги бўғим оёқлилар — майда ҳашаротлар, симфиллар, кўп оёқлилар, захкашлар, ўргимчаклар, майда энхитреоид,чувалчанглардир. Улар тупроқ қатламларида вертикал миграция қилиш хусусиятига эга ҳайвонлар ҳисобланади.

Макрофауна шартли 2 гуруҳга:

- а) макрофауна ва
- б) мегофаунага ажратилади.

Макрофаунага катталиги 10,2 мм.дан йирик бўлган ҳайвонлар киради. Унинг ичида 10,2 дан 81,6 мм.гача катталик-

дагилари микрофаунага, 81,6 мм.дан йирик бўлган ҳайвонлар мегофаунага ажратилади. Микрофаунага — ёмғир чувалчанглари, кўп оёқлилар, ҳашаротларнинг личинкалари киради. Бу гурӯҳ ҳайвонлари тупроқда ин кавлаб яшайди. Улар тупроқ шароитида яшашга мослашган бўлиб, тери ёки маҳсус нафас олиш системалари орқали нафас олади. Бу ҳайвонлар ноқулай шароитларда тупроқнинг чуқурроқ қатламларига миграция қилиши мумкин.

Мегафаунанинг айрим вакиллари бир неча ўнлаб сантиметргача етиши мумкин. Масалан, улкан ёмғир чувалчанглари, сут эмизувчи ҳайвонлардан ер қазувчилар, куркаламуш ва бошқалар. Уларнинг айримлари доимо ер остида ин ковлаб, тупроқ қатламларини аралашувида иштирок этса, бошқа бирлари ер остида ин ковлаб яшаса ҳам, ер устида озиқланади. Бу гурӯҳ ҳайвонлар озиқданиши, ин қазиши, бошқа ҳаётий фаолиятлари билан тупроқнинг устки қатламларини остки қатламга, осткиларини устига чиқаради, минерал ва органик моддаларнинг тупроқнинг турли қатламларига тарқалиши ва тақсимланишига таъсирини ўтказади, яъни тупроқ тузилишига кучли механик таъсир кўрсатади.

Тупроқ ҳайвонлари фақат ўлчами билан эмас, балки тупроққа муносабати, озиқланиш тури билан ҳам тупроқ жамоасидаги озуқа занжирида ҳар хил озуқа поғонасини ташкил этади. Уларнинг қуйидаги трофик гурӯҳлари бор — фифогаглар, зоофаглар, некрофаглар, сапрофаглар.

Фитофаглар турли қишлоқ хўжалик экинларининг илдиз системалари билан озиқланиб катта иқтисодий зарар етказади. Масалан, май қўнғизининг личинкаси турли экинларнинг илдизини кемириб озиқланади. Кузги тунлам личинкаси — кўк қурт гўза, тамаки, томат каби экинларнинг илдизига зарар етказади. Тупроқдаги айрим микроорганизмлар сув ўтлари билан озиқланади, уларни алгофаглар дейилади.

Зоофаглар бошқа ҳайвонлар билан озиқланиб, озуқа занжирида паразит ёки йиртқич вазифасини ўтайди. Масалан, йиртқич нематодалар бир ҳужайрали ҳайвонлар ва коловраткалар билан озиқланади. Йиртқич каналар эса нематодалар ва коллемболалар билан озиқланади.

Некрофаглар ўлган ҳайвонлар билан озиқланиб, табиий санитарлар ролини бажаради. Масалан, Ўрта Осиё чўлларидаги югурдак чумолилар ўлган ҳашаротлар билан озиқланади.

Сапрофаглар - тупроқ ҳайвонлари ичида энг күп учровчи гурухдир. Улар ўлук ўсимлик қолдиқлари, ер устидаги тушамалар ва илдиз ситетаси атрофидаги ўсимлик органлари билан озиқланиб, тупроқни минераллар билан бойишига ва тупроқнинг органик таркибиغا ўз таъсирини кўрсатади. Сапрофагларни озиқланиш хусусиятига кўра капрофаглар ва детритофаглар гуруҳларига ажратиш мумкин. Булардан капрофаглар бошқа ҳайвонларнинг ахлатлари, чиқиндилари билан озиқланади. Масалан, сут эмизувчи ҳайвонларнинг гўнглари билан гўнгхўр қўнгиз озиқланади. Детритофаглар органик чиқиндилар билан озиқланади. Шундай қилиб, тупроқдаги бу ҳайвонлар биргаликда бир бутун сапрофил уйғунликни ташкил этади.

С О Д Д А Ҳ А Й В О Н Л А Р

Содда ҳайвонлар тупроқ биотасидаги нанофауна вакиллари бўлиб, ҳаммаси бир ҳужайрали; микроскопик ҳайвонлардир. Улар тупроқ ёриқларида, сувли тупроқ капиллярларида яшайди, сув танқис бўлган пайтларда цистага айланади. Қулай шароитда 1 г ўтлоқи тупроқларда 100 мингдан ортиқ бир ҳужайрали ҳайвонлар бўлиши мумкин. Улар тупроқ бактериялари, турушлар, тупроқ сув ўтлари билан озиқланади. Тупроқ содда ҳайвонларининг ҳужайралари уларнинг чучук ва денгиз сувидаги хилларининг индивидларидан 5-10 марта майда бўлади. Содда ҳайвонларнинг тупроқда саркодалилар, хивчинлилар ва инфузориялилар каби систематик гуруҳлари вакиллари яшайди.

1-ИШ. ТУПРОҚ ЯЛАНГОЧ АМЁБАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тўғрилагич ниналар, томизгичлар, ялангоч амёбаларнинг културалари, коловраткалар, турушларининг тарқатма намуналари, пахта, 1 %ли осмий кислотаси, молибденли гематоксилин бўёқлари, таблицалар.

Дарс мақсади: тупроқ нанофаунасининг вакилларидан ўсимлик ризосфераси атрофидаги яланғоч амёбаларнинг гузилиши, озиқланиши ва ҳаракатланиши билан танишиш.

Тупроқ саркодалиларнинг икки хил гурӯҳи бўлиб, биринчиси яланғоч амёбалар, иккинчиси чиганоқли амёбалар тупроқ биотасида кенг тарқалган. Уларнинг организми бир ҳужайрадан ташкил топган бўлиб, вақти-вақти билан ҳужайранинг тури томонларида псевдоподиялар — сохта оёқлар, яъни цитоплазматик ўсимталар ҳосил бўлиб туради. Псевдоподияларнинг шакли ўсимлик илдизига ўҳшаганлиги учун улар илдизоёқлилар деб номланади. Улар катталиги жиҳатидан хивчинилардан йирикроқ бўлиб, айrim вакиллари 20 мкм.гача етади. Ҳужайра юпқа пелликула қават билан қолланган, лекин ҳужайраларнинг шакли ўзгарувчан. Тупроқ, турушлар, бактериялар, сув ўтлари билан озиқланиди, баъзан майдароқ кўп ҳужайрали ҳайвонларга ҳужум қиласи. Яланғоч амёбалардан ташқари, тупроқ биотасида *Plagioryxis* авлодига мансуб чиганоқли амёбаларнинг турлари учрайди.

Вакил. Протей амёбаси (*Amaeba proteus*). Бир ҳужайрали ҳайвон бўлиб, чириётган ўсимлик тӯшамалари, ўсимликларнинг ризосфера қисмидаги балчиқли, чириндили тупроқларда кўп учрайди (12-чизма, 5). Катталиги 20 мкм. гача бўлиб, ҳужайра пелликуласи остида тиникроқ эктоплазма, унинг остида эндоплазма қатламлари фарқланади. Цитоплазмада битта катта ядро жойлашган. У ҳужайранинг маълум томонларида цитоплазманинг оқиши билан ҳужайра ўша томонга ҳаракатланади. Ўз ўйлида учраган тупроқ бактериялари, турушлар, сув ўти ҳужайраларини ёлгон оёқлари билан қамраб олади ва шу жойда овқат хазм қилиш вакуоласи ҳосил бўлади. Овқат хазм қилиш вакуоласида овқат хазм бўлади. Хазм бўлмай қолган қолдиқ ҳужайрадан ташқарига чиқариб юборилади. Ҳужайрадаги ортиқча сув, айирув маҳсулотлари қисқарувчи вакуола орқали ҳужайрадан чиқиб кетади. У оддий бўлиниш йўли билан кўпаяди. Ноқулай шароитда тезда цисталашади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Културадан томизгич ёки микробиологик микроскоп ҳалқа билан яхшилаб тозаланган буюм ойнасига яланғоч

амёба олинади ва микроскоп остида унинг тузилиши, ҳаралатлари кузатилади.

2. Буюм ойнасида амёбали сувга турушлар, бактерия тўдасидан томизилади ва амёбанинг ёлғон оёқлари ёрдамида «ўлжани» қамраб олишини, овқат хазм қилиш вакуоласини ҳосил бўлиши ва хазм бўлмай қолган қолдиқни чиқарип юбориши кузатилади.

3. Вақтингчалик препаратдаги сувни камайтириш йўли билан циста ҳосил бўлиши кузатилади.

4. Молибденли гемотоксилин бўёғи билан бир неча амёба бўялади ва гумарабик ёки ўриқ, олчадан тайёрланган елимда тотал препарат тайёрланади. Тайёр препарат ёрликланади, ҳайвоннинг тузилиши расм дафтарига чизиб олинади.

2-ИШ. ТУПРОҚ ЧИҒАНОҚЛИ АМЁБАЛАР БИЛАН ТАНИШИШ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тұғрилагич ниналар, томизгичлар, табиатдан олиб келинган балчиқли ва торфли тупроқ намуналари, сувли ариқ қуми, карболли эритрозин бўёғи ва дараҳт елимидан тайёрланган (елим), таблицалар.

Дарс мақсади: саркодалиларнинг тупроқ биотасидаги чиғаноқли вакиллари билан танишиш. Тупроқ чиғаноқли амёбалар йирик бир ҳужайрали ҳайвонлар бўлиб, катталиги 20-65 мкм келади. Ялангоч амёбалардан фарқлироқ ҳужайраларининг ташқи томонида қум заррачаларидан (8,02) ёки органик моддадан ташкил топган чиғаноқлари мавжуд (12-чизма, 6). Бу чиғаноқлар бир ёки кўп камерали бўлиб, уларнинг остида тешик бор. Тешикдан псевдоподиялар чиқиб озуқани қамрайди. Кўпайиши оддий бўлиниш йўли билан амалга ошади, янғи ҳосил бўлган қиз ҳужайра ўзидан ажратиб чиқарган моддага қум заррачаларини бириттириб, янги чиғаноқ ҳосил қиласиди. Чиғаноқли амёбалар ботқоқли, нинабаргли ўсимлик тўшамалари кўп бўлган тупроқларда, ариқларнинг қумлоқ қисмларида яшайди. Улар тупроқ камшўрланган қатламларда ҳам учрайди. Кўпчилик чиғаноқли

амёбалар сапрофит организмларидир. Улардан тупроқ шүрлигини аниқлашда биодиагностикадан фойдаланади.

Вакил. Тупроқ чиганоқли амёбалар — **диффлюгия ва арцелла.**

Бу чиганоқли амёбаларнинг хужайравий тузилиши оддий амёбага ўхшайди, лекин чиганоқлари дисксимон бўлиб, псевдоопциялар остки томондан қаралганда кўринади. Уларнинг чиганоғи бир хонали, органик модда псевдохитиндан ташкил топган. 1 г нина баргли ўрмон тупроғида уларни минглаб учратиш мумкин. Ёш амёба чиганоқлари овалсимон, жигарранг, етук амёбалар олтин рангда, ярқироқ, ўлган амёба чиганоқлари тиниқ қум рангида бўлади. Улар оддий бўлиниш йўли билан кўпаяди. Чиганоқли илдиз оёқлиларнинг миқдори тупроқ тури ва таркибига боғлиқdir.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан ботқоқли, нинабаргли ўсимлик ўсган тупроқ, ариқ остидаги сувли қумдан олинган намуналар бино-куляр микроскоп остида кузатилади ва улардан чиганоқли амёбалар ажратиб олинади.

2. Дарсдан бир кун олдин Гелцер усулидан фойдаланиб, ажратиб олинган чиганоқли амёбалар карболли эритрозин бўёғи билан бўялади. Бунда тирик чиганоқли амёбалар цитоплазмаси малина рангига, бўш чиганоқлар пушти рангга киради. Бўялиш тугаллангандан сўнг келгусида фойдаланиш учун доимий препаратлар тайёрланади.


3. Ажратиб олинган чиганоқли амёбаларни сувли буюм ойнасига қуйиб шакли, поралари, ёлғон оёқларини ҳосил бўлиши, овқатланиши кузатилади. Уларнинг тасвири чизиб олинади.

3-ИШ. ТУПРОҚ ИНФУЗОРИЯЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тўғрилагич ниналар, томизгичлар, инфузория култураси, пахта, ош тузи, фенил кўк бўёғи, таблицалар.

Дарс мақсади: тупроқ биотасидаги инфузорияларнинг маҳаллий турлари билан танишиш.

Инфузория турининг вакиллари содда ҳайвонлар дунёсининг табиатда энг кўп тарқалган вакилларидан бўлса ҳам, тупроқ биотасида тарқалган саркодалилар ва хивчинлиларга нисбатан анча камдир.



Тупроқ биотасининг содда ҳайвонлари:

1-4 — хивчинлилар; 5-7 — саркодалилар; 8-10 — инфузориялар.

Инфузориялар турига мансуб бир ҳужайралиларнинг ҳаммасида яхши ривожланган катта ва кичик ядроларнинг бўлиши ҳужайранинг сиртқи томонида яхши такоммилашган пелликула билан қопланганлиги учун ҳар бир тур муайян гавда шаклига эга (12-чизма, 8, 9, 10). Пелликула остида трихоцисталар жойлашиб, улар ҳимоя функциясини бажаради. Ҳужайранинг ташқи томонида бир текисда ёки спиралсимон, доирасимон ҳолдаги киприклар аппаратининг бўлиши тавсифидир. Киприкчанинг ҳужайрада жойланиш тартиби систематик аҳамиятга эга. Бу киприклар базал асосга эга бўлиб эшкаксимон ҳаракатланади. Ҳужайранинг турли қисмларида ён томонида, устки қисмида ўсиқроқ киприклар билан ўралган ботиқ жойни перистом (офизолди чуқурчаси) эгаллади. Перистом асосида цистом (ҳужайравий оғиз) жойлашади. У маҳсус каналча билан «ҳалқум»га очи-

лади. У эса ўз навбатида эндоплазмага туташган бўлиб, шу жойда овқат хазм қилиш вакуоласи ҳосил бўлади. Ҳужайра-га тўпланган ортиқча сув ва айириш маҳсулотлари қисқарувчи вакуолаларга тўпланади. Улар навбатлашиб ишлаш хусусиятига эга. Улар ҳужайранинг қиясига иккига бўлиниш йўли билан кўпаяди. Инфузорияларда вақти-вақти билан конюгация (матасиши) жараёни содир бўлади. Бу жараёнда улар генетик жиҳатдан янгиланади ва яшовчанилиги ортади.

Тупроқ инфузорияларининг *Colpoda*, *Paramaecium* авлодлари текис киприклилардан бўлса, *Spirotricha* авлодининг вакилларида спиралсимон киприклар жойлашган. Уларнинг эркин сузиб юрувчи, ўтроқ, текинхўр, йиртқич турлари бор.

Вакил. Парамеция каудатум (*Paramecia caudatum*).

Бу инфузория (12-чизма, 8) текис киприклилар туркумiga мансуб бўлиб, тупроқда сувли фазаларда, тупроқ капиллярларида, тупроқ сув ўтлари орасида, чириндили чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Шакли чўзиқ овалсимон, уни үткирлашган, кейинги томони тўмтоқроқ, қорин қисмида сезиларли ботик қисми бўлган бу инфузориянинг гавдаси бир хил узунликдаги киприклар билан қопланган. Унинг тупроқ биотаси популяциясидаги инвидлари 0,1-0,3 мм узунликда бўлади. У тупроқдаги чириндиilar, микроорганизмлар, шунингдек, кўпроқ тупроқ сув ўтлари билан озиқланади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Инфузория културасидан бир томчи олиб, тозаланган буюм ойнасига томиздириб, микроскопнинг кичик объективида уларнинг ҳаракатланиш усули билан танишинг.

2. Инфузорияли сув устига юпқа қилиб паҳтадан «тўр» ташланг, сўнг қоплагич ойнани ёпинг ва «тўр»га илашган инфузориянинг тузилишини микроскопнинг катта объективида кузатинг. Унинг катта ва кичик ядроларини топинг, қисқарувчи вакуолалар ишини кузатинг. Кузатганда «офиз олди чуқурчаси» — перистом атрофидаги киприкларни нисбатан узунлигига, овқатни «ҳужайравий ҳалқум» орқали ўтиб, овқат хазм бўлиш вакуоласини ҳосил бўлиши ва уларнинг цитоплазмадаги ҳаракатига аҳамият беринг.

3. Инфузорияларнинг таъсирланишини кузатиш учун буюм ойнасидаги културадан бошқа томчига томон «каналча» ўтказинг ва томчининг биринчисининг четига ош туzinинг бир неча донасини қўйинг. Туз эриган сари уларнинг «каналча» орқали тузсиз томонга қочишини кузатинг.

4. Култура ва намуналарда топилган инфузорияларнинг тасвирини чизиб олинг. Уларнинг тузилишини номланг.

8-МАШФУЛОТ

ТУПРОҚ НЕМАТОДАЛАРИ


Тупроқда яшовчи кўп хужайрали ҳайвонларнинг хилма-хил катталикдаги ва турлар сони кўп бўлган гурӯҳи нематодалардир. Уларни тупроқ кўп хужайрали умуртқасиз ҳайвонлар ичидаги кенг тарқалганлиги учун доминант гурӯҳ деб ҳисоблаш мумкин. Айниқса, уларнинг ўтлоқли тупроқда миқдорий зичлиги юқори бўлади ва 1 m^2 майдонда бир неча миллионга етиши мумкин. Уларнинг эркин яшовчи турларининг узунлиги 0,05 мм.дан 5 мм.гача етади. Тупроқ нематодаларини озиқланиш турига кўра, ҳақиқий сапробионтлар, чала сапробионтлар, илдиз атрофида эркин яшовчи ўсимлик текинхўрлари ва йиртқич турлари бўлади. Тупроқда учровчи турларнинг кўпчилиги сапробионт нематодалар бўлиб, раблитидлар туркумига мансуб (13-чизма в,г).

Ўсимлик илдизи яқинида учровчи эркин яшовчи нематодалар анча йирик бўлиб узунлиги 5 мм. гача етади. Улар маҳсус ўсимталар билан ўсимлик илдизини тешиб хужайра суюқлиги билан овқатланади. Фитопаразит нематодалар ўсимликка тўғридан-тўғри ёки воситали зарар етказиши мумкин. Улар ўсимлик ҳосилдорлигини 80% гача камайтиради. Йиртқич турлари ўзларидан майда бўлган ҳайвонлар, коловраткалар, думоёқлилар билан озиқланади. Нематодаларнинг овқати таркибида оқсилилар кўп бўлганлиги учун уларнинг чиқиндисида азот кўп бўлади. Бундан ташқари, уларнинг биомассаси ҳам тупроқ учун азот манбаи ҳисобланади.

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, Берман воронкаси, 4 %ли формалин, таблицалар, тупроқ намуналари.

Дарс мақсади: тупроқ нематодалари билан танишиш.

Вакил. Раблитидлар. Бу тупроқ нематодалари ҳақиқий сапробионт организмлар бўлиб, органик чиқиндилар, гўнг, компост, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари, ўрмон тўшамаларида яшаб, чириётган муҳит микрофлораси билан озиқланади. Уларнинг узунлиги 1 мм атрофида бўлиб, шакли узун урчуқсимон бўлади, серпушт ва тез ривожланади.



13-чизма.

Тупроқ коловраткалари: (а, б) оғиз айлангичлилар ва (в, г) нематодалар.

Айрим турларининг ривожланиши учун 12-14 соат кифоя. Уларни чала ва ҳақиқий сапробионт турлари тупроқда кўп учрайди ҳамда тупроқ бактериялари, турушлар, бир ҳужайрали ҳайвонлар ва ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади. Улар тупроқнинг азот мувозанатини сақлашда катта аҳамиятга эга.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан олиб келинган гўнгли чиринди тупроқлар ва илдиз ризосфераси атроф намуналари «Берман воронкаси»дан ўтказилиб, тупроқ нематодаларининг алоҳида гуруҳлари йиғиб олинади ва фиксацияланади.

2. «Берман воронкаси» орқали ҳар хил тупроқ турларидан 1 г тупроқдаги нематодалар миқдорини аниқланг ва

уларнинг биомассасини ҳисобланг. Натижаларни амалий маш-гулотлар дафтариға қайд қилинг.

3. Намуна олинган ҳар бир биотопдаги тупроқ нематодаларининг тузилишини қиёсий ўрганинг. Тасвиirlарни расм дафтариға чизиб, тузилишини номланг.

4. Тавсифли турлардан тарқатма материал учун 4% ли формалин идишида фиксацияланг. Намуналарни ёрлиқланг.

9-МАШФУЛОТ

ТУПРОҚ КОЛОВРАТКАЛАРИ (ОФИЗ АЙЛАНГИЧЛИЛАРИ)

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоллагич ойналари, томизгичлар, табиатдан олинган янги нам тупроқ намуналари, тұшамалар (тупроқ коловраткалари).

Дарс мақсади: тупроқ коловраткалари (офиз айлангичлилари) билан танишиш.

Тупроқ биотасидаги умуртқасиз ҳайвонлар ичиде энг майда күп ҳужайрали ҳайвонлар (13-чизма а, б) тупроқ коловраткаларидир. Улар ўсимлик тұшамалари орасыда, тупроқ капиллярларыда, сув буғ фазали тупроқ бүшлиқларыда, тупроқ заррачалари атрофидаги намликларда яшовчи катталиги 0,01 мм. дан 2,5 мм.гача етадиган микрофауна вакилларидир. Шакли овалсимон, тұртбурчак, юмалоқ, чүзік күринишда бұлади. Таңаси бир-биридан ажралып турувчи 4 қисм: бош, бүйин, гавда, дум ёки оёқ бўлимларига ажралади. Коловраткаларнинг бош қисмида «айланувчи» аппарати бор. Бу аппарат доира шаклида жойлашган икки қатор ўсик киприкчалардан ташкил топган. Уларнинг бир қатори оғизнинг устки қисмiga, иккинчи қатори оғизнинг остки қисмiga жойлашган. Шу киприкчаларнинг бир текисда тебраниши туфайли уни бош қисми айлангандек туюлади. Киприкчаларнинг тебраниши туфайли улар ҳаракатланади ва ҳосил бўлган сув гирдобида оғизча ўтган озуқа билан озиқланади. Уларнинг дум қисми анча ингичкалашиб бармоқсимон иккита ўсимта ҳосил қиласи.

лар шу ўсимталар ёрдамида субстратга ёпишади. Улар баҳор, ёз ойларида партеногенетик усулда күпаяди. Эркак зот күпинча кузда ҳосил бўлади. У ургочига нисбатан анча кичик бўлади ва фақат қишловчи тухум қўювчи зотларни уруглантиришвазифасини бажаради. Оталанган қишловчи тухумдан баҳорда партеногенетик кўпаювчи авлод вужудга келади. Коловраткаларнинг тупроқ қатламидаги популяцияси билан тўшама қатламидаги популяциялари аралашмайди. Уларнинг бактериялар, сув ўтлари, детритлар билан озиқла-нувчи ва йиртқичлик қилувчи вакиллари кўп тарқалган (13-чизма а, б.).

Вакил. Бранхионус (*Branchionus urceotaris*). Кўпроқ чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган тур. Шу авлоднинг айрим турлари зах тупроқларда, чириётган ўсимлик тўшамалари орасида ҳам яшайди. Уларнинг гавдаси бош, тана, дум, оёқ қисмига аниқ ажralади, катталиги 2 мм атрофида, шакли овалсимон, юмалоқ, тиник, юпқа тери қопламаси билан қопланганлиги учун ички аъзолари тирик ҳолатда ҳам яхши кўринади. Уларда алоҳида қон айланиш ва нафас олиш тизимлари ривожланмаган. Овқат хазм қилиш тизими яхши ривожланган. Айрим жинсли. Баҳор, ёз ойларида кўпинча ургочи партеногенетик авлоди учрайди, эркак зоти майда, у фақат кузга томон ҳосил бўлади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан ҳар хил тупроқ турларидан олинган нам тупроқ намуналарининг ва ўзгаришга ўчрайдиган ўсимлик тўшамаларининг намуналаридан «Берман воронкаси» ёрдамида ёки тупроқ эритмаси ҳосил қилиб, улардан тупроқ нематодалари ажратиб олинади.

2. Намуналрдан ажратиб олинган коловраткаларни сувли буюм ойнасига ёки Петри косачасига олиниб, микроскоп орқали уларнинг ҳаракати, тузилиши ўрганилади. Намунадан коловраткаларнинг ҳаётий формалари ва тузулмавий гуруҳи аниқланади.

3. Намуналардан топилган коловраткаларнинг расми чизилиши тузилиши номланади.

10-МАШГУЛОТ

ҲАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ТУРИ КАМ ТУКЛИЛАР СИНФИ

Дарс жиҳозлари: стол ва қўл лупалари, Петри косачали, ванночка, сетка, сув, эфир, тўғрилагич ниналар, 0,14-0,5% ли формалин эритмаси, таблицалар.

Дарс мақсади: тупроқ биотасидаги ёмғир чувалчанганинг тузилиши, таъсиrlаниши, ҳаракатланиш хусусиятлари билан танишиш.

Ҳалқали чувалчанглар юқори даржада ривожланган чувалчанглар бўлиб, танаси кўп сонли бўғинлар (сегментлар) дан ташкил топган, метамер тузилишга эга. Уларда маҳсус иккиламчи тана бўшлиғи целом ривожланган. Тана бўшлиғи диссипимент парда билан ажралган бўлиб, бу парда ташқи тана бўғимиға тўғри келади. Тана бўшлиғи маҳсус суюқлик билан тўлғазилган, у нафас олиш, айриш ва тана шаклини сақлашга хизмат қиласди. Тана ташқаридан нозик, нам, безли тери билан қопланган. Тери мускул тизими билан биргаликда тери мускул ҳалтасини ташкил қиласди. Кўпчилигида овқат хазм қилиш, ҳид билиш, айирув тизими яхши ривожланган, нафас олиш тизими бўлмаганлиги сабабли тери орқали нафас олади. Уларда гарчан алоҳида юрак бўлмасада, қон айланиш тизими мавжуд, қон рангсиз. Гавданинг ҳар бир бўғимида ҳаракатланишга ёрдам берувчи 4 жуфтдан 2 гурӯҳ тукчалари бор. Икки жинсли — хунаса организмлар ҳисобланиб, личинкасиз «пилла» қўйиш йўли билан кўпаяди.

Уларнинг тупроқда энхитреидлар (оқ гул тувак чувалчанглари) ва люмбрицидлар (ёмғир чувалчанглари) оиласидарни кенг тарқалган.

Вакил. Энхитреид, ёки оқ гул тувак чувалчангидан мезафауна вакили ҳисобланиб, совуқса чидамли, катталиги 2-3 мм.гача бўлган тупроқ чувалчангидир. Айрим вакилларининг узунлиги 40-45 мм.гача етади. Улар чириётган ўсимлик илдизлари, ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади. Энхитреидлар тупроқнинг юза қатламида ва ўсимлик тўшалмалари орасида кўп бўлади. Улар туп-

роқ зарраларини чириндила билан құшиб ютганлиги учун қипролитлар органик ва минерал моддаларга бой бұлади. Уларнинг миқдори үтлоқли тупроқтарда күп бўлади.

Вакил. Ёмғир чувалчанги *Lumbricomorpha* туркумига кириди. Бу тупроқ чувалчанги макрофауна вакилидир. Ҳамма ёмғир чувалчанглари ҳақиқий геобионтлардир. Улар тупроқ қатламларида, ўсимликларнинг тўшалма қаватларида ин қазиб, йўл кавлаб ҳаёт кечиравчи йирик чувалчанглардир. Айримлари тунда ёки кучли ёмғирдан сўнг тупроқнинг юзасига чиққанлиги учун халқ орасида ёмғир чувалчанглари номини олган. Люмбрицилар тупроқ биотасида 3 экологик гурухни ташкил қиласиди: 1) тупроқ юзасида ёки ўсимлик тўшалмасида яшовчилар; 2) тупроқ ва тўшалма (гумус)да яшовчилар; 3) тупроқнинг чуқур қатламида ин кавлаб яшовчилар. Ўсимлик тўшалмасида — юзада яшайдиган турлари: *Dendrobaen octaedra*, *Lumbricus castaneus*, *Allolobophora eiseni*лар бўлиб, кўпчилиги майда ўлчами, йўғонлиги 1 мм, узунлиги 2-3 см бўлган жониворлардир. Кўпчилигининг узунлиги 6,5 см. дан ортмайди, фақат айрим турларигина 13 см. гача етади.

Тупроқ ва тўшалма (гумус)да яшовчи турлардан *Lumbricus rubellus* турининг узунлиги 13 см. га етади. Тупроқнинг чуқур қатламларида ин кавлаб яшовчилардан *Lumbricus terrestris*нинг бўйи 25 см.га яқин. Тупроқнинг ишлов қатламида *Nicodrilus caliginosus* тури бўлиб, кул рангли, узунлиги 15 см. га етадиган, чуқур қатлам чувалчанги бўлиб, кўпинча тупроқнинг 15 см. гача чуқурлигига ин ковлаб яшайди. У гумус, илдиз қолдиқлари билан озиқланиб, нам танқислигига тупроқнинг чуқур қаватига тушади. Тўплаб қўйилган гўнг, компостларда яшовчи тури — *Eisenia joetida* ярқироқ қизил рангда бўлиб ўзидан ёқимсиз хидчиқариб туради, Унинг узунлиги 8 см. гача етади, табиатда тез ривожланувчи, иссиқхоналарда тўлиқ йил давомида наслланувчи организмдир.

Ёмғир чувалчангларининг тупроқдаги фаолияти турлича бўлиб, уларнинг кўпчилиги тупроқ қатламида ин кавлаши билан тупроқса сув, ҳаво киришини яхшилайди, бундай жойларда ўсимлик илдизи яхши ривожланди. Бундан ташқари, унинг донадорлигининг ортишига ва умуман тупроқ унумдорлигига таъсир кўрсатади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан тупроқ тўшалмаси, гўнг, компост ва турли тупроқ қатламларидан олинган намуналардаги тукли чувалчанглар алоҳида-алоҳида ҳолда умумий қабул қилинган услуб билан ажратиб олинади. Ҳар бир экологик гурухдаги и чувалчангларни ранги, ташки тузилиши кузатилиб, ўлчамлари олинади.

2. Дарсдан бўш вақтда маълум майдондаги ёмғир чувалчангларини ҳисобга олиш учун тупроққа 0,14-0,5 % ли формалин эритмаси қўйиш билан уларнинг миқдори аниқланади.

3. Ҳар бир экологик гурухнинг турлари аниқланади ва биомассаси ҳисоблаб чиқилади. Натижалар амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

4. Ёмғир чувалчангининг боши, гавда, дум қисмлари аниқланади. Унинг ҳаракати кузатилади, қаттикроқ қозгоздаги ҳаракат товушлари эштирилади. Стол лупаси остида белбоғ қисми, бош ва анал қисмлари аниқланади. Унинг тўғрилагич нина билан механик таъсиirlарга жавоб реакцияси ва бош қисмига эфир, спирт, одеколоннинг паҳтага шимдирилиб яқинлаштириш билан ҳид сезиш қобилияти кузатилади.

5. Ёмғир чувалчангининг чиқарган капролитлари шаклига ва миқдорига аҳамият берилади.

6. Ёмғир чувалчангининг тана бўғинлари ва ундаги тукчалар расм дафтарига чизилади.

11-МАШГУЛОТ

БЎҒИМ ОЁҚЛИЛАР ТУРИ. ҚИСКИЧБАҚАСИМОНЛАР СИНФИ

1-ИШ. ЗАХКАШЛАР БИЛАН ТАНИШИШ


Дарс жиҳозлари: стол лупалари, эфир, линейка ёки метр, таблицалар. Табиатдаги ўлчаш-ҳисоблашлар дарс бўлишидан бир кун олдин талаба томонидан мустақил бажарилади.

Дарс мақсади: жабра билан нафас олувчиларнинг кенжада турига мансуб қуруқликда яшашга мослашган маҳаллий турвакиллари билан танишиш.

Жабра билан нафас олувчилар кенжада турининг бирдан-бир қуруқликда яшашга мослашган гуруҳи бу тенг оёқлилар туркумининг захкашлар туридир. Закашлар ўрмон тўшалмалари ва ўт-ўланлар орасида, тош-кесаклар остида тупроқ қатламларига 40-45 см чуқурликкача, айрим ҳолларда 80 см.лик қатламгача ин ковлаб, туда шаклида яшайди. Ўрта Осиё, Қозогистон чўлларида, даштлар ва тақирикларда, дарёнинг эски ўзанларида қисқичбақасимонларнинг бу гуруҳлари кўплаб учрайди. Улар ин қуриш жараёнида тупроқ қатламларини юзага чиқариб, кавлаган инларида тупроқ ўрнига экскрементларини қолдиради. Бу чиқинди ўз таркибида органик моддаларни кўп сақлаши билан тавсифланади. Бир гектар ергаги захкашлар ёз давомида 0,5 т.гача тупроқни чиқариб, ўрнига таркибида азотли органик бирикмаларга бой гўнларни тупроқ қатламига киритади. Шундай қилиб, ёмғир чувалчанг бўлмаган чўл, дашт тупроқларда захкашлар ёмғир чувалчангининг ўрнини босади. Улар тупроқда ин ковлаб, тупроқ қатламига сув, ҳаво кириш имкониятини ва органик минерал моддалар билан озиқланнишини яхшилади.

Вакил. Оддий захкаш (*Porcellio*).

Захкашлар оч фишт рангли, қорамтири нозик тузилишли, катталаги бир неча см келадиган, кўкрак оёқлари 7 жуфт, оқиши тусли, бўғинлашган, гавдаси елка қорин томондан яссилашган, ўртача катталиктаги қуруқлик ҳайвонидир. Бош-кўкрак қисми қалқонсиз. Танаси кўп бўғинли. Бош қисмидаги кўз ва мўйловлари яхши ривожланган. Қоринининг охирги бўғинлари қўшилиб кетган ва плеотелсонни ҳосил қиласи (14-чиズма, г). Уларни ўсимлик қолдиқлари кўп бўлган, тош, фишт ва захлеворлар орасида кўплаб учратиш мумкин. Ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади. Ургочи захкашлар 100-150 тагача, айрим турлари 2,5 минтагача тухум қўйиб кўпаяди.



14-чизма.

Тупроқ күп оёқлилари ва қисқичбақасимонлари:

- а) сколопендра;
- б) пауропода;
- в) полидасмус;
- г) захкаш;
- д) қирқ оёқ;
- е) пашша тутар;
- з) костянка.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Турли биотоплардан йифиб келинган захкашларнинг турлари стол ва қўл лупаси ёрдамида кузатилади. Уларнинг гавдасининг елка томони қорин томонига нисбатан тўқроқ рангда эканлиги, мўйловлари, кўзлари ва оёқ тузилиши билан танишилади. Расмлари чизиб номланади.

2. Табиатда маълум биотопдаги захкаш инларининг тузилиши кузатилиб, ин эгаллаган майдон ҳисобланади. Шу майдондаги захкашлар миқдори саналади ва биомассаси ҳисоблаб чиқилади.

3. Табиатда битта тўда қазиб чиқарган тупроқ массаси тортиб қўрилади. Кузатиш натижалари амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

4. Йиғилган намуналар келгуси дарсларда фойдаланиш учун 4 %ли формалин эритмасида фиксацияланади.

2-ИШ. ЎРГИМЧАКСИМОНЛАР СИНФИ. КАНАЛАР ТУРКУМИ

Даре жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналар, түғрилагич ниналар, электр қурилмаси ёки оғзи 25-30 см диаметрли воронкалар, тешиги 1-1,5 мм кенгликдаги сетка ёки капрон түр, электр лампочкаси, узайтиргич, штатив, фиксаторлар, стаканлар, банкачалар, таблицалар.

Дарс мақсади: тупроқ микрофаунасининг энг кенг тарқалган гуруҳи — тупроқ қалқонли каналар билан танишиш.

Вакил. Қалқонли каналар (Орибатидлар). Тупроқ микрофаунасида коллемболалар билан биргаликда агробионт микрофаунасини ҳосил қиласи. Улар ўрмонзорлар, чўллар ва ўтлоқзорларнинг зах тупроқларида, чириндила, хас-ҳашаклар орасида кўп учрайди. Тупроқ биотасида сув ўтлари, замбуруғлар, микроорганизмларнинг турли гуруҳ вакиллари ҳамда чириндила билан овқатланади.

Ўрмон тўшма қатлами умуртқасизлар фаунасининг 10-15% ини ташкил қиласи. Улар йилига 2-3 авлод бериб, битта урғочи зот 400 тагача тухум қўяди. Қалқонли каналар кенг барг-ли ўрмонлардаги замбуруғ мицелийларининг 2% га яқин ҳиссаси билан озиқланиб, бу жойдаги замбуруғлар миқдорини чекловчи омиллардан ҳисобланади.

Қалқонли каналарнинг танаси бош-кўкрак ва танага ажралмаган. Гавданинг ташқи томони хитинлашган қалқон билан қопланган. Турлича шаклдаги ва турли катталиқдаги ҳайвонлардир. Хелицералар кемирувчи органга (бошчага) айланган, педипалпиди анча кичрайган. Кўпчилиги трахея билан нафас олади. Ривожланиши нимфа-личинкали. Тухум қўйиб кўпаяди.

Тупроқда ёмғир чувалчангиди сингари қолдиқларни ўзлаштирувчи йирик умуртқасиз ҳайвонлар кўп бўлган тупроқларда қалқонли каналар миқдори ҳам куп бўлади. Улар тупроқнинг унумдорлигига катта таъсир этади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Турли тупроқ қопламларидан олиб келинган намуналар электрод қурилмаси ёки лаборатория шароитида йиғма

қурилма ичидаги қалқонли каналар фиксацияловчи суюқ-ликка алоҳида-алоҳида тұплаб олинади. Йигилған намуналар микроскоп остида күзатиласы да тизими жиҳатидан аниқланади.

2. Қалқонли каналарнің тузилиши үрганилади ва расми чизиб номланади.

3. Тупроқ намуналари бүйича қалқонли каналарнинг миқдори ҳисобланади ва биомассаси аниқланади. Натижалар амалий машғулотлар дафтарига ҳар бир тупроқ түри бүйича алоҳида қайд қилинади.

3-ИШ. КҮП ОЁҚЛИЛАР СИНФИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, Петри косачалари, түғрилагич ниналар, электр қурилмаси, құл лупалари, фиксаторлар, кимёвий стаканлар, банкачалар, таблицалар.

Дарс мақсади: трахеялilarнинг кенжә типига мансуб тупроқ мезо-макрофаунасига киругчи күп оёқлиларнинг мағаллий турлари билан танишиш.

Күп оёқлилар синфининг тупроқ биотасидаги кенг тар-қалган групталари икки жуфт оёқлилар, лаб оёқлилар, сим-филлар ва пауроподалардир. Күп оёқлиларнинг гавдаси бош ва күп бүғимли тана қисмидан иборат. Ҳар бир тана бүғимида бүғимлашган оёқлари бор. Күп оёқлилар яширин ҳаёт ке-чиругчи тупроқ ҳайвонларидир. Уларнинг гавдаси узун чу-валчангсимон бұлиб, 1,5-2 мм.дан 10-15 см.гача узунликда бўлади. Бу синфдан пауроподалар, симфилар кенжә синфининг вакиллари чириндилар, ўсимлик қолдиқлари, микро-организмлар билан озиқланади, айрим вакиллари чувал-чанглар қонини сўриб яшайди (14-чизма).

Вакил. Катта қирқ оёқ сколопендралар. Унинг танаси 20-23 бүғимдан тузилган, узунлиги 10-25 см.гача етади. Япалоқлашган бош ва тана бүғимларининг устки қисми қорамтири, қалин хитин билан қопланган. Бошида яхши ривожланган кўзи, ўтқир жағ ёки наизалари бўлиб, тана оёқлари илмоқсимон «тирноқ» билан қуролланган. У тунги йиртқич ҳайвони бўлиб, кундузи тош-кесак ва ўт-ўланлар орасида яшириниб ётади. Турли ҳайвонлар билан озиқланади. Эркак сколопендралар

ишига сперматофор қўяди, урғочилари уни олиб жинсий йўлларига жойлади ва оталанган тухум орқали кўпаяди. Айрим сколопендралар партеногенез йўли билан кўпаяди.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан олиб келинган тупроқ ва ўсимлик тўшалмаларидағи кўп оёқлилар электр қурилмаси ёрдамида, йигма қурилма билан шиша банкаларга ёки фиксаторли идишларга тўпланди.

2. Ҳар бир намунадан алоҳида-алоҳида йигиб олинган кўп оёқлиларнинг тузилиши ўрганилади ва ҳаракатлари кузатилади. Хулосалар амалий машғулот дафтарига қайд қилинади.

3. Йифилган кўп оёқлилар тизими жиҳатидан аниқлаб, расми чизиб олинади. Намуналар келгуси дарсларда фойдаланиш учун фиксацияловчи эритмага солиб ёрлиқланади.

4. Ҳар бир биотопдаги кўп оёқлиларнинг микдори ҳисобланади ва биомассаси топилади. Натижалар амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

4-ИШ. ҲАШАРОТЛАР СИНФИ (INSECTA)

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, Петри косачалар, 0,5 : 1 : 3 л ҳажмдаги шиша банкалар, пинцетлар, белкураклар, тешалар, тупроқ элаклари, кимёвий пробиркалар, фиксаторлар, пахта, эфир, ҳашарот аниқлагичлари. Тарози ва тошлар.

Дарс мақсади: маҳаллий шароитнинг тупроқ биотасига мансуб ҳашаротлар синфининг вакиллари билан табиатда танишиш.

Ҳашаротлар синфининг вакиллари ер юзасида кенг тарқалган ҳайвонлар гуруҳи бўлиб, ҳозиргача уларнинг 1 млн.дан ортиқ тури фанга маълум. Улар турли шароитларда яшашга мослашган. Уларнинг танаси яққол ажралган бош, 3 сегментли кўкрак ва кўп бўғимли қоринча (абдомен)дан иборат.

Уларнинг бош қисмида 1 жуфт бўғимлашган мўйловлари, 1 жуфт мураккаб-фасеткали ва айрим турларида 1-3 та-

дан оддий күзлари ҳамда оғиз аппарати жойлашган. Оғиз аппаратлари 5 турда бўлиб, қаттиқ ёки суюқ озуқ билан озиқланишга мувофиқлашган. Ҳашаротларнинг кўкрак қисмida 1 ёки 2 жуфт қанот ва 3 жуфт ҳар хил турда тузилган бўғимли оёқлари бор. Қоринча қисми кўп сегментли бўлиб, ундан церклар, эркакларида грифелёк назиба, урғочиларида тухумдан (тухум қўйгич) жойлашган бўлади, шираларда шира назиблари бор. Айрим жинсли, бавзи гурухлар партеногенез йўли билан кўпайиш хусусиятига эга.

Вакил. Ўрта Осиё сувараги. Суварак органик қолдиқлар кўп бўлган жойда, зах ўт-ўланлар орасида кўп учрайди. Танаси цилиндрический, 2-3 см узунликда бўлиб, елка қорин томонга яссилашган. Жинсларнинг бир-биридан фарқи яққол ажралиб туради. Урғочиларнинг танаси эркагиникига нисбатан кенгроқ ва қаноти ривожланмаган. Бу суваракни қора суваракдан фарқи шундаки, унинг охирги кўкрак ва қорин қисмининг дастлабки сегментлари устида сариқ рангдаги нуқталари бор. Ўрта Осиё сувараги эркакларининг қанотлари танасига нисбатан анча узун.

Суваракнинг танаси бошқа ҳашаротларники сингари учқисм: бош, кўкрак ва қориндан иборат. Усти қалин хитин қопламаси билан қопланган. Бошида оғиз аппарати, бир жуфт мўйлаб ва бир жуфт мураккаб фасеткали кўзлари жойлашган. Кўкрак 3 бўғимдан иборат, унда 3 жуфт бўғимлашган оёқлари жойлашган. Оёқлар югурувчи турда.

Суваракнинг қорин қисми 10 сегментдан иборат. Қориннинг охирги бўғимида жуфт церкалари жойлашган. Эркакларида бир жуфт грифелкилари бор. Қорин қисмидаги сегментларнинг пастки томонида нафас олиш тешиклари жойлашган, урғочиларида қоринчанинг охирида тухумдан бўлади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатда — тажриба участкаси, экинзор, ўтлоқзор майдонидаги тупроқ биотасининг турли экологик гурухларига мансуб ҳашарот намуналари йигилиб, уларнинг яшаш тарзи, тузилиши, ҳаётӣ формалари билан танишилади. Бу

шундай учун гурух талабалари 3-4 нафардан майдада гурухларга олинидан ажратилиб, зарурий жиҳозлар билан таъминланади. Сўнгра ҳар бир кичик гурух табиятдан майдони катта ёки кичиклигига қараб $0,25 \text{ m}^2$ ($0,5 \text{ m} \times 0,5 \text{ m}$) ёки 1 m^2 ($1 \text{ m} \times 1 \text{ m}$) майдон бўйича учраган ҳашаротларнинг вакилларини тўплайди ва ўрганади. Намуналар тўплашда тупроқ элакчари, сафар электридан фойдаланади.

2. Тупроқ тўшалмаси, гумус қатлами, тупроқнинг ишлов қатламигача яруслар бўйича ковланиб, ҳар бир қатламдан топилаётган ҳашаротлар ривожланиш фазалари ва турлари бўйича микроскоп, стол лупалари орқали кузатилади. Ўрганишга улгурмаган тупроқ намуналари синтетик ёки перманент пакетларига олиб келинади. Илдиз ширалари лабораторияга зич беркитиб, ёрлиқланган ҳолда олиб келинади. Илдиз ширалари ёки нозик тузилган бирламчи қанотсиз ҳашаротлар рақамланган спиртли пробиркаларга кўп оёқлилар, ёмғир чувалчанглари, йирик ҳашаротларнинг личинкалари ва ғумбаклар 4 %ли формалин эритмасида кейинчалик ўрганиш учун сақлаб қўйилади. Термитлар ва бошқа жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротларнинг инларини бузмасдан ўрганилганлиги маъқул.

3. Намуналар йифиши пайтида аввало айни ҳашарот тури қандай вазиятда учрагани, қайси ривожланиш фазасида эканлиги, қандай озиқланаётганлиги, инлари ва келтираётган заарининг ҳолати белгилаб олиниши керак. Чумолилар ва ширалар ўртасидаги симбиотик муносабатлар, ширава жужелица қўнғизи ёки хон қизи қўнғизи билан йиртқич ўлжа муносабатлари, ўсимлик ва шира, яйдоқчи ва капалак личинкаси ўртасидаги паразит-хўжайн муносабатлари диққат билан кузатилади, хулосалар амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

4. Имкониятига қараб ҳар бир майдондаги ҳашорат турларининг миқдори ва биомассаси аниқланиши маъқул.

5. Ҳар бир кичик гурухнинг кузатиш натижалари ва ҳашаротлар намунаси тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилиб, коллекциялар тайёрланса дарс самарадорлиги яхши бўлади. Топилган турларнинг расми чизилиб, номланади.

12-МАШФУЛОТ

ТУПРОҚ УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАРГА УМУМИЙ ТАВСИФ

1-ИШ. УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТУПРОҚ БИОТАСИГА ТАЪСИРИ БИЛАН ТАНИШИШ

Дарс жиҳозлари: белкурак, метр, тарози, тошлар, челяклар.

Дарс мақсади: умуртқали ҳайвонларнинг тупроқ биотасидаги фаолияти билан танишиш.

Изоҳ: Дарс табиатда – ўтлоқ, дашт, ўрмон биоценозларида ўтказилади.

Тупроқ биотасида умуртқали ҳайвонлардан сут эмизувчи ҳайвонлар синфининг вакиллари мұхим аҳамиятта эга. Улар тупроқ мегафаунаси таркибига киради. Сут эмизувчиларнинг ҳаёти бевосита тупроқ билан боғланган тизимиң гуруҳларига кемиравчилар ва айрим ҳашаротхўрлар киради.

Товушқонсимонлар ва йиртқичлар тизимиң гуруҳларига кемиравчилар ва айрим ҳашаротхўрлар киради.

Товушқонсимон ва йиртқичлар тизимиң гуруҳларининг вакиллари тупроқдан доимий бошпана ёки душманидан яширина диган қисқа муддатли манбаа сифатида фойдаланади.

Йирик ўтхўр ҳайвонлардан – буғу, кийик, от, әчки, қўйлар бирламчи продуцентларни истеъмол қилишиб, хазм бўлмай қолган қолдиқларини иккинчи маҳсулот сифатида табиатга қайтаради. Бу маҳсулот (чиқиндилар)дан озуқа занжиридаги бошқа организмлар фойдаланади. Мазкур ҳайвонлар тупроқка механик таъсир этади ва ўсимликларнинг ҳосилдорлигига, органик моддаларнинг қисман минераллашувига сабаб бўлади.

Тупроққа таъсири кучли бўлган ҳайвонлар бевосита тупроқ қатламида яшовчи ва у ерга ин қуриб яшовчилардир. Тупроқ қатламларида доимо яшовчилардан ерқазарлар, кўркаламушларнинг экологик гуруҳлари бўлиб, иккинчи экологик гуруҳлар ин қазиб яшовчилар ҳисобланади. Улар ер

устида озиқланиб, қишлов, диапауза учун тупроқдан ин қазиб, тупроқ массасининг аралашувига ва микромезорелефнинг ўзгаришига таъсир қиласди.

Кемирувчилардан дала сичқонлари, хомяклар, суғурлар, юмронқозиклар ва бошқалар тупроқ биотасидаги сут эми-зувчиларнинг 30% ини ташкил қиласди. Буларнинг кўпчилиги фитофаглар бўлиб, инларида захира озуқа сақлади ва озиқланиши, айирув маҳсулотлари билан тупроқнинг органик таркибиغا таъсир қиласди. Бу ҳайвонларнинг кўпчилигига озуқа тўлиқ ўзлаштирилмай ва хазм бўлмай ташқарига чиқарилади. Масалан, хомякларда 25% овқат ўзлаштирилмай тупроққа қўшилади.

Ҳар бир минтақанинг ўзига хос тупроқ турида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳайвонларнинг ҳар хили бор. Масалан, ўрмон тупроқларида сичқонлар, чўл ва чала чўлларда – кум сичқонлари, қўшоёқлар тупроқ биотасида катта аҳамиятга эга. Чўлдаги сут эмизувчи ҳайвонларнинг деярли ярмини суғурлар ташкил қиласди. Уларнинг массаси 9 кг.гача етиб, узунлиги 70 см.гача боради. Улар тўда бўлиб, ин ковлаб ҳаёт кечиради, инларининг ташқарига чиқувчи бир нечта тешиги бўлади. Уларнинг қишлов хоналари ер юзасидан 5-7 м чуқурликда бўлади ва иинининг умумий узунлиги 60 м.гача етади. Кемирувчиларнинг ин кавлаш фаолияти туфайли тупроқнинг нам билан таъминланиши айрим жойларда 1,5 м. гача чуқурликка етса, бу ҳайвонлар бўлмаган жойларда баҳорги намгарчилик 0,5 метрдан чуқурга ўтмайди.

Ҳашаротхўрлардан кўр каламуш, типратикан, ер қазар ва бошқа бир қатор ҳайвонлар тупроқ биотасида муҳим аҳамиятга эга. Улар тупроқ қатламларининг аралашувида, юмшатилишида катта рол ўйнайди, Масалан, оддий кўр каламуш баргли ўрмон, дарё водийларида яшаб, қуруқ чўлларда кам учрайди. У нам, юмшоқ ўрмон тупроқларида 2-5 см чуқурликда, қуруқ тупроқларда 10 см чуқурликда горизонтал ин қазииди. Кўр каламушларнинг ер устига чиқарган тупроқлари 160 т/га етади. У бутун умри давомида тупроқ остида яшаб, ёмғирчувалчанглари билан озиқланади.

Товушқонсимонлардан товушқон ва қуёнлар ер шаридаги кенг тарқалган. Айрим йилларда уларнинг популяция зич-

лиги 1 га ерга 25-40 гача етади. Улар табиий ценозларни деградацияга учратиб катта заар етказади.

Йиртқичлардан барсуқлар, тулки, тұнғиз ва ҳатто айик-лар ҳам ўзларининг ин кавлаш фаолияти билан тупроқ қат-ламининг аралашувига, озиқланиш ва айирув фаолиятлари билан тупроқнинг кимёвий таркибиға таъсир үтказади.

Ишнинг бажарилыш тартиби:

1. Гурух талабалари 3-4 тага бўлиниб, табиатдаги танланган биоценозда тупроқ биотасига мансуб сут эмизувчи ҳайвонларнинг тупроққа таъсири билан танишадилар. Ҳар бир кичик гурух мустақил ҳолда кемиравчилар, товушқонсимонлар, йиртқичларнинг инлари тузилиши, тупроқ таркибиға (структурасига) бу ҳайвонларнинг таъсири билан танишади.

2. Топилган у ёки бу ҳайвон инининг чуқурлиги ва ер юзасига чиқарилган тупроқ массаси үлчаб, тортиб кўрилади. Мазкур ҳайвон инининг 1 га майдондаги сони саналади. Бу ҳайвоннинг тахминий миқдорий зичлиги аниқланиб, амалий машғулотлар дафтариға ёзилади.

3. Индан чиқарилган тупроқдан кимёвий анализ учун намуналар олинади ва ёрлиқлаб, пергамент ёки синтетик қопчиқларга солинади.

4. Топилган инларнинг айримларига эгаллаган ҳажмини аниқлаш учун челаклаб сув тўлдириб кўрилади. Кавлаб кўрилган инлардаги захира овқат таркиби, қолдиқ овқат сифати текширилиб амалий машғулот дафтариға қайд қилинади.

13-МАШГУЛОТ

ЗАМБУРУГЛАР

1-ИШ. ТУПРОҚ ЗАМБУРУГЛАРИГА УМУМИЙ ТАВСИФ ВА УЛАРНИНГ МУХИМ ВАКИЛЛАРИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тўғрилагич ниналар, томизгичлар, бўёқлардан ментил кўки, сафранин, нейтрал қизил метилен сафсари,

замбуруғли қуриган ёғоч парчалари, пўпанак босган мева-лар, моғорланган ион, сиёҳ замбуруғлари, илдизи қорай-ган карам күчати, аниқлагичлар, таблицалар.

Дарс мақсади: тупроқ замбуруғлари билан умумий танишиш, уларнинг тузилиши, ҳаётий формаларини кузатиш.

Тупроқ замбуруғлари гетеротроф усул билан озиқланиб, ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган озиқ моддаларни турли органик қолдиқлар — чириндилардан олади. Уларнинг сапрофитлик ёки тирик организмлар ҳисобига текинхўрлилик билан озиқланувчи турлари ҳам мавжуд. Замбуруғлар нисбатан анча содда организмлар бўлиб, уларнинг бир ҳужайрали, кўп ҳужайрали, ипсимон, мицелийли тузилишга эга бўлган турлари бор. Замбуруғлар субстратни сирти бўйлаб ёки орасига ўсиб кириб, мицелийсидан маҳсус ферментлар ишлаб чиқаради ва шу моддалар орқали субстрат билан алоқага кириб, абсорбтив (осмос) йўли билан субстрат ҳисобига озиқланади. Ҳудди шу жараён билан тупроқ экотизимида органик моддаларни парчаловчилик — рецидентлик фаолиятини бажаради.

Тупроқ замбуруғлари энг катта экологик гуруҳ бўлиб, ўсимлик ҳайвонларнинг органик қолдиқларини минераллаштиради, тупроқнинг гумус қатламишининг ҳосил бўлишида иштирок этади.


Замбуруғларда ўсимликларга ва ҳайвонларга хос белгилар мавжуд. Масалан, ҳужайраларидаги кутблилик хусусияти, учки томонга чексиз ўсиш, шоҳсимон ҳужайра мембраннынг бўлиши, вакуолалар ҳужайраларнинг кўндалант тўсифи ва витаминларни синтез қила олиш қобилияти билан улар ўсимликларга ўхшайди.

Ҳужайраларда хлорофилл бўлмаслиги, гетеротроф турда озиқланишлари, ҳужайра деворини целлюлоза эмас, балки хитиндан иборатлиги, азотли модда алмашинувида мочевинани синтезланиши, захира озуқа модда сифатида гликогенни тўплаши каби белгилар ҳайвонларга ўхаш томонларидир.

Замбуруғлар учун тавсифли белгилар қўйидагилар: уларнинг асосий вегетатив тузилмаси — гифлар. Кўп сонли гифларнинг уйғунлашидан мицелий ёки мева таналари ҳосил бўлади. Гифлар ипсимон тузилишга эга бўлиб, айрим тур-

ларда сохта түкима, улардан эса мева тана вужудга келади. Гифлар күндаланг ҳолда септлар билан түсилган ёки түсилмаган бўлади. Гифлари күндаланг тўсиқсиз замбуруғлар — тубан, кўндаланг тўсиқли замбуруғлар — юксак замбуруғлардир. Замбуруғлар жинссиз усулда — конидиялар, споралар ёрдамида кўпаяди, жинсий кўпайишда эса зигоспоралар, спора калталари ёки базидийлар ҳосил қилган ҳолда кўпаяди.

Тупроқ замбуруғлари ўрмон тўшалмаларида кўп бўлади. Улар ташқи муҳитига турли хилдаги гиролитик ферментларни синтезлаб чиқаради ва тупроқдаги органик моддаларнинг минераллашувига сабаб бўлади. Замбуруғлар ҳатто лигнинни ҳам парчалай олади. Улар бир суткада ўзлари искеъмол қиласидиган органик моддага нисбатан 2-7 марта кўп органик маҳсулотни парчалайди. Замбуруғларнинг турли гу-



15-чизма.


Мукор замбуруғи: а) спорангиилийли мицелий; б,в,г) спорангийнинг етилиши; д, е, ж,) зигогамия; з) зиготадан спорангийнинг ҳосил бўлиши.

руҳлари ҳар хил моддаларни парчалашга ихтисослашган бўлади. Масалан, ҳайвон түёқлари, шохлари, патлари, жун таркибидаги кератинни парчаловчи гуруҳ, гўнгни парчаловчилар — капрофиллар, дарахтсимонларни парчаловчилар — қсилофаглар, ўтсимонларни парчаловчилар — гербафиллар, замбуруғни парчаловчилар — микофиллар, ва ҳоказо. Тупроқ замбуруғлари эрувчан фосфорли бирималарни ўсимлик қабул қила оладиган ҳолатгача ўзлаштириш хусусиятига эга.

Вакил. Мукор (*Mucor*). Бу замбуруғ зигомицетлар синфининг кент тарқалган вакилидир. Унинг мицелийси асосан субстрат ичида, қисман юзасида жойлашиб, улардан спорангий бандлари қўтарилиб туради ва банд устида спорангийлар етилади. Спорангий ичида цитоплазма кўп ядроли бўлади, шу ядролар асосида споралар етилади. Спорангий пўсти ёрилганда споралар ташқарига чиқиб, спорадан янги мицелий ўсиб чиқади (15-чизма).

Вакил. Сиёҳ замбуруғи (*Coprinus comatus*). Бу замбуруғ базидияли замбуруғлар синфининг вакили бўлиб, сергўнг тупроқларда, чириётган дарахт тўнкалари атрофида, гўнгтепалар атрофида тўп-тўп бўлиб яшайди. Мева танаси дастлаб умумий парда ёрдамида оёқгача ёпишиб тургандек цилиндр ёки тухумсимон шаклида бўлади. Шу вақтда унинг катталиги 10 см.гача етади. Кейин умумий парда ёрилиб қалпоқча қўнғирсимон рангга киради. Оппоқ рангдаги пластинкасимон кўринишили гименофор, қалпоқча қирғоғидан бошлаб сиёҳ рангга бўялиб бориб, оқа бошлайди. Пластинкасимон гименофордаги базидиялар қалпоқчанинг четидан бошлаб етилади.

Вакил. Пеницилл (*Penicillium*). Бу замбуруғ тупроқнинг юза қатламида сапрофит ҳолда яшайди, у такомиллашмаган замбуруғлар синфининг вакилидир. Унинг таркибида қандсимон моддалар бўлган маҳсулотлар — нон, мева шарбатлари ва бошқа озиқ-овқатлар устида тез кўпайиб, яшил тусли мофорлар ҳосил қиласиди. Кўп хужайрали мицелийси субстратга ботиб кириб, унинг юзасида панжасимон кўринишдаги конидия бандлари ва улардан шарсимон конидиялар занжирни чиқади (16-чизма). Шу авлоднинг *Pinatatum*, *Pichrysogenum* турларидан саноат миқёсида антибиотик моддалар олинади.



16- чизма.

Пеницилл (а) ва асперилл (б) замбуруғлари.

Вакил. Асперилл (*Aspergillum*). Бу замбуурug тупроқнинг юза қатламида ва қанд моддаларга бой озиқ моддаларда сапрофитлик билан яшайди. Унинг кўп ҳужайрали мицелийсининг учи шаклан шарга ўхшаб турадиган, битта йирик устунсимон ҳужайралардан ташкил топган. Ана шу бўртма юзасида цилиндрисимон калта ҳужайралар бўлиб, уларнинг учки қисмида шарсимон конидиялар занжирни ҳосил бўлади ва етилади (16-чизма, б).

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Тарқатма материаллардан фойдаланиб, замбуруғларнинг яшаш тарзи билан танишиш.
2. Тарқатма материаллардан тупроқ замбуруғларини ажратиб олиб, улардан вақтинчалик препаратлар тайёрланади, тузилишининг ўзига хос томонлари кузатилади. Аниқланган хусусиятлар амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.
3. Ажратиб олинган замбуруғлар бўёқлар билан бўялиб, зарур бўлган турлардан доимий препаратлар тайёрланади.
4. Замбуурug турларининг расми чизилиб номланади.

2-ИШ. ТУПРОҚ ЗАМБУРУҒЛАРИНИ ЎЛЧАШ ВА БИОМАССАСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ойнаси, қоплагич ойна, тарози ва тошлар, тигел ва резина сопи, дисцилланган сув, 500 мл ҳажмли колбалар ва 500 мл цилиндр, диаметри 2,5 мкм бўлган мембранили филтр, бўёқ сифатида 1% ли дианилин кўки ва 5% ли фенолнинг сувдаги эритмасининг 1:5 нисбатдаги аралашмаси, тупроқ намунаси, микрометрли объектив.

Дарс мақсади. турли тупроқлардаги замбуруғларнинг гиф ва мицелийларини үлчаш ва биомассаларини ҳисоблаш.

Тупроқдаги замбуруғларни тұғридан-тұғри ҳособга олишни Хансен усулидан фойдаланып мембранаға фільтрда ҳисоблаш (Т. Г. Мирчинк ва Т. С. Демкина тәкомиллашмасы) усулида қуйидаги ишлар олиб борилади:

1. Тупроқ намуналарининг ҳар биридан 5 дақиқа давомида тегилда резина сопи билан әзилади.

2. Эзилган тупроқ 500 мл дисцилланган сувли колбага үтказилади ва 5 дақиқа силкитилади.

3. Тупроқ әритмаси 500 мл.лик цилиндрға үтказилади ва чайқатиб турилган қолда ундан 10 мл намуна олинади.

4. Ҳар бир тупроқ әритмасидан 10 мл.дан олинниб, уни мембранаға фільтрдан алохіда-алохіда үтказилади ва фільтр ҳавода қуритилади.

5. Куриган фільтр дианилин күкининг 1% ли әритмаси ва фенолнинг 5% ли сувдаги әритмаси билан 1:5 нисбатда аралаштириб тайёрланган бүекда бүләди ва ҳавода қуритилади. Ҳар бир намуна учун 2 тадан мембранаға фільтр ишлатилади.

6. Микроскопнинг $40\times$ объективи орқали фільтрдаги замбуруғ мицелийлари 50 мартадан күриш соҳасидаги узунликлари микрометр билан үлчанади ва мицелий узунлиги қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$A = \frac{B \cdot x \cdot s \cdot n}{50 \cdot p \cdot v \cdot c \cdot 10^{-2}}$$

бунда, A — 1 г тупроқдаги мицелийнинг умумий узунлиги (см);

B — 50 мартадаги окуляр микрометр билан олинган узунлик бирлиги;

x — окуляр микрометрнинг ҳар бир чизиқчаси қиймати (МКМ);

s — мембрана фільтрининг сатхи (mm^2);

p — тупроқ суспензиясининг суюлтириш даражаси;

v — микроскоп объективининг күриш юзаси (МКМ²)

v — үтказилган тупроқ суспензиясининг ҳажми;

c — тортиб олинган тупроқ миқдори.

7. Замбуруг гиф ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади:

[$v=a \cdot \Pi \cdot r \cdot 10^{-3}$ см] агар гиф диаметри ўртача 5 МКМ деб олинса,
 $v=a \cdot 3,14 \cdot (2,5)^2 \cdot 10^3$

8. 1 г тупроқдаги мицелий массаси (q)

$$q=a \cdot 19,6 \cdot 10^{-8} \cdot 1,05 \text{ бұлади.}$$

Бунда 1,5 — мицелийнинг нисбий массаси.

3-ИШ. ЗАМБУРУГЛАРДАН ПРЕПАРАТ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ БҮЯШ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, түғрилагич ниналар, дисцилланган сув, этил спирти, сирка кислотаси ва қуйидеги таркибли эритма: кристалл карбол кислотаси –20 г; глицерин – 40 мл; дисцилланган сув –20 мл. Бүеклар: метил күки; сафранин; нейтрал қизил; метил сафсари. Бүеклар 1: 500 дан 1: 1000 дан суюлтирилган ҳолда ишлатилади. Соф замбуруг културалари.

Дарс мақсади: Тупроқ замбуруғларидан препарат тайёрлаш ва бүяш усулини ўрганиш.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

Соф замбуруғ културасидан түғрилагич нина ёрдамида кичикроқ нағызуна кесиб олинади ва яхшилаб тозаланган буюм ойнасига қойилади. Унинг устидан бир томчи сув томиздирилади ва қоплагич ёпилади. Замбуруғ споралари сувда яхши намлангани учун сув ва этил спирти ёки сув билан сирка кислотаси 1:1 нисбатда томизилса, вақтингчалик препарат тайёрланади. Доимий препарат ҳосил қилиш учун сув ўрнига қуйидаги таркибда эритма ишлатилади: кристалл кислотаси –20 г, глицерин – 40 мл, дисцилланган сув – 20 мл, юқоридаги бүекларнинг эритмасидан 1 томчи қўшилади.

Тайёрланган препарат ёрлиқланади ва келгусида фойдаланиш учун сақлаб қойилади.

4-ИШ. ТУПРОҚ ТУРУШЛАРИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, сиртига агарли мұхит суртилган буюм ойналари, тозаланған буюм ойналари, тупроқ турушларининг соф културалари, түш томизгичлар, түгрилагич ниналар.

Дарс мақсади: тупроқ турушларининг вегетатив усулда күртакланиши, хужайраларининг түгридан-түғри бўлиниш орқали кўпайиш йўллари билан танишиш. Турушларининг хужайравий тузилишини маҳаллий турлар мисолида ўрганиш.

Тупроқ турушлари замбуруғлар бўлимининг аскомицетлар, базидиомицетлар, такомиллашмаган замбуруғларнинг тизимий гуруҳларига мансуб бўлиб, алоҳида таксономик гуруҳ сифатида ажратилмаган. Уларни шарсимон, овалсимон, ёйсимон, лимонсимон, цилиндрисимон, таёқчасимон, учбурчак, ўроқсимон шаклларида учратиш мумкин. Айрим ҳолларда хужайраларни апикал учидан узулмасдан күртакланиб кўпайиши туфайли ипсимон-сохта мицелий кўрининишини ҳосил қиласди. Тупроқ турушларининг аско ва базидиомицетларга мансуб турларида ҳалта ва базидийлар ҳосил қилиш орқали жинсий кўпайишлари ҳам мумкин.

Ахсомицет замбуруғлари «маданийлаштирилган» турушлар деб номланади, чунки уларнинг ичида инсон томонидан саноат миқёсида нон, пиво, вино ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиганлари ҳам бор.

Табиатдаги турушлар асосан ўсимликлар билан биргаликда учрайди. Улар ўсимликларнинг турли органларида: баргда, гул нектарларида, жароҳатланған жойларда, меваларда кўпаяди ва субстрат билан тўшама тупроққа тушади. Тупроқ қатламларига ташувчи агентлар — тупроқ ҳашаротларидир.

Тупроқнинг ўзига ҳос турушлари *Leucosporidium*лар авлодига мансуб турлардир. Бу авлод турушлари фақат тупроқда яшайди. Липомицетлар тупроқ мұхитида яшаб бижгиших хусусиятига эга эмас, улар углеродли субстратларни түгридан-түғри оксидлаш хусусиятига эга. Бу йўл билан углеродли бирикмалар ўсимлик қабул қиласиган ҳолда, полисахарид капсулалари кўринишида хужайраларда тўплана-

ди. Улар тупроқ мұхитига гидролитик ферментлар ажратиб чиқаради, жумладан, чиқарылған амилаузалар крахмал парчалаш хүсусиятига эга. Тупроқда турли липомицетлар үзларининг аскоспоралари билан фарқланади. Турушларнинг тупроқ экологик системасидаги аҳамияти күп қирралы. Улар органик моддалар трансформациясида иштирок этади, мұхитта биологик фаол ферментлар чиқарып, кейин әрувчан бирикмаларни парчалайды, ҳужайраларда синтезланады. Улар полисахаридлар тупроқ тузилишига таъсир қилади ва тупроқ гумус таркибиға кирады. Улар бактериялар билан туруш — бактерия ассоциациясини ҳосил қилиб, тупроқда азот түпласып жараёнида ҳам қатнашади. Улар тупроқ бактериялагыраға нисбатан биологик жиҳатдан фаол организмлардир.

Ишнинг бажарылыш тартиби:

1. Тупрек турушларининг соф күлтурасыдан вактинчалик препаратлар тайёрлаб, уларнинг тузилишини микроскоп остида қиёсий ўрганинг.
2. Соф күлтураси бўлган тупроқ турушларининг кўпайиш йўллари билан танишинг.
3. Ажратиб ўрганилган турларнинг шаклини чизинг ва хулосаларингизни амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинг.

14-МАШФУЛОТ

ЛИШАЙНИКЛАР

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналар, Петри косачалари, табиатдан йифилған лишайник намуналари: тошдаги пўстлоқсимон лишайниклар, пластинкасимон (баргсимон) ва бутасимон лишайник намуналари, пинцет, тўғрилагич нина, сув стаканчалари, фильтр қофози, аниқлагичлар, таблицалар.

Дарс мақсади: лишайникларнинг ўзига хос тузилиши ва маҳаллий турлари билан танишиш.

Лишайниклар ўзига хос симбиотик организмлар бўлиб, уларнинг танаси икки ташкилий компонентдан — замбуруғ


(микробионт) ва сув ўти (фикобионт)лардан ташкил топган. Лишайниклар мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган организмлардир. Бу йўлда замбуруғ ва сув ўти ўзаро бирга яшашга мувофиқлашиб, эндиликда лишайниклар таркибиға ки-рувчи айрим замбуруғ ҳам, сув ўти ҳам табиатда бир-биридан алоҳида ҳолда учрамайди. Масалан, фикобионтлар — яшил сув ўтлари, лишайникларнинг 50% га яқин турлари таркибиға киради, лекин эркин ҳолда учрамайди. Ҳозиргача лишайникларнинг 26 мингга яқин 400 авлодга мансуб турлари аниқланган. Лишайникнинг номи унинг таркибиға ки-рувчи замбуруғ турига қараб номланади. Лишайниклар тар-кибидаги микробионтларнинг кўпчилиги аскомицет замбу-руғларидир, лекин базидиямицетлардан ҳам 10 га яқин тури лишайниклар таркибида аниқланган. Лишайник таркибида-ги фикобионтларни кўпроқ яшил ва сариқ-яшил сув ўтлари ва айрим цианобактериялар ташкил қиласди. Анатомик жи-ҳатдан лишайниклар гемеомер ва гетеромер талломли бўла-ди. Морфологик жиҳатдан пўстлоқсимон, баргсимон ва бу-тасимон кўринишларда бўлади (17-чизма).

Гемеомер тузилган лишайникларнинг таркиби устки ва остки пўстлоқ, улар ўртасида турли томонга тармоқланиб кетган замбуруғ гифаси орасида жойлашган сув ўти хужай-раларидан иборат.

Гетеромер тузилишдаги лишайникларда замбуруғ гифа-ларининг тугунидан иборат устки пўстлоқ қатлами, унинг остидаги сув ўти қатлами замбуруғ гифасидан ташкил топ-ган ўзак қатлами ва остки пўстлоқ қатлами бўлади.

Лишайниклар вегетатив усулда, маҳсус кўпайиш органи соридий ва изидий воситасида кўпаяди.

Улар ҳавоси тоза жойларда қояларга, тошларга, дарахт пўстлоқларига ёпишиб яшайди. Лишайниклар мураккаб орга-ник кислоталар, полифенол моддалари, жумладан, анти-биотик хусусиятига эга бўлган успин моддалари, органик кислоталардан лексонор, физолга эга. Уларни синтезлаб лишайниклар субстратга чиқаради. Улар субстратни (тоғ жинсларини) емириб, биологик йўл билан бирламчи туп-роқ ҳосил бўлишида иштирок этади. Бундан ташқари, ли-шайник тўплами бактериялар, замбуруғлар, турушлар учун субстрат сифатида хизмат қилиб, азот тўпланиш жараёнига



17-чизма.

Лишайник талломининг шакллари: а) қўйқасимон; б) баргсимон; в) бутасимон; г) куртакланувчи; д,е,ж) кўпайиш.

шароит туғдиради. Лишайникларнинг айрим турларидан орсеин ва лакмус бўёқлари олинади. Бутасимон лишайникларнинг 50 га яқин тури бугулар учун озуқа бўлиб хизмат қиласди.

Тупроқлар биологиясида лишайникларнинг эпигей (тупроқда яшовчи) ва эпилит (тош қояларда яшовчи) экологик групхлари дикқатга сазовор. Эпигей лишайниклар унумдор тупроқларда тез ўсувчи юксак ўсимликлар билан бўладиган рақобатта чидай олмайди, шунинг учун улар унумдор тупроқларда кам, чўл ва чала чўлларда, торфли тупроқларда кўп учрайди.

Эпилит лишайниклар тоғли ўлкаларда кўпроқ учрайди, тош, қояларга ёпишиб уларни емиради ҳамда бирламчи тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этади.

Вакиллар. Чўл ва чала чўллар палпегираси. Уларнинг қуруқ чўлларда ва тоғли ўлкаларда истеъмол қилса бўладиган аспицилини ёки лишайник маннаси, тоғли ўлкаларда оҳак жинсларида веррикория, гаспарина турлари, кумлоқ тоғ жинсларда ликедия, леканора, ризокарпон турлари кенг тарқалган.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан йифилган лишайникли намуналар кузатилиди ва ҳар бир экологик гурӯҳ турларининг микроскопик тузилиши вақтингчалик препарат тайёрлаш ўюли билан ўрганилади.
2. Аниқланган турларнинг кўпайиш усулларига аҳамият бериб, ҳаётий формалари кузатилади.
3. Ўрганилган турларнинг шакли чизиб олинади ва номланади. Кузатув натижалари амалий ишлар дафтарига қайд қилинади.

15-МАШФУЛОТ

ПРОКАРИОТЛАР ДУНЁСИ

1-ИШ. ПРОКАРИОТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ


Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналар, тупроқ намуналари, 250 мл ҳажмли қолбалар, тош ва тарози, дисцилланган сув, мензурка, томизгич, 0,1 %ли агар эритмаси, 96 %ли спирт, осмий кислотаси, карбол эритрозини, турли прокариотлар културалари, бўёқлар, аниқлагич, таблицалар.

Дарс мақсади: тупроқ биотасига мансуб прокариот организмлар билан танишиш.

Прокариотларнинг тавсиф белгилари — уларнинг эукариот организмларидан фарқли равишда ҳужайраларида ядронинг бўлмаслиги ва ҳужайра мембраннынинг икки қаватли булишидир. Организмнинг бутун қисми, наслий материали ҳужайрадаги бир дона бактериал промосомага жойлашган. Бактериал промосомаси қўшалоқ спиралли ДНКнинг марказий қисмida жойлашган. ДНК ядро вазифасини бажаради. Ҳужайра пўсти — протопласт, ҳужайра ичига ботиб кириб, везикулалар ёки мезосомалар ҳосил қилиши мумкин. Везикулалар ферментлар сақлайди мезосомалар эса ҳужайранинг бўлинишини таъминлайди. Прокариот организмларда овқат хазм қилиш ва қисқарувчи вакуолалар бўлмайди. Ҳужайра

мембранаси митохондрий вазифасини ҳам бажаради, у тандында үтказиш хусусиятига эга.

Прокариотлар маңсус хивчинлар ёрдамида сузиши ёки сирпаниб ҳаракатланиши мумкин. Спирохетларда ҳужайра мембранасининг остида ички қисқара олиш хусусиятига эга бўлган хивчинлар мавжуд. Улар қисқариб, эгилиш хусусиятлари билан спирохетани ҳаракатлантиради. Бактериал хивчинлар ҳужайранинг қутбий томонларида ёки бир томонда жойлашиши мумкин. Прокариотда хивчинларнинг жойлашиши бир неча турда бўлади (18-чизма).



18- чизма.

Бактерия хивчинининг жойлашиш турлари:

- 1) монотрих;
- 2) лофотрих;
- 3) перитрих;
- 4) амфитрих.

қараб берилган. Бу бўяшда бактериялардан босқичма-босқич кристалл сафсар, йод эритмасида бўяшда этил спирти билан фиксацияланади. Мазкур усулни 1984 йилда К. Грамм ишлаб чиқсан ва у ҳозирги кунда микробиология соҳасидаги кенг қўлланилмоқда. Ҳар бир бўялиш хусусияти билан фарқ қиласиган бактерия гурӯҳлари биологик хусусиятлари билан фарқланиши аниқланган. Масалан, Грамм мусбат бактериялар бинар бўлиниши йўли билан кўпаяди, бунда

1. Монотрих — хивчин ҳужайранинг фақат бир қутбидаги жойлашган;

2. лофотрих — хивчинлар тутам ҳолда жойлашган;

3. перитрих — хивчин ҳужайранинг ҳаммаси томонида жойлашган.

4. амфитрих — хивчин ҳужайранинг 2 қутбидаги жойлашган;

Ҳақиқий прокариотларнинг ҳужайра девори 2 хил турда тузиленган:

1. Қалин деворли муреиндан ташкил топган, таркибида тейноев кислотаси ва полисахридлар сақловчи тур.

2. Юпқа қаватли муреинли ва қўшимчи ташқи мембранали тур.

Бу икки турдаги ҳужайра девори Грамм мусбат ва Грамм манфий бактерияларига тўғри келади. Бу номланиш ҳужайра қобигининг Грамм усулида бўялиш хусусиятига


бўлинаётган ҳужайралар орасида кўндаланг тўсиқ пайдо бўлади. Грамм манфий бактериялар эса кўндаланг тортмалар ҳосил бўлиб қўпаяди. Биринчи гуруҳ пенициллин антибиотикка сезгир, иккинчиси пенициллиндан таъсирланмайди. Бактерияларнинг споралари иссиқликка ниҳоятда чидамли. Грамм мусбат бактериялар кўп ҳолларда эндоспора ҳосил қиласди. Грамм манфийлар бундай спора ҳосил қилмайди. Бактерияларнинг спора ҳосил қилмайдиган гуруҳлари шилимшиқ қопламали капсулали цисталар ҳосил қиласди. Полисахарид капсула деворида чиқувчи биологик фаол моддалар минералларни емириш хусусиятига эга, бу эса тупроқнинг агрегат ҳолатини ўзгартириб, сув ўтказиш қобилиятини яхшилади.

Бактериялар морфологик тузилиши жиҳатидан бир қанча турда бўлади (19-чизма):

1) кокклар (шарсимон); 2) таёқчасимон; 3) букланган; 4) куртакланувчи; 5) оддий; 6) ипсимон.

Бактериялар тупроқ экологик тизимидағи биогеокимёвий жараёнларда фаол иштирок этади. Уларнинг автотроф ва гетеротроф, аэроб ва анаэроб, психрофил ва термофил, азот фиксаторлар, олеготрофлар, галофил ва бошқа физиологик гуруҳлари мавжуд. Прокариот организмлар эукариотлар амалга оширолмайдиган метаболитик жараёнларни амалга оширади. Масалан, анаэроб шароитда яшашлари (биж-фиш ва анаэроб нафас олиш), хемосинтез (ноорганик бирикмаларни оксидлаш энергияси ҳисобига яшаш) каби жараёнлар шулар жумласидан. Прокариотлар учун тез синтетик жараёнларни амалга ошириш ва тез ўсиш тавсифлайдир. Табиий экологик тизимда замбуруғлар билан биргаликда редуцентлик — органик моддаларни парчаловчилик функциясини бажаради.

Ҳамма прокариот организмлар микроскопик бўлиб, тупроқ бактериялари микронлар билан ўлчанади ($1 \text{ МКМ} = 10^{-3} \text{ мм}$). Уларнинг тузилмалари эса нонометр билан ўлчанади ($1 \text{ нм} = 10^{-6}$). Тупроқдаги фақат 40% бактерияларни ёруғлик микроскоплари билан кўриш мумкин, қолганлари майда бўлгани учун электрон микроскоп билан ўрганилади.



19- чизма.

Бактерияларнинг морфологик шакллари:

- 1-4 — кокклар;
- 5 — сарциний;
- 6 — стафилококклар;
- 7 — бациллалар;
- 8 — спириллалар;
- 9 — вибрионлар;
- 10 — ипсимонлар;
- 11 — спирохеталар.

Прокариотлар дунёси тизими жиҳатидан икки кенжадунёга — археобактериялар ва ҳақиқий бактерияларга бўлинади.

Археобактериялар кенжадунёсига метан ҳосил қилувчи бактериялар: галовил, термофил бактериялари киради. Археобактериялар учун қўйидаги тавсиф белгилар мавжуд: 1) ҳужайра мембраннысида мурамов кислотасининг бўлмаслиги; 2) ўзига хос т РНК ва р РНКнинг бўлиши; 3) ўзига хос ферментларнинг бўлиши; 4) ўзига хос қутублашган липид компонентларининг бўлиши; 5) экологик уяларга одатдагидан ташқари ва ўта юқори даражада мутахассислашганлик.

Вакил. Метаноген бактериялар. Улар торфли ботқоқликларда, анаэроб шароитларда, органик қолдиқлар кўп бўлган жойларда яшайди. Улар бошқа организмлар томонидан бижғиши жараённида ҳосил қилган CO_2 ва H_2 дан метан ҳосил қиласиди. Бу ҳосил бўлган метан, метанотроф бактериялар томонидан ўзлаштирилади. Улар морфологик жиҳатдан калта

ва узун таёқчасимон, спирали, кокк ва сарцинийсимон бактериялардир. Уларнинг ҳозирда 13 тури аниқланган.

Ҳақиқий бактериялар кенжадунёси икки турга — Грамм мусбат бактериялар ва Грамм манфий бактерияларга бўлинади.

Грамм манфий турга фотосинтезни амалга оширувчи, таркибида хлорофилл бўлган — *Proteobakteriata* ва нефт синтезловчи *Scotobakteria* тизими гуруҳлари киради. Фотосинтезни амалга оширувчилар ичидан цианобактериялар муҳим аҳамиятга эга. Булар ичидан кислород ажратмай фотосинтез қилувчи гуруҳлардан пурпур ва яшил бактерияларнинг аҳамияти каттадир. Нефт синтезловчилар ичидан псевдомонадалар муҳим гуруҳга киради.

Грамм манфий бактериялардан бделловибрионлар, азот бактериялар, туганак бактериялари, энтеробактериялар, куртакланувчи бактериялар, микобактериялар алоҳида тизими гуруҳлардир. Улар ичидан морфологик жиҳатдан хилма-хил — пояссимон, спирималар, букланган бактериялар ва спирохета сингари гуруҳлар кенг тарқалган.

Грамм мусбат бактериялар типига спора ҳосил қилувчи таёқчасимон бактериялар ҳамда бир авлод кўп ҳужайрали ипсисимон бактериялар ва микроорганизмлар (актиномицетлар) киради. Уларнинг актиномицетлар гурухини кокксимон, илдизсимон, бактериялар проактиномицетлар ва ҳақиқий актиномицетлар ташкил қиласди. Умуман, улар табиатда кўп бўлсада, турлар сони Грамм манфийлардан анча кам. Улар қуйидаги тавсифли белгиларга эга:

1. Шохсимон моддасидан ташкил топган ҳужайра мемранасига.

2. Агар ҳаракатчан турлари бўлса, уларнинг ҳаракати хивчин орқали амалга ошади ва хивчинлар кўп сонли бўлиб, ҳужайранинг ҳамма жойида мавжуд.

3. Уларнинг ичидан патоген формалар кам, ҳужайра ичидан текинхўрлари, текинхўр формалари йўқ.

4. Уларнинг ичидан автотроф, фото ва хемотроф вакиллари учрамайди.

Грамм мусбат бактериялар ичидан бациллалар ва анаэроб шароитда спора ҳосил қилувчи гуруҳлар муҳим аҳамиятга эга.

Анаэроб шароитда спора ҳосил қилувчилар 4 гурухга ажратилади:

1) целлюлоза, пектин, содда углеводларни, крахмални парчаловчи сахаролитик бактериялар;

2) оқсилларни анаэроб шароитда чиритувчи клостридийлар;

3) азот сақловчи гетероциклик бирикмаларни, пуриналар ва пиromидилларни бижғитувчи пиринологитик бактериялар;

4) органик кислоталарни оксидловчи, сульфат бирикмаларидан акцептор сифатида фойдаланувчи — сульфат парчаловчи бактериялар.

Улар шакли жиҳатидан кокклар ва күп ҳужайрали ипсиз мон бактериялардир (19-чизма). Энг муҳим гурухи — артробактериялардир.

Ишниг бажарилиш тартиби:

1. Табиатдан олинган тупроқ намунасидан, прокариотларнинг соғ култураларидан вақтингчалик препаратлар тайёрланади. Бу препаратлардан прокариот организмларни ёруғлик микроскопида кўриш имконияти бўлган систематик гуруҳларни морфологик тузилиши микроскопнинг катта объективи ёрдамида кузатилади.

2. Културадаги колонияларнинг шакли, катта-кичиклиги, ранглари ва бошқа хусусиятлари белгилаб олинади.

3. Тайёрланган препаратларда бактерияларнинг ҳаракатланиш услублари, таъсиrlаниши кузатилади. Кузатиш натижалари амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

4. Микроскоп орқали ўрганилган намуналардаги тизими ва морфологик гуруҳларнинг шакли чизиб номланади.

2-ИШ. БАКТЕРИЯЛАРНИ КУЗАТИШ УСУЛЛАРИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, ГПА (гўштли, пентонли, агарли қаттиқ озуқа муҳити), ГПБ (гўштли, пентонли, булон — суюқ озуқа муҳити)да ўстирилган бактерия културалари.

Дарс мақсади: бактерияларнинг тўдалар ҳосил қилиш хусусияти билан танишиш.

Бактерияларнинг қаттиқ ёки суюқ озуқа муҳитидаги култураларидан фойдаланиб, уларнинг ўзига хос тўда ҳосил қилиш хусусиятлари ўрганилади. Бунда қўйидаги белгиларга аҳамият берилади:

1) Петри косачасидаги тўданинг диаметри 10 мм.дан катта бўлса, йирик тўда деб белгиланади. Агар тўданинг диаметри 1 мм.дан 10 мм.гacha бўлса, ўртача катталикдаги тўда деб белгиланади. Агар озуқа муҳитидаги бактериялар тўдасининг диаметри 1 мм.га етмаса озуқа муҳитида нуқталар ҳолида бўлса, кичик тўда деб белгиланади;

2)бактериялар тўдасининг профилига қараб эса қўйидагиларга аҳамият берилади: тўда шакли бўртган, конуссимон, силлиқ, воронкасимон;

3)тудалар четларининг шакли: текис, панжасимон, тўлқинсимон, тишчали, ҳошиясимон, бодомсимон;

4) бактериялар тўдасининг тепа қисми шакли: силлиқ, дўнгчали, бурмали, ажинсимон ва ҳоказо;

5)бактерия тўдасининг ранги ва ҳолати: ярқироқ, тиник, ҳамирсимон, дағал-донадор, шиллиқли, суюқ, ёпишқоқ ва ҳоказо.

Бактериялар кузатилаётганда уларнинг шу юқоридаги белгиларига аҳамият берилади ва тавсифланади. Тўдалар микроскопнинг кичик объективи орқали кузатиб тавсифланади. Тирик ҳолатдаги бактериялар морфологияси эса «эзилган томчи» усулида препарат тайёrlаб ўрганилади. Бунда кузатиш микроскопнинг катта объективида (90^x) олиб борилади.

Бактерия хивчинларининг шакли, споралар, ҳужайравий киритмаларни фиксация ва бўяш усулидан фойдаланиб кузатилади.

Уларнинг нозик ҳужайравий тузилишини ўрганиш учун қўйидаги фиксаторлардан фойдаланилади: сувсиз металл спирт (5 дақиқа), 96%ли этил спирти (5 дақиқа), этил спирти ва эфир аралашмаси (20 дақиқа), кануа фиксатори (15 дақиқа), (етил спирти – 60 мл, хлороформ – 30 мл, сирка кислотаси – 10 мл). Бўёқларнинг қўйидаги турларидан фойдаланиш мумкин: метил қўки, фуксин, Грамм бўёғи.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Петри юсачасида ўстирилган қаттиқ ёки суюқ озуқа муҳитидаги бактерия тўдаларини юқорида берилган белгилар бўйича тавсифланг.

2. Ҳар бир ўзига хос тўдалардан фиксациялаш ва бўяш усулида препаратлар тайёрланг ва бактерияларнинг морфологик тузилиши, шакли ва уларнинг хивчинлари жойланишининг ҳаракатланишини микроскоп остида ўрганинг.

3. Кузатув натижаларини амалий машғулотлар дафтарига ёзинг, тасвирини чизиб номланг.

3-ИШ. БАКТЕРИЯЛАРНИ ВИНОГРАДСКИЙ-ШУЛГИНА УСУЛИДА ҲИСОБГА ОЛИШ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, тарози ва тошлар, ҳажми 250 мл.лик колбалар, тигел резинка, соп тўқмоқчаси, дисцилланган сув, томизгичлар, микробиологик илмоқ (петля), 0.1% агар эритмаси, тупроқ намунаси, 96% спирт осмий кислотаси, карболли эритрозин бўёғи (микроскопнинг иммерсион объективидан фойдаланилади).

Дарс мақсади: турли биотоплардан олинган тупроқдаги бактериялар миқдорни ҳисоблаш ва тупроқ биотасидаги бактерияларнинг миқдорий зичлиги тўғрисида хulosалар чиқариш.

1. Тупроқ намунасидан 5 грамм тортиб олиб, 250 мл. ҳажмлик колбага солинади ва унга 45 мл стерилланган сув куйилади. Аввал тупроқни резинка сопи билан тигелда яхшилаб эзиб олингандан кейин тарозида тортиш керак (эзиш 5 дақиқа давом этади). Тупроқ сувли колбага солиниб, 5 дақиқа давомида силкитиб турилади. Ҳосил бўлган тупроқ эритмаси 1-2 соня тингандан кейин пипетка билан 1 томчи олиниб яхши тозаланган буюм ойнасига томиздирилади. Томизгичда томизиш тез ва илдам амалга оширилиши керак, бунда томизгичда эритма қолмаслиги лозим. Тупроқ эритмасини томиздириш билан бир пайтда бошқа томизгичда тезда 1 томчи 0.1 % агар эритмаси намуна устига то-

миздирилади. Тупроқ эритмаси тахминан 8 см жойни эгаллаган ҳолда бир хил қалинликда суртилади. Шундан сүнг, препарат 96 % спиртда ёки осмий кислотасининг буғида фиксацияланади ва 1 соат давомида карболли эритрозин билан бўялади. Бир соатдан кейин буюм ойнаси стакандаги сувга ботирилиб ортиқча бўёги ювиг юборилади. Бактериялар сони иммерсион объектив (90 \times) ёрдамида саналади. Препарат бир пайтда 5 та буюм ойнасига баробар қилиниши керак. Ҳисобланганда бешта буюм ойнасидаги бактериялар саналиб жамланади. 1 г тупроқдаги бактерия ҳужайраларининг сони қуйидаги формула билан ҳисоблаб топилади:

$$\frac{A \cdot 8 \cdot 10^9 (P \cdot 100)}{B \cdot V \cdot \Gamma}$$

бунда, А — бешта буюм ойнасида саналган бактерия сони;

Б — микроскопнинг кўриш сатҳи (MKM^3); ПГ² фомула орқали ҳисобланади;

В — томизилган тупроқ эритмаси (мл);

Г — микроскоп кўриш сатҳида ҳисобланган бактериялар сони;

Р — тупроқнинг нисбий намлиги (%).

2. X. Кон ва С. П. Виноградский тавсиясига кўра олинган тупроқ намунаси яхши эзилгандан сүнг кислотали бўёқ билан бўялади, бундан кейин тўғридан-тўғри бактерияларни санаш мумкин. Бунда тирик организмлар кислотали бўёқларни яхши қабул қиласи (бўялади), тупроқ заррачалари бўёқни кам шимади. Микроскопнинг катта объективи билан маълум миқдор тупроқ тортмасидаги бактерияларни тўғридан-тўғри шу усулда ҳисобласа бўлади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиатда мавжуд бўлган турли тупроқ турларидан олинган намуналардан тупроқ суспензияси тайёрланади. Ҳар бир кичик гуруҳ талабалари ундан вақтинчалик препаратлар тайёрлайди ва тупроқ бактерияларини ҳисоблаш ишларини бајарадилар.

2. Гурух бўйича ҳар бир кичик гурух ишлаб чиққан иш натижалари эшитилиб умумлаштирилади. Натижалар тупроқ турлари бўйича қиёсланади. Олинган хулосалар умумлаштирилиб, амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

3. Олинган намуналар бўйича бактерияларнинг миқдор зичлиги ҳисоблаб топилади.

4. Таққослаш учун тупроқ намунасидаги бактерияларни ҳисоблаш ҳар иккала усулда бир пайтда олиб борилади.

16-МАШФУЛОТ

УГЛЕРОДЛИ БИРИКМАЛАР ЎЗГАРИШИДА ТУПРОҚ МИКРООРГАНИЗМЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Дарс жиҳозлари: 1) крахмал ўзлаштирувчи организмларни ўрганиш учун тайёрланган тупроқ эритмаси қўшилган агарли озуқа муҳити, йод;

2) пектин парчаловчи микроорганизмлар кўпайтирган култура;

3)аэроб шароитда целлюлоза парчаловчи микроорганизмнинг қора ва бошқа тупроқ турларидаги култураси ёки Гатчинсоннинг тўпловчи озуқа муҳитидаги култура.

Дарс мақсади: табиатда кенг тарқалган азотсиз органик бирикмаларни парчаловчи микроорганизмлар билан танишиш.

Ўсимликлар таркибидаги мураккаб азотсиз органик бирикмалар тупроққа гемицеллюлоза, пектин, крахмал, клетчатка (целлюлоза), лигнин, оз миқдорда мой, мўм ҳамда углеводлар ҳолатида қўшилади.

Крахмал ўсимликнинг захира полисахарид моддаларидан бўлиб, ўсимликнинг уруғи, илдиз меваси, пиёзбошлари, туганакларидаги миқдори 70-80% гача етади. Ўсимлик крахмали икки хил полисахаридлардан — амилаза ва амилопектинданд ташкил топади. Крахмалнинг ҳужайрадан ташки муҳитда микроорганизмлар ажратиб чиқарган амилаза

ферменти билан декстринлар малтоза, малтотриоза ва глюкозага парчалайди. Амилазин-В, глюкоамилаза деб аталувчи хиллари бор, улар турлича хусусиятларга эга. Масалан, акмилаза күпчилик замбуругларда турушлардан ва липомицетлардан ажралиб чиқиб, аэроб шароитда CO_2 ажраб чиқиши билан боради.

Пектин ўсимликлар ҳужайралараро моддасининг оралиқ пластинкаларини ташкил қиласиди. Улар ўсимлик ҳужайраларага пишиқлик беради. Пектин мева ва резаворлар таркибида кўп бўлади. Масалан, Антонов олмасида 30% пектин бор. Пектин — сувда эримайдиган протопектин ва эрувчан пектин аралашмасидан иборат. Пектин кўп микроорганизмлар — фитопатоген замбуруглар, бактерияларни парчалайди. Улар ўзларидан ферментлардан протопектиназа, пектиноэстеразалар ажратиб чиқариб, пектиндан метанол ва эркин пектин кислота ҳосил қиласиди. Пектин микроорганизмлар таъсирида парчаланиш, микробиологик усулда луб толаларига — каноп ва зифирдан табиий тола олиш учун ишлов беришда қўлланилади. Бу жараёнда 80 турдан ортиқ замбуруглар иштирок этади. Жумладан, бактериялардан *Clostridium* авлодга мансуб *Cl. Pectinourum*, *Cl. felsineum* турлари анаэроб шароитда пектинга кучли таъсир қиласиди. Тупроқ микроорганизмларидан олинган пектологик ферментлар мева ва полиз маҳсулотларини консервалашда ишлатилади. Пектинолитик ферментлар табиий тола (каноп, зифир) олиш саноатида ҳозирги пайтда кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Целлюлоза юксак ўсимликлар томонидан синтезланадиган бирикма бўлиб, бу модданинг 40-70% клетчаткага тўғри келади. Пахта ва каноп толасида 80-95% целлюлоза бор. Целлюлозанинг парчаланиши натижасида гумус моддаси ва тупроқ тузилма ҳосил бўлади. Тўшалмалар таркибидаги целлюлозани парчаловчилар асосан замбуруглар бўлиб, улардан сапрофитлар *Trichoderma viride*, *Chaetomium globogum*, *Myrothecium verrucuia*, *Penicillium* ва *Aspergillus* авлодининг вакиллари ўзларидан ташки мухитга целлюлоза парчаловчи ферментларни чиқаради.

Кавшак қайтарувчи ҳайвонлар, термитлар ток шиллик-куртлари, баргхўр қўнғиз личинкаларининг овқат хазм қилиш йўлларида содда ҳайвонлар турига мансуб целлюло-

зани ўзлаштирувчи ферментлар чиқара оладиган ҳайвонлар яшайди ва улар томонидан целлюлоза парчаланади.

Ишнинг бажарилиши тартиби:

1. Крахмал, пектин ва целлюлозанинг парчаланишида иштирок этувчи микроорганизмлар қултурасидаги тупроқ доначалари, картошка бўлакчалари, филтр қофози атрофида ҳосил бўлган ранг ўзгаришлари тўпланган маҳсулотлар кузатилади ва белгилаб олинади.

2. Крахмални ўзгаришга учратадиган қултурада тупроқ доначалари атрофида тиниқ суюқликлар ҳосил бўлганлиги кузатилади, айни шу жойдан микробиологик илмоқ ёки пипетка билан намуна олинади. Олинган намунадан вакチンчалик препарат тайёрланиб, у ердаги замбуруғлар, турушлар, липомицетлар кузатилади ҳамда тизими жиҳатидан аниқланади.

3. Пектиннинг ўзгаришига сабабчи бўлган микроорганизмлар картошка қайнатмасидаги қултурадан намуналар олинниб, микроскоп остида бўяб тайёрланган препарат ёрдамида ўрганилади.

4. Гатчинсоннинг тўпловчи озуқа муҳитида ўстирилган целлюлозани парчаловчи микроорганизмлар фиксациялаш ва бўяш усули билан тайёрланган препаратлардан ўрганилади ва аниқланади. Хуносалар амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

17-МАШГУЛОТ

АЗОТЛИ БИРИКМАЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИДА ИШТИРОК ЭТUVЧИ МИКРООРГАНИЗМЛАР

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналар, бўёқлар. Қултуралардан: азот тўпловчи азотбактерияларни, туганак бактерияларни, аммонификатор, нитратфикатор ва нитрат бирикмаларни парчаловчи бактерияларнинг қултуралари.

Дарс мақсади: азотли бирикмаларнинг ўзгаришида иштирок этувчи микроорганизмлар билан танишиш.

Турли агроценозлардаги ўсимликлар микроорганизмлар ёрдамида гумус таркибидан бўшалган аминокислоталар таркибидаги азотни ўзлаштиришдан ташқари, минерал ўғитлар қуришида тупроққа солинаётган азотли бирикмаларни қўшимча ўзлаштиради. Ўсимликлар биомассасига бактериялар ёрдамида қўшилаётган молекуляр азот биологик йўл билан азот бириктирилиши деб номланади. Ана шу молекуляр азотни бириктириб олувчи организмларни азотфиксаторлар (азот тўпловчилар) дейилади.

Азотфиксация жараёни азотнинг ўзгаришидаги ҳамма жараёнлар ичida муҳим буғини ҳисобланади. Азот тўпловчи организмларни ўсимлик билан бўладиган муносабатига қараб икки хил алоқа тури — симбиотик ва симбиотик бўлмаган турлари мавжуд.

Бу грухлар ичida туганак бактериялар муҳим аҳамиятга эга. Туганак бактериялар кўп ҳолатларда дуккақдош ўсимлик илдизларида симбиотик асосцияцияларни ҳосил қилади, бу бактериялар йилига гектарига 60 кг.дан 300 кг.гача азот тўплайди. Ҳозирда аниқланган 13 минг тур дуккақдош ўсимликлардан 200 тури қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Туганак бактерияларнинг саноат препарати биринчи бўлиб 1896 йилда Германияда олинди ва нитрогином деб номланди. Бу препарат 1906 йилда Англияда ва 1907 йилда АҚШда олинди. 1930 йилларда Чехословакияда нитрозон, Австралияда нитрофикс, собиқ СССРда ризобин, ризоторфин деб номланган туганак бактерияларнинг препаратлари ишлаб чиқилди.

Таркибida азот сақловчи органик моддаларни минераллашуви туфайли аммиак ажраб чиқиш жараёни аммонификация дейилади. Бунда оқсил ва унинг ҳосилалари пентидлар, аминокислоталар, нуклеин кислоталари ва уларнинг дериватлари — пурин, пиromидин асослари, мочевина ва сийдик кислотаси, азот сақловчи полисахаридлар, хитин ва гумус кислотасининг ўзгариши тушунилади. Одатда оқсилларнинг аммонификацияси чириш дейилади, бунда микроорганизмлар чиқарадиган протеаза ферменти иштирок этади. Аммонификацияни тупроқда актиномицетлар ва замбуруглар амалга оширади. Бунда, жумладан, бактериялардан *Pseudomonas* ва *Bacillus* авлодларининг вакиллари иштирок қиласи.

Хитин парчалашда хитиназа ферменти иштирок этади. Бу ферментни актиномицетлар, замбуруғлар ва айрим бактериялар ишлаб чиқиб, хитиннинг парчаланишида қатнашади.

Тупроқда нитрат бирикмаларини синтез қилиш жараёни интрофикация дейилади. Бу жараён икки босқичда амалга ошади. Биринчи босқичда, азотнинг оксидланиши ва нитратларнинг ҳосил бўлиши; иккични босқичда, нитратларнинг вужудга келиши. Биринчи босқични амалга оширишда нитрат бактериялардан *Nitrosomonas* авлодига мансуб *Nitrosomonas europea* қатнашади. Иккинчи босқида бактериялардан *Nitrobacter* авлодига мансуб турлари иштирок этади. Ҳозирги пайтда тупроқдаги нитратларнинг биологик йўл билан тикланиш жараёни денитрофикация деб аталади.

Бу жараён биологик йўл билан амалга ошганда тикланиш газ ҳосил бўлиши билан якунланади. Дендрофикация жараёни икки йўналишда — тўғридан-тўғри дендрофикация ва воситали дендрофикация йўналишида бўлиши мумкин.

Дендрофикация жараёни анаэроб шароитда микроорганизмлар иштирокида амалга ошиб, нитрат ва нитрит бирикмларининг таркибидаги азотларни газсимон формада $\text{NO}_1 \text{N}_2\text{O}_1 \text{N}_2$ ажралиши билан якунланади. Дендрофикация жараёни туфайли йилига 270–330 миллион тонна N₂ ва бошқа азот оксидлари ажраб чиқади. Дендрофикацияни амалга оширувчилардан ўсимлик ризосфера сатҳида псевдомонадалар кенг тарқалган. Жумладан, *Ps. aeruginosa*, *Ps. fluorescens*, *Ps. stutzeri* кабилар кўп учрайди.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Олдиндан тайёрланган культураларни диққат билан кузатиб, ундаги азотли бирикмаларни ўзгаришида иштирок этувчи микроорганизмларнинг фаолияти натижасида озуқа муҳити ҳосил бўлган ўзгаришлар аниқланади. Культуралаги микроорганизм тўдаларнинг шакли, ҳосил бўлаётган ранг ўзгаришлари, ажратилаётган газсимон моддаларнинг ҳиди аниқланиб, амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

2. Культуралардаги ўзгаришга учраган озуқа муҳити қисмидан намуналар олиниб, микроскоп учун бўялган препа-

ратлар тайёрланади ва улар микроскопнинг катта объективи (90°)да кузатилади.

3. Ҳар бир жараён учун тавсифли бўлган турларнинг вегетатив формалари шакли чизилади ҳамда номланади.

Културалардаги аниқланган турларнинг препаратлари ёрлиқланади ва келгусида ишлатиш учун сақлаб қўйилади.

18-МАШФУЛОТ

ОЛТИНГУГУРТ БИРИКМАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, бактерияларни бўяш учун ишловчи бўёклар. Олтингугуртни оксидловчи, тикловчи, парчаловчи тион бактерияларнинг културалари.

Дарс мақеади: тупроқ биотасидаги олтингугурт бирикмаларининг ўзгаришида иштирок этувчи организмлар билан танишиш.

Тупроқда олтингугурт оқсиллар таркибидаги айрим аминокислоталар, витамин молекулалари, коферментлар ўсимлик ёғлари таркибига киради. У муҳим биоген элементлар қаторида туриб ўсимликлар таркибида 0,02 % дан 1,8% гача, одам организмида 0,4% га яқин қисмини ташкил қиласди. Олтингугурт бирикмалари муҳим метаболитик жараёнларда, масалан, нитрогеназа, нитроредуктоза ферментлари таркибига кириб, азотнинг ўзгарувида, унинг тўпланиш ва тикланиш жараёнида иштирок этади. Тупроқда олтингугурт ноорганик моддалар таркибига ундан эса яна ноорганик моддалар таркибига ўтиб туради. У тупроқда оксидланган ҳолда сулфатлар, политионитлар тикланган ҳолда сулфатлар ва камроқ молекуляр ҳолда тарқалган бўлади. Ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизм қолдиқларининг парчаланиши натижасида олтингугурт сақловчи аминокислоталар, тиоспиртлар, тиофеноллар, тиоэфирлар, тероциклик бирикмалар таркибида оксидланган шаклда бўлади.

Олтингугуртни ноорганик ва органик моддалар таркибидан оксидлаш ва қайтариш жараёнлари аэроб ва аноэроб шароитларда турли микроорганизмлар иштирокида боради. Күпинча оксидланиш жараёнлари прокариот организмлардан — рангиз бактериялар, тион, термоацидофил архебактериялар иштирокида боради.

Фотосинтез қылувчи бактериялар рангиз бактериялардан фарқли үлароқ, анаэроб шароитда яшайды. Улар ўз хужайраларида бактериохлорофиллни сақлаб, қизил-яшил рангларга эга бўлади. Пурпур ва яшил бактериялар буларнинг вакиллари дид.

Тион бактериялари хемолитоавтотроф бактериялар бўлиб, олтингугурт оксидланишининг реакциясидан чиқкан энергияни хемосинтез учун сарфлайди.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Тупроқ биотасидаги олтингугуртли бирикмаларни ўзгартирувчи микроорганизмларнинг турли културалари диққат билан кузатилади. Унда озуқа муҳитидан ажралиб чиқаётган газлар, ранг ўзгаришлари ва бошқа ҳолатларга аҳамият берилади. Ўзгаришлар амалий машгулотлар дафтарига қайд қилинади.

2. Ҳар бир културадан намуналар олиниб, улардан микропрепаратлар тайёрланади. Микроскопнинг катта объективида бактерияларнинг шакли, ҳаракати, тузилиши кузатилиб, шакли чизиб олинади ва номланади.

3. Зарур деб ҳисобланган микроорганизм турларининг препаратлари ёрлиқланади ва келгусида фойдаланиш учун сақлаб қўйилади.

19-МАШГУЛОТ

ФОСФОРЛИ, ТЕМИРЛИ ВА АЛЮМИНИЙЛИ БИРИКМАЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, микробиологик илмоқ ёки тўғрилагич ниналар Г. С. Муромцев тажрибаси учун ўстирилган култура.

Дарс мақсади: тупроқда фосфорли, темирли, алюминийли бирикмаларнинг ўзгаришига сабаб бўлувчи микроорганизмлар билан танишиш.

Табиатда фосфор ҳаётий зарур биоген элементлардан бўлиб, ҳужайралардаги муҳим оқсил ва нуклеин кислоталар таркибиغا киради. Тупроқдаги фосфор манбалари — ўсимлик тўғридан-тўғри қабул қила оладиган органик ва ноорганик моддалардир. Улар тупроқда қийин эрийдиган ва эримайдиган минераллар кўринишида бўлади. Йилда тупроққа солинаётган минерал ўғитлар таркибидаги фосфорнинг фақат 15-20% ни ўсимликлар ўзлаштира олади. Ўғитлар таркибидаги азотнинг 50%, калийнинг 60-70% ни ўсимлик ўзлаштира олишига фосфорнинг ўзлаштирилишини таққосласак бу кам кўринади.

Табиатда фосфор сақловчи органик бирикмалар фитин, фитат, нуклеин кислота, фосфолинидлар, гексафосфатлар кўринишида захираланади. Бундан ташқари, тупроқда гумус, торф, гүнг, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари таркибida фосфор сақловчи органик моддалар бўлади.

Фитин инозитфосфор кислотасининг тузи бўлиб, ишқорли тупроқларда темир ва алюминий тузлар кўринишида, нейтрал тупроқларда калций ва магний тузлари кўринишида учрайди. Тупроқдаги микроорганизмларнинг фитаз ферменти таъсирида фитин таркибидан 6 молекула фосфат кислота ажралади.

Фосфолипидлар (лейцитин) фосфат кислотанинг мураккаб эфири бўлиб, цитоплазматик мембрана таркибиغا киради. Улар микроорганизмларнинг фосфолипаза ферменти таъсирида парчаланади.

Нуклеин кислоталар (РНК, ДНК) таркибida ҳам фосфор кислота қолдиқлари сақланади, улар тупроқ микроорганизмларининг нуклеаза ферменти таъсирида парчаланади.

Таркибida эримайдиган фосфор сақловчи ноорганик бирикмалар калций, марганец, темир алюминий тузлари ҳисобланади. Экинларга фосфорли ўғитлардан фосфорит ва апатитлар солинади. Улар органик ҳамда ноорганик кислоталар таъсирида парчаланади. Табиатда бундай кислоталарни нитрофикаторлар ва тион бактериялари ишлаб чиқаради.

Фосфорли бирикмаларнинг актив парчаланиши ризосфера да гетеротроф бактериялар ёрдамида амалга ажралиши кам миқдорда содир бўлади.

Литосфера таркибидаги металлар миқдори жиҳатидан темир иккинчи ўринда туради. Темир табиатда 300 га яқин минералларни ҳосил қиласди. Темир турли тупроқлар таркибидаги 4-7%гача қизил тупроқлар таркибидаги 8-17% гача темир бирикмаларини сақлади. Тупроқдаги темир бирикмаларнинг ўзгариши тўғридан-тўғри ва воситали тупроқ микроорганизмлари ёрдамида амалга ошади, улар темир бактериялари деб аталади. Ҳозирда бу ибора уйғунлашган микроорганизмлар грухси сифатида қаралмоқда. Темир бирикмаларини ўзлаштирувчи бактерияларни — ипсимон бактериялар, флексобактериялар, бир ҳужайрали бактерияларнинг бир неча авлодлари микоплазмалар, цианобактериялар ташкил қиласди.

Ҳамма темир бактерияларини автотроф ва гетеротроф гуруҳларга ажратиш мумкин.

Гетеротроф темир оксидловчи бактериялардан ипсимон темир бактериялари, яъни шиллиқ филофли, Грамм мусбат бактериялар гуруҳини кўрсатиш мумкин.

Марганец тирик организмлар учун энг зарурий микроэлементлар гуруҳига киради. Унинг бирикмалари миқдори литосферада 0.1% тупроқда марганецнинг пиролюзит минерали ва марганецнинг турли валентли бирикмалари ҳолда учрайди. Табиатда марганец бирикмларини тўпловчи ва оксидловчи *Metallogenium* авлодига мансуб турлар тарқалган.

Алюминий ер шарида кенг тарқалган элементлардан бўлиб, у табиатда тарқалиши бўйича кислород, кремнийдан кейин учинчи, металлар ичидаги биринчи ўринда туради. Аллюминий ўзлаштиришнинг қўйидағи жараёнлари бор:

1) Унинг бирламчи-иккиламчи минералларининг парчаланиши.

2) Алюминоорганик бирикмалрнинг минераллашуви.

3) Алюминий гидрооксидик кўринишида тўпланиши.

Бу жараёнларнинг ўтишида кўпгина микроорганизмлар қатнашади. Масалан, микроплазмалар (*Metallogenium* авлоди), замбурууглардан *Penicillium* авлодига мансуб тарлар билан симбиозликда алюминий ва темир бирикмаларини ўзлаштиради.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Олдиндан тайёрлаб қўйилган културалардаги озуқа муҳитида ҳосил бўлган ўзгаришлар кузатилади. Ҳосил бўлган ўзгаришлар аниқланиб, тавсифланади ва амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади.

2. Културадаги микроорганизмлар эгаллаган тўдаларнинг хусусиятлари, ўлчами, ҳолати, ранги кузатилади. Айни бир-биридан фарқланувчи тўдалардан бўялган препаратлар тайёрланиб, микроскопнинг катта объективида кузатилади ва тузилиши ўрганилади. Шакл чизилади ва номланади.

3. Ҳар бир кимёвий элемент бирикмаларининг ўзгаришига сабаб бўлувчи микроорганизмлар гуруҳи тўғрисида тавсифнома тайёрланади.

4. Тайёрланган микропрепаратлар келгусида фойдаланиш учун ёрлиқланади.

20-МАШГУЛОТ

ЎСИМЛИК ТЎШАЛМАЛАРИНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА ЎЗГАРИШИ

Дарс жиҳозлари: метр, линейка, пинцетлар, тарози ва тошлар, бинокуляр микроскоплар, стол ва қўл лупалари, 4 %ли формалин эритмаси, шиша банкалар (0.5 л, 1 л ҳажми), Петри косачалари. Дарс табиатда, мевали боғ ёки ҳиёбон дараҳтзорида ўтказилади.

Дарс мақсади: ўсимлик тўшалмасининг ҳосил бўлиши, унинг таркиби ва қатламларининг ўзига хос фаунаси, унинг ўзгаришига учраш жараёнлари билан танишиш.

Тупроққа тушадиган органик моддаларнинг катта қисмини юксак ўсимликларнинг йиллик қуриб тўкилаётган қолдиқлари ва уларнинг тириклигига ажратиб чиқараётган моддалар ташкил қиласиди. Кўпчилик олимларнинг ҳисоблашибча, ер шарининг қуруқлик қисми йилига $115-117 \cdot 10^9$ тонна фитомассаси ҳосил қиласиди, шунда $20 \cdot 10^9$ тоннагача маҳсулот тупроққа ўсимлик тўшалмаси сифатида тушади. Бундан ташқари, табиий шароитда йиллик ҳосил бўлаётган фитомассасининг 6-20% турли ҳайвонлар томонидан озуқа

сифатида истеъмол қилинади ва чиқинди сифатида тупроққа тушади. Масалан, кемирувчи ҳайвонлар ўзи яшаётган жойдаги ўсимликларнинг 30-50% гача устки қисмини умуртқасиз ҳайвонлар тупроқ қатламларига ўтказади. Тирик ўсимликларнинг мавсум бўйича ҳосил қилаётган органик моддаларининг 30-40% илдиз тизими орқали тупроққа ажралади. Ўсимликларнинг илдизлари ва айниқса, илдиз тукчалари ўсиш билан бир пайтда ўсимликнинг тупроқ ости қолдиқларини ҳосил қиласди.

Ўсимлик тушалмаларининг катта қисми тупроқнинг юзасида тўпланиб, тўшалма қатламларини вужудга келтиради. «Ер ости» қатламидаги тўшалма таркиби жиҳатидан ўсимликларнинг ўлган вегетатив-генератив органларидан, яъни пўстлоқ, барглар, шох-шаббалар, гул, меваларидан ташкил топади. У турли ўсимликларда турлича тартибда ҳосил бўлади. Масалан, нина баргли ўсимликларда қуриган баргларнинг алмашинуви оқибатида йил давомида бўлса, кенг баргли ва майда баргли ўсимликларда мавсумий кузги хазонрезгилик мавжуд бўлиб, шу даврда ўсимлик тўлиқ яланғочланади ва катта фитомасса шаклида тупроқ устида тўпланади. Бундай ўсимликларда пўстлоқлар, гул органлари, қуриган шох-шаббаларининг тўкилиши бошқа фаслларда кам миқдорда бўлиб туради. Тўшалмалар қатлам-қатлам тўпланади ва ҳар бир қатлами ўзиға ҳос ҳусусиятга эга бўлиб, вертикал бўйича энг устки қават тўкилган барглардан ташкил топади ва L билан белгиланади, ўрта қават F билан белгиланиб, ферментлашган қават ҳисобланади, энг остки гумуслашган қават H билан белгиланади. Бу қатламлар қуйидаги ҳусусиятларга эга. L қатлами қулай қатлам ҳисобланиб, бу ерда экологик жиҳатдан хилма-хил организмлар яшайди. Уларнинг активлиги мавсумий ҳусусиятга эга. Бу қатламда микроорганизмлардан эпифит организмлар — спора ҳосил қилмайдиган бактериялар, турушлар, замбуруғлар — *Aureolasidium pullulans*, микромицетлар, қалпоқчали замбуруғлардан — *Marosmius*, *Mycena*, *Collybia* авлодлари, нематодалар, коллемболалар ва қалқонли каналар учрайди. L қаватида содда углеводлар, пектин ва оқсиллар ўзгаришга учрайди.

Ўрта — F қаватида кўп микроорганизмлар яшагани учун фаол биологик жараёнлар боради. Бу қатламда яшовчи

организмлар турли-тумандир. Масалан, базидияли замбуруғлар целлюлозани парчаловчи такомиллашган замбуруғлардан *Chaetomium*, *Trichoderum*, *Mycodena* авлоднинг турлари шулар жумласидандир. Улар билан қандсимон моддаларни ўзлаштирувчи туруш, мукорсимон замбуруғлар билан бактерияларни учратиш мумкин. Бу қатламда макроспоридиялар, коллемболалар, каналар яшайди. Шу қатламда целлюлоза, пектин, хитин, лигнин сингари органик моддалар парчаланади ва гумус моддалари синтезланади.

Энг пастки — Н қаватида учровчи организмларнинг камайиши сезилади, улардан айниқса, замбуруғлар камаяди. Бу қатламда асосан гумус сапротрофлари, бактериялардан спора ҳосил қилувчиларнинг кўп сонли турлари учрайди. Бу қатлам органик моддаларни тўлиқ парчаланиши натижасида гумус моддаларнинг мураккаб ўзгариши вужудга келади. Н қатламида ёмғир чувалчанглари ва бошқа умуртқасиз ҳайвонларнинг чиқиндисида яшовчи актиномецитлар кенг тарқалган. Бу қатламни минераллашган қатлам билан алмашинуви туфайли айни қатламда яшовчи микроорганизмларнинг экологик ва таксономик гуруҳлари чуқур алмашади. Қатламлар бўйлаб умуртқасиз ҳайвонларнинг тўшалма экологик гуруҳлари, тўшалма-тупроқ ва унинг остида, тупроқда яшовчи экологик гуруҳлар билан алмашади.

Шундай қилиб, тўшалманинг ҳосил бўлиши ва унинг ўзгаришга учраш тезлиги З омилга:

- 1) тўкилаётган ўсимликлар материалига;
- 2) сув ва иссиқлик таркибига;

3) шу қатламларда фаол яшовчи органик моддаларни парчаловчилар (редуцент) жамоасининг биологик фаолликлари ҳамда миқдорига боғлиқ.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

Гуруҳ талабалари олдиндан тақсимланган кичик гуруҳлар тарзида ишлайдилар. Ҳар бир кичик гуруҳ иложи борича алоҳида яшаётган кенг ва майда баргли бирор ўсимликни (чинор, қофоз дарахти, ёнғоқ, олма ва ҳоказо) танлайди ва қуйидаги ишларни амалга оширади:

1) Танланган дарахтнинг тўшалмаси эгаллаётган майдон юзасини аниқлаш. Бунда айни дарахтнинг қутблар бўйича

тарқалиб, четга түкілған вегетатив қолдиги (барги) чегара сифатыда олиниб ҳисобланади. Масалан, дарахтнинг шимолдан-жанубга 8 м жойгача хазонлари тарқалиб, ғарбдан-шарққа томон 10 м.гача жойни эса тұшалмаси әгаллаган бұлсин. Шунда бу дарахт тұшалмаси әгаллаган майдон $8 \times 10 = 80 \text{ m}^2$ бұлади (бунда тұшалма йиғишириб олинмагани ва шамол йұналишига ақамият берилади)

2) Айни дарахт тұшалмаси әгаллаган юза икки диагонал бүйича 3-5 жойдан $0,25 \text{ cm}^2$ ёки 1 m^2 дан намуна олиш жойи танланади. Ҳар бир A, B, В ва ҳоқазо намуналардаги F, H қатламлар тұшалмаларнинг таркиби ёзилиб, алоқида тортиб олинади. Ҳар бир қатламдаги ҳайвонлар жамоаси фиксаторлы идишга йиғилади, үзгаришга учраётган үсимлик органды пергаментли пакетта солиб, намуналар лабораторияда үрганиш учун ёрлиқланади.

3) Олинган намуналар қатлам бүйича жамланади. Масалан, A, B, В, С майдончалардаги L қатлами тұшалмалар миқдори.

A, B, В, С майдончалардаги F қатлами тұшалмалар миқдори.

A, B, В, С майдончалардаги H қатлами тұшалмалар миқдори. M_1, M_2, M_3 жамланиб, кузатилған 1 m^2 жойдагы тұшалманинг үртаса массаси

$$M_{YMI} = M_1 + M_2 + M_3 \text{ формула билан, үртаса қиймат эса}$$

$$M_{yp} = \frac{M_{ym}}{3} \text{ формула билан ҳисоблаб чиқарилади.}$$

4) Текширилаётган дарахтнинг йиллик умумий тушалма миқдори — M ни топиш учун намунадаги үртаса дарахт тұшалмасини тұшамка әгаллаган юзага күпайтирамиз $M_{imi} = M_{yp} \cdot S$ бунда нисбий ҳолатдаги битта дарахтнинг йиллик тұшалмаси аниқланади.

5) Ҳар бир намунани қатламлар бүйича топилған ҳайвонларнинг микроскоп остида тузилиши үрганилади ва ти-зими жиҳатдан аниқланған турларининг миқдор зичлиги ҳисобланиб, натижалар амалий машғулотлар дафтариға қайд қилинади.

6) Аниқлашга улгурмаган намуналар лаборатория шароитида кейинги машғулотларда аниқланади.

7) Ҳар бир кичик гурух бажарган ишининг натижалари гурух олдида муҳокама этилади, зарур деб топилган кичик гурух ишларини бошқа гуруҳлар ҳам амалий ишлар дафтарига ёзиб олади.

21-МАШФУЛОТ

ТУПРОҚДА ГУМУС МОДДАЛАРИНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА ПАРЧАЛАНИШИ

Дарс жиҳозлари: микроскоплар, буюм ва қоплагич ойналари, гумус моддаларининг парчаланишини аниқлаш учун тайёрланган Теппер култураси, бўёқлар, томизгич, тўғрилагич ниналар, табиатдан олинган гумус намуналари.

Дарс мақсади: ўсимлик тўшалмаларидан гумус моддаларини ҳосил бўлиши ва уни парчаловчи микроорганизм гуруҳлари билан танишиш.

Юксак ўсимлик қолдиқлари тўшалма ҳосил бўлиш жараёнида тупроқнинг юза қатламида тўшалма кўринишида катта миқдорда озуқа моддалар тўпланиб қолади. Улар турли омиллар таъсири остида парчаланиб, тупроқ таркибига гумус моддаси кўринишида ўтади. Гумус моддалари ўз навбатида тупроқ унумдорлигини белгилайди. Гумус моддалари тупроқнинг юқори молекуляр моддалари бўлиб, уларнинг кўпроқ қисмини органик кислоталар ташкил қиласиди. Улар тупроқдаги захира органик моддаларнинг 90% ни ташкил этади. Энг кўп гумус сақловчи тупроқ — қора тупроқли ўтлоқи чўл тупроқлариdir. Тупроқда гумус ҳосил бўлишини тадқиқ этишининг З хил йўналиши мавжуд: экологик биокимёвий ва микробиологик.

Р. Мюллер гумусларни З турга бўлиб, мул, модер ва мор турларини тавсиф берган. Унинг фикрича, гумус ҳосил бўлишида бир томондан органик ва ноорганик бирикмалар, иккинчи томондан тупроқ организмлари, учинчи томондан ўсимликлар таъсир қиласиди.

Мул ёки нейтрал (майин) гумуслар ўрмонлардаги кенг барглар остида ҳосил бўлади. Улар кўнғир ўрмон тупроқларида, яъни ёмғир чувалчанглари ва микроорганизмлар фаол ҳаракат бўлиши туфайли тўшалмалар кўп тўпланмайдиган жойларда ҳосил бўлади. Бундай гумус органоминерал би-

рикмалар таркибига эга бўлиб, ўтсимон жамоалар остида вужудга кёлади. Бундай гумусда С : N нисбати 20 дан пастроқ бўлади.

Мор ёки дағал турдаги гумус ўрмонлардаги нина барглар остида ҳосил бўлади. Бундай типдаги гумус секин парчаланади. Тупроқ фаунаси камбағал бўлиб, ҳақиқий сапрофаглар кам, фақат уни парчаловчи замбуруғлардан иборат. Тупроқни нейтралловчи асосий гумус кислотаси ҳам ҳосил бўлгани учун тупроқ кислотали хусусиятга эга. Бундай гумусда С : N нисбати 20 дан катта бўлади. Улардан ўсимлик тўшалмалари секин тўпланади ва узоқ вақт ичидаги парчаланади.

Модер оралиқ турдаги гумус. У дағал ва майин гумус оралиғидаги хусусиятларга эга бўлиб, аралаш ўрмонларда ҳосил бўлади. Органоминерал таркиби Мул гумусга нисбатан камроқ бўлади. Бундай турдаги гумус ўсимлик қолдиқларининг тез ўзгариши билан ҳосил бўлади. Бундай тупроқларда ёмғир чувалчанг бўлмайди, гумус ҳосил бўлиши умуртқасиз ҳайвонлар таъсири остида боради.

Биокимёвий йўналиш концепцияси бўйича гумус ҳосил бўлиши — М. М. Кононова фикрича, микроорганизмларни хужайрадан ташқарига чиқарган фермент моддалари таъсири остида ўсимлик маҳсулотлари вужудга келиши туфайли юз беради. Тупроққа тушган бирламчи ўсимлик маҳсулотидан микроорганизмларнинг ферментлари таъсирида цепполозалар, лигнин, танинлар азот сақловчи бирикмалар ва оқсил моддалари астасекинлик билан босқичма-босқич парчаланади.

Гумусификация жараёнида тўшалмадаги С : N нисбати 40 дан органик моддаларни парчаланиш жараёнида карбонад ангидриднинг ажралиб чиқиши билан С : N нисбати 10 гача пасаяди, яъни ўсимлик тўшалмаси ўз ҳажмини кескин озайтиради.

Микробиологик гумус ҳосил бўлиш концепцияси С. П. Констичев томонидан ривожлантирилган бўлиб, унинг фикрлари С. Н. Виноградский, Д. М. Новогрудовлар томонидан ривожлантирилган. Гумус таркибининг 90% ни ўзига хос моддалар — гумин кислотаси (50-80%) ва полисахаридлар ташкил қиласиди.

Улар турли микроорганизмларнинг таъсирида парчаланади. Тупроқнинг гумус фонди узоқ давом этувчи, ўсимлик ва микроорганизмлар таъсири остида ҳосил бўладиган

маҳсулотдир. У ўсимлик тўғридан-тўғри қабул қилолмайдиган озиқа моддаларни турли организмлар таъсири билан ёрувчан ўсимлик қабул қиладиган ҳолга ўтишидир.

Ишнинг бажарилиши тартиби:

1. Турли ўсимликлар қопламаси остида келтирилган гумусларнинг таркибий хусусиятлари ўрганилади. Теппер усули билан културадаги гумус ҳосил қилувчи микроорганизмлардан препаратлар тайёрланиб, микроскоп остида ўрганилади.
2. Мембранали фільтр ёрдамида намунадан ажратиб олинган замбуруғ гифлари ўлчанади. Бунда қўнғир-қорамтирилганда синтезловчи организмларга алоҳида аҳамият берилади.
3. Гумус моддаларини парчаловчилар кўпайғанлигининг белгиси ҳисобланган културадаги қўнғир, баҳмалсимон қопламларнинг тузилиши кузатилади.
4. Аниқланган гумус турларидаги замбуруғлар биомассаси ҳисобланади. Табиатдан келтирилган намуналардаги организмларнинг тур таркиби таққосланади. Хulosалар амалий машгулотлар дафтарига қайд қилинади.

22-МАШФУЛОТ

МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ТУПРОҚ ҚАТЛАМЛАРИДА ТАҚСИМЛАНИШИ ВА АРАЛАШУВИ

Тупроқ қатламларида микроорганизмларнинг тақсимлашишига биринчи навбатда шу қатламлардаги органик моддалар захираси катта таъсир кўрсатади. Жумладан, гумуснинг тақсимланиш қонуниятига боғлиқ ҳолда микроорганизмларнинг юқорига гетероген қатламда кўпроқ қисми, остки қатламларда эса тупроқ турларига боғлиқ ҳолда камроқ тақсимланади.

Ёзниг иссиқ кунларида тупроқнинг юқори қатламлари кучли қизиганлиги туфайли микроорганизмларнинг тупроқ юзаси камроқ, остки қатламларида кўпроқ бўлади. Айниқса, тупроқларнинг иллювиал қатламларида кўпроқ тўпла-

нади. Жумладан, тупроқ сув ўтлари тупроқнинг юзасида ва 5 см. гача бўлган қатламида, замбуруғлар тупроқдаги органик моддаларнинг миқдорига боғлиқ ҳолда турли қатламларда тақсимланади.

Тупроқнинг минераллашган чуқур қатламларида, ризосфера соҳаларида зичроқ бўлади.

Тупроқ қатламларида микроорганизмларнинг тақсимланиши ва аралашувида ўсимликларнинг илдиз тизими катта аҳамиятга эга. Улар органик моддалар манбаси сифатида ризосфера соҳасида тупроқни бошқа қисмларига нисбатан кўпроқ микроорганизмларнинг тўпланишига сабаб бўлади. Тупроқ қатламларида микроорганизмларнинг аралашуви актив ва пассив бўлади. Микроскопик тузилишга эга бўлган майда ҳайвонларни тупроқ қатламларида фаол аралашувида ўсимликларнинг илдиз тизими, тупроқ намлик даражаси, тупроқ капиллярлари муҳим рол ўйнайди. Содда ҳайвонлардан ташқари хивчинларга эга бўлган бактериялар тупроқ эритмаси билан тўлган капиллярлар ва сув пардалари бўйлаб фаол ҳаракатланади. Микроорганизмларнинг ҳаракатланиши турли таъсиrlагичлар остида ҳам амалга ошиши мумкин. Масалан, кимёвий моддалар концентрациясига боғлиқ ҳолдаги ҳаракат — хемотаксис, тупроқ аэрациясига боғлиқ ҳаракат — аэротаксис, ёруғликка нисбатан бўладиган реакция — фототаксис деб номланади. Тупроқ қатламдаги актиномицетлар замбуруғ гифлари ва сирпанувчи бактериялар тупроқ зарралари атрофидаги унча катта бўлмаган сиртда аралашадилар. Айрим сув ўтлари, миксомицетлар ўз хивчинлари билан нам юзаларда, тупроқ найчаларида, бўшлиқларда ва бошқа тупроқ тизимларида ҳаракатланиб аралашадилар. Замбуруғ ва актиномицетларнинг споралари ҳаво ва сув оқими ёрдамида тарқаса, тупроқ қатламида яшовчи ҳайвонлар ўзларининг тери қопламаси, озиқланиш ва айирув жараёни билан микроорганизмларнинг аралашуви ва тақсимланишига хизмат қиласди.

Микроорганизмларнинг пассив аралашуви жараёни тупроқ намлиги ва ўсимлик илдизлари ёрдамида амалга ошади. Маълум тупроқ қатламларидағи тақсимланган ва аралашган микроорганизмлар популяцияларини тупроқ биотасининг экологик услублари билан текшириб ўрганиш мумкин. Ма-

салан, Росс-холодно ёки микроблар манзараси («микробный пейзаж») усули кенг құлланилади.

1-ИШ. ТУПРОҚ БИОТАСИНИ ЭКОЛОГИК УСУЛДА ТАДҚИҚ ЭТИШ

Дарс жиһозлари: микроскоплар, Росс-холодно усули билан ўстирилган «микроблар манзараси» күлтураси, дисцилланган сув, стаканлар, 1% эритрозинли карбол бүёғи, томизгичлар, қоплагич ойна, дараҳт елимидан тайёрланган клей.

Дарс мақсади: табиий шароитда турли тупроқ қатламларыда тарқалған ва бирғаликта яшаёттан турли тизимли гурухларға мансуб микроорганизмларнинг ўзаро таъсирлашиб турувчи шакллари билан танишиш.

Росс-холодно усули билан тупроқ биотасини текширишда турли тупроқ турларидан унчалик катта бўлмаган кесма олиниади ва девори тозаланиб, пичоқ ёрдамида вертикал чукурча буюм ойнаси тупроққа зич қилиб ёпиштирилади. Шундан сўнг кесма беркитилиб белгилаб қўйилади. Кесма тайёрланган тупроқ етарли намликка эга бўлса, тезда буюм ойнаси тупроқ эритмаси билан қопланади. Бу эритма минерал ва органик моддалар бўлганлиги учун шу қатламдаги турли микроорганизмлар буюм ойнасига кўчиб, унда ривожланади. Мазкур буюм ойнасида айни қатлам учун хос бўлган «микроорганизмлар манзараси» ҳосил бўлади, яъни турли тизимли гурухларға мансуб микроорганизмларнинг кўчиб ўтган тўдалари маълум тартиб асосида жойлашади. Буюм ойнасини тупроқ қатламида сақланиши тупроқнинг биологик активлигига боғлиқ ҳолда 1 ойгача кутилади. Шундан сўнг белги қўйилган жой кавланиб буюм ойнасини охисталик билан сирғантирмай, тупроқ қатламидан ажратиб олиниади, сўнгра ҳавода қуритилиб, йирик тупроқ доначаларидан тозаланади. Буюм ойнаси газ алангасида фиксацияланади. Шунда ҳам буюм ойнасида йирик тупроқ доналари бўлса, сувли стаканчага қия ҳолда буюм ойнаси туширилиб, 1-2 соатча ушлаб турилади. Сўнгра 1% эритрозинли карбол эритмаси билан бўялади. Бўёқ берилгандан сўнг препарат нам камерага 1 соатга қўйилади ва дисцилланган сув билан ортиқча бўёқлар ювиб юборилади. Тайёр бўлган препаратдан

айни тупроқ қатлами учун хос бүлган микроорганизмлар тұдаларининг тизимли гурухы ва формалари билан танишилади. Шу буюм ойнасида тұпланған тупроқ замбуруғла-ри, бактериялар ва турли содда ҳайвонларнинг биргаликда үчровчи формалари билан танишиш мүмкін.

2-ИШ. ТУПРОҚ БИОТАСИНИ ТЕКШИРИШНИНГ РИБАЛКИНА ВА КОНОНЕНКО УСУЛИ

Бу усул «микроблар манзааси» усулининг такомиллаштирилған шакли бўлиб, бунда буюм ойнаси тупроқ қатламига ўрнатирилмасдан олдин крахмалли-аммиак, агар ёки бошқа озуқа муҳити билан қопланади. Бунда озуқа муҳитининг ўрнига фільтр қофози ёки каноп тўқимаси ҳам ўрнатилиши мүмкін. Қолган ишлар юқоридаги услубдагидек бажарилади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Дарсдан 1 ойча олдин юқоридаги икки усул билан ҳар хил тупроқларнинг турлича тупроқ қатламларига ҳар бир кичик гурухнинг буюм ойналарини «микроблар манзаасини» ҳосил қилиш учун ўрнатиб қўядилар. Буюм ойнаси кўйилған жой, тупроқ тури, намуна чуқурлиги маълум ёрлиқ бўйича белгилаб қўйилади.

2. Кутиш муддати ўтгандан сўнг буюм ойнаси газ ёки спирт лампасининг алангасида фиксацияланади, йирик тупроқ доначаларидан тозаланади, сўнг 1 % эритрозинли карбол эритмаси билан бўялади. Объектнинг бўялиши намли муҳитда олиб борилади ва бўялгунча 1 соат кутилади.

3. Бўялган препаратдаги ошиқча бўёқлар дисцилланган сувли стаканда сақлаш йўли билан ювилади.

4. Тайёр препарат микроскоп остида кузатилиб, айни тупроқ тури учун хос микроорганизм гурухлари билан танишилади. Систематик жиҳатдан аниқланиб шакли чизиб олинади.

5. Турли тупроқ хилларининг «микроорганизм манзаалари» таҳлил қилиниб, хulosалар амалий машғулотлар дафтарига қайд этилади.

23-МАШФУЛОТ

БИОТИК ЖАМОАЛАРДАГИ ЎЗАРО АЛОҚА ТУРЛАРИ

Экологик тизимнинг функционал бирлиги ва унинг тузилиш хусусиятлари айни тизим таркибини ташкил этувчи экологик жамоаларга боғлиқ. Шу экотизим таркибидаги тириклик жамоалар доимо ўзаро таъсирашшиб туради. Экотизимдаги турларнинг ўзаро таъсирашувларини нейтрализм, рақобат, ҳамкорлик, текинхўрлик, йиртқичлик, комменсализм, протокооперация, мутуализм каби кўринишлари бор. Бу таъсиrlар умумий хусусияти жиҳатидан трофик ва метаболитик турларга ажратилади.

Трофик таъсиrlар ёки жамоа аъзолари ўртасидаги озуқа орқали алоқалар ичida энг тавсифлиси «йиртқич ўлжа» муносабатидир. Бу муносабатда йиртқичнинг фаол озуқа излаш ҳаракатлари ва уни ўлжага тўғридан-тўғри хужум тавсифидир. Тупроқ муҳитида бундай алоқалар умуртқасиз ҳайвонлар ва микроорганизмлар ўртасида, тупроқ умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонлар ўртасида (юмонқозиқ ва ёмғир чувалчангি), умуртқасиз ҳайвонларнинг фитофаг ва йиртқич турлари ўртасида (томир қурти ва жужелица қўнғиз) яққол кўзга ташланади. Ушбу алоқа турлари ичидаги рақобат ҳолати у ёки бу турнинг кинетик ўсишига ўз таъсирини ўтказади. Айни экологик шароит қайси тур учун мақсадга мувофиқ бўлса, шу тур тез кўпаяди ва унинг миқдорий зичлиги юқори даражага етади. Масалан, ғўза агроценозида ғўзанинг янги униб чиқиш фазасида ит узум, шўр ўсимликларнинг кўп бўлиши кузги тунлам капалиги учун зарурий озуқа билан таъминланиш имкониятини яратади. Шу майдонда кўк томир қуртлари миқдор зичлигининг ўсиши таъминлайди. Бу турга биологик ҳолатида тунлам личинкаси билан озиқланувчи йиртқич жужелица қўнғизларининг кўпайишига олиб келади. Яна бир мисол, ўсимлик тўшалмалари ҳосил бўлишининг дастлабки босқичида сахаролитик замбурууглар учун қулай шароит вужудга келади, чунки янги тўкилган ўсимлик тўшалмаларида тез эрувчан органик қандсимон моддалар кўп бўлади. Шу тўшалма қатла-

мидаги ҳарорат, озуқанинг мүллиги сахаролитик замбуруғ гурухларини бошқа субстратларга нисбатан мана шу түшалма қатламида юқори миқдор зичлигининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Юқоридагилардан ташқари, тупроқ биотасидаги тропик алоқа турларидан синтроф ва метабиотик алоқа ҳам табиатда кенг тарқалган.

Метабиоз турдаги алоқа биринчи гуруҳ организмларнинг чиқиндиларидан ёки ҳосил қилған маҳсулотларидан иккинчи гуруҳ озуқа сифатида фойдаланилади. Бунга ёрқин мисол: нитроза бактериялари ҳосил қилған нитрит бирикмаларини нитрабактериялар истеъмол қиласиди ёки сут эмизувчи ҳайвон чиқиндиларини гўнгўр қўнғизлар ҳалқаличувалчанглар ўзлаштиради. Метабиотик алоқалар асосида табиатда турли кимёвий элементлар айланади ва уларнинг бирикмалари ўзгаришларга учрайди.

Синтроф алоқа турлари тупроқ биотасида аралаш биотик жамоалар яшаётган субстратларда учрайди. Соғ култураларда шу жамоани ҳар бир тизимли гуруҳи алоҳида озиқлана олмайди. Экотизимдаги озуқани ўзлаштирилиши шу синтроф жамоа уйғуллашган ҳолдагина амалга ошади. Бундай алоқа турига мисол сифатида метан ҳосил қилувчи ва метанотроф бактерияларни кўрсатиш мумкин. Ҳар иккала гуруҳ бир-бирисиз яшай олмайди.

Метаболик ёки аллелокимёвий алоқа тури ҳамма фаол ҳаёт кечиравчи тирик организмлар ташқи муҳитга сигналлик хусусиятига эга метаболит маҳсулотлар чиқаради. Биогеоценоздаги турли ўсимликлар ўсимлик қопламасини алмаштирувчи, ички ва ташқи алоқалар деб номланувчи моддалар чиқаради. Ҳашаротлар ўзларига жалб қилувчи атTRACTАНЛАР ва ўзларидан қочиравчи репелентларни ажратиб чиқаради. Бу моддаларнинг чиқиши ҳашаротларнинг айрим зотлари ва жинсларига боғлиқ ҳолда ажратилади. Микроорганизмлар ташқи муҳитга биологик актив моддалардан иборат микроблар оламига мансуб сигнал метаболитларини чиқаради.

Табиатдаги трофик ва метаболитик алоқалар асосида турли тирик организмларнинг ассоциациялари вужудга келаади. Бу ассоциациялар «ижобий» ва «салбий» тавсифга эга бўлади. Бундай ассоциацияларни симбиоз, проткооперация,

комменсализм, мутуализм, текинхўрлик (антибиоз) кўришилари тупроқ биотасида кўп учрайди.

Симбиоз ибораси 1879 йилда А де Баре томонидан фанга киритилган бўлиб, иборанинг ҳозирги пайтдаги кўпчилик томонидан эътироф этилган маъноси, турли таксономик гурӯҳларга мансуб турларнинг ҳамкорликда яшашидир. Масалан, айrim қандсимон моддалар билан озиқланишга мослашган чумоли турлари ширалар билан ҳамкорликда яшайди. Ўсимликнинг турли вегетатив органида яшаётган шираларни чумолилар қандсимон моддаси кўпроқ бўлган ва шира осон ўзлаштирадиган ўсимлик қисмига — илдиз тукларига, ёш ўсуви чи илдизларга, ўсув қисмига, ёш баргларга, янги новдаларга кўчириб ўтказади, бунинг эвазига чумолилар ширалар ўзларидан чиқараётган қандсимон моддалар билан озиқланади.

Протокооперация деб икки тизимли гуруҳ популяцияларининг субстратни биргаликда ўзлаштиришига айтилади. Ҳар иккала популяция биргаликдагина айни субстратдан тўлароқ, осонроқ фойдалана олади. Масалан, целлюлозанинг парчаланиш жараёни уйғунлашган азотфиксаторлар комплекси ёрдамида тез амалга ошади.

Комменсализм бир неча турнинг бир-бирига зиён етказмасдан биргаликда яшаши тушунилади, бунда биринчи тур иккинчи тур учун яшаш жойи (макони) бўлиб хизмат қиласди. Жумладан, ўсимлик ва ҳайвон организмларида турли таксонларга мансуб микроорганизмларнинг яшаши бунга мисол бўла олади. Шунингдек, эпифит ва бир ҳужайралиларни турли ҳайвонларнинг овқат хазм қилиш трактида яшашини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мутуализм — симбиоз усулида яшовчи организмлар бир-биридан алоҳида яшай олмайди. Пўстлоқхўр қўнғизлар ўзлари яшовчи жойда замбуруғларни кўпайишига имконият яратади ва шу жойга ўз тухумларини қўяди. Тухумдан чиқсан ёш қўнғиз личинкалари шу замбуруғ мицелийлари билан озиқланади.

Текинхўрлик — организмнинг тўлиқ ёки қисман иккинчи организм (хўжайин)га боғлиқ ҳолда яшашидир. Масалан, кузги тунлам личинкаларида текинхўр пардақанотли яйдоқчилардан апантелес ва бракон авлодларининг ва-

килларини ички ҳамда ташқи текинхўр сифатида яшashi бунга мисол бўла олади.

Антогонизм (антибиоз) микроорганизмлар оламида кўп учрайди. Бунда бир гуруҳнинг кўпайиши бошқасини ўсишдан тўхтатади. Айни гуруҳлар ўзаро бир-бирига муҳитга ажратиб чиқарган фаол биологик маҳсулотлари билан таъсир қиласди.

I-ИШ. ТУПРОҚ БИОТАСИДАГИ ЖАМОАЛАРНИНГ АЛОҚА ТУРЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ

Дарс жиҳозлари: бинокуляр микроскоплар, стол ва қўл лупалари, Петри косачалари, буюм ва қоплагич ойналари, сув пинцетлар, теша, белкурак, иш стаканлари, томизгич.

Дарс мақсади: тупроқ биотасидаги биотик жамоаларнинг ўзаро алоқа турлари билан танишиш.

Изоҳ: Дарс табиат қўйнида ўтлоқ ёки экинзорларда олиб борилади.

Табиатдаги турлараро биотик алоқа турларидан нейтрализм, рақобат, текинхўрлик, йиртқичлик комменсализм, протокооперация, мутуализм, синбиоз, антогонизм билан танишиш учун ўтлоқ, дашт, ўрмон биоценозларига ёки бирор экин агроценозига гуруҳ талabalари билан иш мавзусидаги дарсни ўтказиш мумкин. Бунинг учун гуруҳ юқорида тавсия қилинган дарс жиҳозлари билан қуролланади. Гуруҳ 2-3, 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Дарс олдидан талabalарга табиатда кузатилиши зарур бўлган трофик ва метаболитик алоқа турлари ҳамда уларни ҳар бир кўринишининг хусусияти тўғрисида матъзуза дарсига қўшимча йўриқномалар берилади.

Ҳар бир кичик гуруҳ бирор ценозда кузатувлар ўтказиб тупроқ кесмаларида, ўсимлик тўшалмаларида, ўсимликларнинг ризоплан ва ризосфераси соҳаларидан ҳам кузатув ва тажрибаларни олиб боради. Кузатув давомида ҳар бир ҳолат ва турлараро муносабатларни ўқитувчи ёрдамида талabalар изоҳлайди ва моҳиятини аниқлайдилар. Масалан, ёввойи бошоқдошлардан — қариқиз, буғдойиқ ризосфераси атрофими оҳисталик билан белкурак ёрдамида кавлаб қаралганда ўсимликнинг илдиз тизими қисмида рангсиз, оч қулранг-

ли шира колониялари кузатилади. Илдиз ширалари буғдоійқ илдизини сұриб озиқланади, уларнинг орасидан майда жигаррангли ва қорамтир тусли чумолиларни кузатиш мүмкін. Бу чумолилар шираларни оқысталик билан тишилаб бир жойдан иккінчи жойга күчираёттани аникланади. Бу симбиотик алоқага мисол бұла олади. Илдиз шираларининг бир қанчасининг Петри косачасига солиб ораларига олтин күзча ёки түгмача құнғизининг личинкаси құйилса, йиরтқыч личинкасининг ширалар билан қандай озиқланғанligini кузатиш мүмкін. Бундай йириңкыч-ұлжа муносабати кузатилади.

Тупроқ кесмасининг нам ва қуруқ тупроқ соҳасида үсімлік илдиз бұғзига яқын жойда күзги тунлам куртининг «С» симон әгилган кулрангли, 3-5 ёшли нұсхаларини учратиш мүмкін. Уларнинг қорин-сохта оёқлари атрофидаги тери қопламаси биноқуляр микроскоп остида кузатилса, баркон авлодига мансуб тухумлари топилади.

1-3 ёшли кам ҳаракатчан қуртлардан апентелес авлодига мансуб текинхүрлар, 3-5 ёшли қуртлардан браконлар авлодига мансуб текинхүрлар яйдоқчилар чиқади. Айрим намуналарда тупроқ қатламида үлган қурт таналаридан күп сонли яйдоқчиларининг личинкалари ва гүмбакларини учратиш мүмкін. Үқитувчи учун бу вазиятда текинхүр-хұжай-ин муносабатларини күргазмали асосида тушунтириш имкони туғилади. Шундай тарзда биотик алоқаларнинг бошқа күринишлари табиатда кузатилади. Дарс охирида ҳар бир кичик гурухнинг бажарған иши, кузатув натижалари гурухда муҳокама қилиниб якунланади.

Ишнинг бажарилиш тартиби:

1. Табиат бағрида олиб бориладиган бу дарсни бошлашдан олдин гурух кичик-кичик 2-3 ёки 3-5 кишилик гурухчаларга ажратилиб, дарс жиҳозлары билан таъминланади. Дарс бошида талабаларга экологик тизимдаги биотик жамоалар ва шу жамоалардаги биотик алоқалар, муносабатлар түғрисида қўшимча тушунтириш берилади.

2. Табиатдаги бирор ценозда гурух талабалари кичик гурухлар күринишида мустақил ҳолда тупроқ кесмалари, үсім-

лик түшалмалари қатламларидан намуналар олишиб, кузатув ва тажрибалар ўтказадилар. Олиб борилган кузатув ва тажрибалар биотик муносабатлар ҳамда уларнинг табиатдаги қўриниши, моҳияти устида бўлади. Ҳар бир биотик алоқа тури бўйича кузатув натижалари кузатув ва амалий машғулотлар дафтарига қайд қилиниши зарур.

3. Табиатда кузатилган биотик алоқаларнинг симбиоз, йиртқич-ўлжа, текинхўр-хўжайин ва бошқа қўринишлари бўйича кузатув ишлари лаборатория шароитида давом эттирилади. Тажрибаларнинг натижалари умумлаштирилади. Масалан, текинхўр тухум қўйган капалак личинкалари, фумбаклар лабораторияда сақланиб, ундан қулай шароитда текинхўрнинг учб чиқиши ва унинг яшаш тарзи, ривожланиш даври тўғрисида кузатув ишларини олиб бориш мумкин.

4. Турли ҳашоратларда, жумладан, капалаклар ўз жуфтини топиш учун ёки айрим кўнгизлар (хонқизлар), қандалар душмандан ҳимояланиш учун ўзларидан кучли ҳид берувчи кислотали, заҳарли хусусиятига эга моддаларни ажратиб чиқариши устида тажрибалар ва кузатув ишлари олиб борилади. Кузатув натижалари амалий машғулотлар дафтарига қайд қилинади ва ҳар бир ҳодиса биотик алоқаларнинг қайси турга мансублиги ва аҳамияти аниқланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бабьева П. П., Агра Н. С. Практическое руководство по биологии почв. М.: 1971.
2. Бабьева П. П., Зенова Г. М. Биология почв. М.: Изд. Московского университета. 1983, 248 с. 2-е изд., М.: Изд. Московского университета, 1989, 337 с.
3. Гельцер Ю. Г. Биологическая диагностика почв. М.: 1986.
4. Гиляров М. С. Зоологический метод диагностики почв. М.: «Наука», 1965.
5. Иногамова М. Микробиология ва вирусология асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1983, 104 б.
6. Кузнецова В. И. Уроки ботаники. М.: «Просвещение». 1985, 250 с.
7. Мавлонов О., Аҳмедов Ф. Х. Тупроқлар зоологияси. Т.: «Университет», 1992, 80 б.
8. Мавлонов О. Ҳуррамов Ш. Умуртқасизлар зоологияси. Т.: «Меҳнат», 1998, 438 б.
9. Норбоев З. Н. Умуртқасиз ҳайвонлар зоологиясидан амалий машгулотлар. Т.: «Меҳнат», 1991, 173 б.
10. Проблемы и методы биологической диагностики и индикации почв. М., 1976.
11. Теппер Е. З., Шильникова В.К., Преверзева Г. И. Практикум по микробиологии. М.: 1979.
- Тожибоев Ш. Ж. Тубан ўсимликлардан амалий машғулотлар. Т.: «Университет», 1986, 128 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
МАХСУС ҚИСМ	
1-МАШГУЛОТ	
1-ИШ. ЎҚУВ ЛАБОРАТОРИЯСИДА ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ	5
2-МАШГУЛОТ	
ОПТИК АСБОЛARНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАР	
БИЛАН ИШЛАШ ҚОИДАЛАРИ	7
УНДАН СТОЛ ЛУПАСИННИНГ ТУЗИЛИШИ ВА	
2-ИШ. ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ	7
ФОЙДАЛАНИШ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ	
3-ИШ. СТЕРИЛЛОВЧИ АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА	
УЛАР БИЛАН ИШЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ (ТАМОЙИЛЛАРИ)	8
3-МАШГУЛОТ	
1-ИШ. ГУПРОҚ МИКРООРГАНИЗМЛАРИ УЧУН ОЗУҚА МУХИТИНИ ТАЙЁРЛАШ	16
2-ИШ. ГУПРОҚ ҲАЙВОНЛАРИ УЧУН ОЗУҚА МУХИТИНИ ТАЙЁРЛАШ	23
4-МАШГУЛОТ	
ТУПРОҚ НАМУНАЛАРИДАГИ МИКРООРГАНИЗМЛАРНИ ТОПИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ	25
5-МАШГУЛОТ	
ТУПРОҚНИНГ БИОЛОГИК АКТИВЛИГИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ	28
АСОСИЙ ҚИСМ	
6-МАШГУЛОТ	
ТУПРОҚ СУВ ЎТЛАРИ	34
1-ИШ. КЎҚ-ЯШИЛ СУВ ЎТЛАРИ	35
2-ИШ САРИҚ-ЯШИЛ СУВ ЎТЛАРИ	38
3-ИШ. ЯШИЛ СУВ ЎТЛАРИ	41

4-ИШ. ДИАТОМСИМОН СУВ ЎТЛАРИ	46
1-мустақил иш. Тупроқ сув ўтларини миқдорий хисобга олиш	48
7- МАШГУЛОТ	
ТУПРОҚ БИОТАСИННИГ ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИДАГИ	
УМУМИЙ ТАВСИФ	50
СОДДА ҲАЙВОНЛАР	54
1-ИШ. ТУПРОҚ ЯЛАНГОЧ АМЁЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ	54
2-ИШ. ТУПРОҚ ЧИҒАНОҚЛИ АМЁБАЛАР БИЛАН ТАНИШИШ	56
3-ИШ. ТУПРОҚ ИНФУЗОРИЯЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ	57
8-МАШГУЛОТ	
ТУПРОҚ НЕМАТОДАЛАРИ	60
9-МАШГУЛОТ	
ТУПРОҚ КОЛОВРАТКАЛАРИ (ОГИЗ АЙЛАНГИЧЛИЛАР) ...	62
10-МАШГУЛОТ	
ҲАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ТУРИ. КАМ ТУКЛИЛАР	
СИНФИ	64
11-МАШГУЛОТ	
БҮГИМ ОЁКЛИЛАР ТУРИ ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР	
СИНФИ	66
1-ИШ. ЗАХКАШЛАР БИЛАН ТАНИШИШ	66
2-ИШ. ЎРГИМЧАКСИМОНЛАР СИНФИ.	
КАНАЛАР ТУРКУМИ	69
3-ИШ. КЎП ОЁКЛИЛАР СИНФИ	70
4-ИШ. ҲАШАРОТЛАР СИНФИ (INSECTA)	71
12-МАШГУЛОТ	
ТУПРОҚ УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАРГА УМУМИЙ	
ТАВСИФ	74
1-ИШ. УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТУПРОҚ БИОТАСИГА ТАЪСИРИ БИЛАН ТАНИШИШ	74
13-МАШГУЛОТ	
ЗАМБУРУГЛАР	76

22-МАШГУЛОТ	
<i>МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ТУПРОҚ ҚАТЛАМЛА-</i>	
<i>РИДА ТАҚСИМЛANIШИ ВА АРАЛАШУВИ</i>	111
1-ИШ. ТУПРОҚ БИОТАСИНИ ЭКОЛОГИК УСУЛДА	
ТАДҚИҚ ЭТИШ	113
2-ИШ. ТУПРОҚ БИОТАСИНИ ТЕКШИРИШНИНГ	
РИБАЛКИНА ВА КОНОНЕНКО УСУЛИ	114
23-МАШГУЛОТ	
<i>БИОТИК ЖАМОАЛЛАРДАГИ ҮЗАРО АЛОҚА ТУРЛАРИ</i>	115
1-ИШ. ТУПРОҚ БИОТАСИДАГИ ЖАМОАЛАРНИНГ	
АЛОҚА ТУРЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ	118
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	121

1-ИШ. ТУПРОҚ ЗАМБУРУГЛАРИГА УМУМИЙ ТАВСИФ ВА УЛАРНИНГ МУҲИМ ВАКИЛЛАРИ	76
2-ИШ. ТУПРОҚ ЗАМБУРУГЛАРИНИ ҮЛЧАШ ВА БИОМАССАСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ	80
3-ИШ. ЗАМБУРУГЛАРДАН ПРЕПАРАТ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ БЎЯШ	82
4- ИШ. ТУПРОҚ ТУРУШЛАРИ	83
 14-МАШГУЛОТ ЛИШАЙНИКЛАР	 84
 15-МАШГУЛОТ ПРОКАРИОТЛАР ДУНЁСИ	 87
1-ИШ. ПРОКАРИОТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	87
2- ИШ. БАКТЕРИЯЛАРНИ КУЗАТИШ УСУЛЛАРИ	92
3-ИШ. БАКТЕРИЯЛАРНИ ВИНОГРАДСКИЙ-ШУЛГИНА УСУЛИДА ҲИСОБГА ОЛИШ	94
 16- МАШГУЛОТ УГЛЕРОДЛИ БИРИКМАЛАР ЎЗГАРИШИДА ТУПРОҚ МИКРООРГАНИЗМЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ	 96
 17-МАШГУЛОТ АЗОТЛИ БИРИКМАЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ МИКРООРГАНИЗМЛАР	 98
 18-МАШГУЛОТ ОЛТИНГУГУРТ БИРИКМАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ИШТИРОКИ	 101
 19-МАШГУЛОТ ФОСФОРЛИ, ТЕМИРЛИ ВА АЛЮМИНИЙЛИ БИРИКМАЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ИШТИРОКИ	 102
 20-МАШГУЛОТ ЎСИМЛИК ТўШАЛМАЛАРИНИНГ ҲОСИЛ Бўлиши ва ЎЗГАРИШИ	 105
 21-МАШГУЛОТ ТУПРОҚДА ГУМУС МОДДАЛАРИНИНГ ҲОСИЛ Бўлиши ва ПАРЧАЛАНИШИ	 109

А.Мұхаммадиев, Ҳ. Мустафақұлов, С. Зокирова

ТУПРОҚЛАР БИОЛОГИЯСИДАН АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

Тошкент — 2002

Нашр учун масъул: *Н. Ҳалилов*

Таҳририят мудири: *М. Миркомилов*

Мұхаррир: *Ж. Тұрахонов*

Бад. мұхаррир: *М. Ҳайдарова*

Тех. мұхаррир: *Е. Масленников*

Мусахидиҳа: *А. Меденнова*

Босишига рухсат этилди: 8. 01. 2002 й. Бичими
 $60 \times 90^1 / _{16}$ Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 8,0 п.
Нашр табоғи 10,0. Адади 1000. Буюртма К-9298.

М. Ч. «Таълим манбаи» жамиияти, 700078, Тошкент.
Мустақиллик майдони, 5.

Ижарадаги Тошкент Матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий күчаси, 30.

